ИНГЛИЗЛАРНИНГ ИСЛОМ ДУШМАНЛИГИ

ИНГЛИЗ ЖОСУСИНИНГ ЭЪТИРОФЛАРИ

ТАРЖИМОН: М. СИДДИҚ КУМУШ

ИНГЛИЗ ЖОСУСИНИНГ ЭЪТИРОФЛАРИ

ва

Инглизларнинг Ислом душманлиги

Таржимон: М. Сиддиқ Кумуш

Биринчи нашр

Алматы - 2009

УДК 28
ББК 86.38
К 71

Жомиъул азҳар мудир-и ом тасдиқномасидир:

Туркияда Ихлос Вақфи тарафидан таълиф ва тадвин қилинган (ёзилиб чоп этилган) иловадаги рўйхатда исмлари ва муаллифлари мавжуд бўлган эллик икки адад дин китобининг нашри ва ихрожида (ташқарига чиқарилишида) ҳеч қандай зарар ва моне йўқдир.

Ал-Қоҳира 14.12.1994

АЗҲАР-И ШАРИФ
ИДОРАТ 'УЛ-БАҲУС ВА'Т-ТАЛИФ
ВА'Т-ТАРЖИМА МУДИР-И ОМ К.К.

Ушбу китоб «Ихлос вақфи» нашридир

Қазақстан мұсылмандары діни басқармасы діни бірлестігінің 4.09.2002 жылғы **23/0273** санды қаулысымен **«Ағылшын тыңшысының мойындаулары»** кітабының ішінде дінге жат нәрселер жоқ екендігі және Қазақстан территориясында таралуымен оқытылуына рұқсат берілгені аталып көрсетілген.

К 0403000000
00(05)-09

КИРИШ

Аллоҳу таоло Куръони каримда Моида сурасининг саксон иккинчи оятида: **«Исломиятнинг энг катта душмани яҳудийлар ва мушриклардир»** деб марҳамат қилди. Исломиятни ичкаридан йиқитиш учун илк фитнани чиқарган яҳудий яманлик Абдуллоҳ ўғли Сабадир. Бу кимса ҳақиқий мусулмон бўлган **Аҳли Суннат**га қарши **Шия** фирқасини курди. Ҳар асрда шия олими суратида саҳнага чиқиб турган яҳудийлар бу фирқани қувватлантирдилар. Яҳудийларнинг исломиятга берган зарарлари Қувайтда **Мактабат-ус-саҳобатил-исломия** нашриёти нашр этган **"Ҳиёнат-ул-яҳуд"** ва Бейрутда нашр этилган **"Ар-ражлус-санам"** китобларида атрофлича баён қилинган. Исо алайҳиссалом осмонга чиқарилгач ва нотўғри Инжиллар ёзилгач, христианларнинг кўпчилиги **мушрик** бўлди. Мушрик бўлмаганлари эса, Муҳаммад алайҳиссаломга ишонмаганлари учун **кофир** бўлди. Уларга ва яҳудийларга **Аҳли китоб** дейилди. Исломият вужудга келгач, попларнинг [ўрта асрдаги] ҳокимиятлари йиқилди. Улар Исломиятни йўқотиш учун, миссионер жамиятларини қурдилар ва бу ишда энг ашаддийлари инглизлар бўлди. Лондонда бу иш учун махсус **Мустамлакалар назорати** қурилди. Ақлга, ҳаёлга келмаган яҳудий ҳийлалари билан, ҳарбий ва сиёсий кучлари билан Исломиятга ҳужум қилдилар. **Мустамлакалар Назорати** бошқарувида ҳар мамлакатга юборилган мингларча жосуслардан бири бўлган Хемфер, ҳ. 1125 [м. 1713] йилда Басрада тузоғига туширган 14 яшар Нажлик Муҳаммадни йўлдан уриб, **Ваҳҳобий** фирқасини қурдирди ва Англиядаги **Мустамлакалар назорати**нинг буйруғи билан ҳ. 1150 (м.1737) йилда эълон қилдилар.

Хемфер - инглиз мустамлакалар назоратининг амри билан Миср, Ироқ, Эрон, Ҳижоз ва ҳилофат маркази бўлган Истанбулда жосуслик фаолиятларини юргазиш, мусулмонларнинг иймон бирлигини бузиш ва христианликка хизмат қилиш учун вазифалантирилган инглиз миссионеридир. Ислом душманлари исломиятни йўқотиш учун қанчалик кўп ҳаракат қилсалар ҳам, Аллоҳу таолонинг бу нурини асло ўчира олмайдилар. Чунки Аллоҳу таоло Қуръони каримда Ҳижр сурасининг тўққизинчи ояти каримаси маолида: **«Бу Қуръонни сенга мен туширдим.**

Уни албатта мен сақлайман» деб билдирди. Яъни кофирлар унга тажовуз этиб, уни бузолмайди ва ўзгартира олмайдилар. Унинг нурини асло ўчира олмайдилар деб марҳамат қилди. Ўн тўрт аср давомида мусулмонлар Қуръони каримнинг порлоқ йўлида илгарилаб илмда, ахлоқда, фанда, санъатда, тижоратда ва сиёсатда ривожландилар. Буюк давлатлар қурдилар. Франциядаги 1204 [м.1789] йилги инқилобдан кейин Европадаги ёшлар черковларнинг, попларнинг ахлоқсизликларини, зулмларини, талончиликларини, ёлғонларини ва христианликнинг бузуқ эканлигини кўриб, насронийликдан чиқиб, баъзилари мусулмон яна баъзилари динсиз бўла бошладилар. Христианликдан узоқлашган сари фанда, техникада илгариладилар. Чунки христианлик дунё учун интилишга ва илгарилашга тўсқинлик қиларди. Ўша ёшларнинг ўз динларини ёмонлаб ёзган китобларини ўқиган ва инглизларнинг исломга қарши уйдирган ёлғонларию туҳматларига алданган баъзи мусулмонлар ҳам дин душмани бўлди. Атеистман деб фахрланган бу бечоралар Исломиятдан узоқлашиб, фанда орқада қола бошлади. Ҳолбуки исломият дунё ишларида ҳам ҳаракат қилишни, илгарилашни, ривожланишни амр қилган.

Инглиз давлатининг асосий сиёсати дунёдаги, айниқса Африка ва Ҳиндистондаги табиий бойликларни эксплуатация қилиш, у ердаги инсонларни ҳайвондай ишлатиб бутун қозончларини Британияга ташиш эди. Ватанпарварликни, меҳр оқибатни, адолатни, ҳожатбарорлик ва дўстликни амр қилувчи Ислом дини билан шарафланган ҳақиқий мусулмонлар инглиз ёлғонларини фош қилиб, зулмларига тўсқинлик қилмоқдалар.

Бу китобимизни уч қисм ҳолида тайёрладик:

Биринчи қисм, инглиз жосусининг эътирофидир. Бу қисмда инглизларнинг исломиятни йўқотиш учун ҳозирлаган олчоқ, пасткаш планлари ва фитналари ёритилади. Бу қисм етти бўлимдан иборатдир.

Иккинчи қисмда, инглизларнинг мусулмон мамлакатларида айёрлик билан давлат одамларини алдаганлари, мусулмонларга нисбатан ақлга-хаёлга сиғмайдиган зулмларни раво кўрганликлари, Ҳинд ва Усмонли ислом давлатларини қандай йўқ этганликлари баён қилинади. Китобимизнинг бу қисми Ваҳҳобийларнинг тузоқларига илинган бечора мусулмонларнинг ғафлатдан уйғонишларига сабаб

бўладиган ва Аҳли суннат олимларининг ёзувларини тасдиқловчи ҳужжатлар билан бойитилган.

Учинчи қисм **"Хулосат-ул-калом"**дан таржима қилинган бўлиб, ҳақ диннинг исломият эканлиги исбот қилинади.

Бугун дунё мусулмонлари асосий уч фирқага ажралган бўлиб, биринчи фирқа Асҳоби киромнинг саодатли йўлидан юрган ҳақиқий мусулмонлардир. Буларга **Аҳли суннат**, **Сунний** ва **Фирқаи ножия,** яъни жаҳаннамдан нажот топган фирқа дейилади.

Иккинчи фирқа Асҳоби киромга душман бўлганларнинг фирқасидир. Буларга **Шия** ва **Фирқаи золла**, яъни бузуқ, адашган фирқа дейилади.

Учинчи гуруҳ эса, суннийларга ва шияларга душман бўлганлар фирқасидир. Уларга **Ваҳҳобий** ва **Нажддий** дейилади. Чунки бу тоифа Арабистоннинг Нажд шаҳридан дунёга тарқаган. Бу фирқага яна **Фирқаи малъуна**, малъунлар галаси ҳам дейилади. Боиси, уларнинг мусулмонларни мушрик деб таҳқирлаганлари **"Қиёмат ва охират"** ва **"Саодат-и абадия"** китобларимизда келтирилган. Мусулмонга кофир деганларни Пайғамбаримиз лаънатлаганлар. Қайси фирқадан бўлишидан қатъи назар, нафсига уйган ва қалби соф бўлмаган кимса жаҳаннамга кетади. Ҳар бир мўмин нафсини тазкия учун, яъни фитратида мавжуд бўлган куфр ва гуноҳлардан тозалаш учун давомли **"Ло илоҳа иллоллоҳ"** калимасини ва қалбини тасфия учун, яъни нафсдан, шайтондан, ёмон улфатлардан, зарарли, бузуқ китоблардан келган куфр ва гуноҳлардан қутқариш учун ҳар доим **«Астағфируллоҳ»** калимасини айтиб юриши керак. Исломиятга амал қилган кимсанинг дуолари албатта қабул бўлади. Мусулмонларни мана шу уч фирқага ажратганлар яҳудийлар билан инглизлардир.

Мелодий	**Ҳижрий шамсий**	**Ҳижрий қамарий**
2009	**1387**	**1430**

Биринчи Қисм

БИРИНЧИ ФАСЛ

Хемфер айтадики: Бизнинг Буюк Британия жуда кенг. Қуёш Британия денгизлари узра осмонга кўтарилганидек, яна ўша денгизлар қаърига ботади. Давлатимиз Ҳиндистон, Хитой ва Ўрта Шарқдаги мустамлакаларида нисбатан заифроқ бўлиб турибди. Шунинг учун бу мамлакатлар бутунлай идорамизнинг бошқарувида эмас. Лекин, бу ўлкаларда жуда ҳам фаол ва муваффақиятли сиёсат юритмоқдамиз ва ҳаммаси қўлимизга кириш арафасидадир. Бу ишда икки нарса жуда муҳим:

1 - Забт қилинган бутун давлатларни қўл остида ушлаб туришга ҳаракат қилиш.

2 - Забт қилинмаган мамлакатларни ҳам, қўл остига киритишга ҳаракат қилиш.

Мустамлакалар нозирлиги, бу икки вазифанинг ижроси учун бу давлатларнинг ҳар бирига атаб, алоҳида комиссиялар ташкил этганди. Мустамлакалар нозирлигида вазифа олганимдан кейин нозир менга ишонч хосил қилди ва Шарқий Хиндистон ширкатида бир вазифа берди. Бу - кўринишда бир тижорат ширкати эди, лекин асл вазифаси - Хиндистоннинг буюк ва кенг худутларига ҳоким бўлишнинг йўлларини ахтариш эди.

Ҳукуматимиз Ҳиндистон масаласида хотиржам эди, чунки Ҳиндистон ҳар хил миллатлар, алоҳида тиллар ва зид манфаатлар ўлкаси эди. Хитойдан ҳам ташвишланмасдик, боиси Хитойга ҳоким бўлган Буддизм ва Конфуций динларининг жонланиши хавф туғдирадигандай эмасди. Зеро, булар ҳаётга ҳеч алоқаси бўлмаган икки ўлик дин эди.

Шунинг учун ҳам, бу икки ўлка халқида ватанпарварлик туйғуларининг пайдо бўлиши эҳтимолдан йироқ масала эди. Бу икки ўлка Англия давлатини ҳеч ҳам безовта этмасди. Фақат олдинда бўладиган нарсаларни ҳам кўзимиздан йироқ тутмасдик. Шунга биноан, бу ўлкаларда келишмовчилик, жаҳолат ва фақирлик, ҳатто юқумли касалликларни ёйиш учун узун муддатли планлар тузардик. Бу икки ўлка ҳалқининг одатларини тақлид қилган ҳолда ниятларимизни бемалол яшира олардик.

Лекин бутун режаларимизга таҳдид солиб, тинчимизни ўғирлаб турган нарса Ислом мамлакатлари эди. Ўз фойдамизни кўзлаб, “Касал одам” билан [Усмонли давлатини назарда тутяпти] бир неча шартнома имзоладик. Мустамлакалар нозирлигининг тажрибали ходимлари бу “касал”нинг бир асрдан оз вақт ичида жон беришини башорат қилишарди. Ундан ташқари, Эрон ҳукумати билан ҳам аллақачон яширин битимларга келган ва бу икки давлатга ўзимиз масонлаштирган давлат одамларини жойлаштиргандик. Порахўрлик, давлат бошқарувидаги қобилиятсизлик ва диний илми нуқсон бўлган раҳбарларнинг гўзал аёллар билан машғул бўлиб, вазифаларини унутиши, бу икки ўлканинг орқада қолишига сабаб бўлди. Лекин шундай бўлса ҳам, қуйида кўрсатилган сабаблар туфайли фаолиятларимиз кутган натижани бермаслигидан хавотирда эдик:

1- Мусулмонлар Исломга жуда ҳам қаттиқ боғланган бўлиб, ҳар бир мусулмон поп ва роҳибларнинг Христианликка боғлилиги қадар, ҳатто ундан ҳам ортиқроқ даражада Исломга боғлиқ. Маълумки поп ва роҳибларнинг жони чиқса чиқадики, лекин христианликлари чиқмайди. Мусулмонларнинг энг хавфлилари Эрондаги шиялар. Чунки, улар шия бўлмаганларни кофир ва нажосат деб билар, христианларни эса анқиган ахлатдек кўрадилар. Табиатан инсон бутун кучи билан ифлосликларни йўқотишга ғайрат қилади.

Бир куни шияларнинг биридан худди шу масалани сўрадим: «Христианларга нега бундай қарайсиз?». Олган жавобим: «Ислом Пайғамбари жуда ҳам ҳоким бир зот бўлиб, кофирларни шундай маънавий тааруз остига олганларки, уларнинг тўғри йўлни топишига ва Аллоҳнинг дини бўлган Исломга киришига сабаб бўлсин. Шунингдек давлат ҳам бир инсонни хавфли деб билса, уни итоат эттиргунча моддий босим остига олади. Бу ерда нажосатдан мақсад моддий эмас, маънавий қистов бўлиб нафақат христианларга, балки суннийларга ва бутун кофирларга ҳам хосдир. Ҳатто, бизнинг эски Эронли мажусийлар ҳам шиялар назарида нажосатдирлар.»

Унга айтдим: «Жуда соз! Суннийлар ва христианлар ҳам Аллоҳга, Пайғамбарларга ва қиёмат кунига ишонадиларку, нега энди нажосат бўлсинлар?» жавобида айтдики: «Икки сабабдан нажосатдирлар: Биринчиси ҳазрати Муҳаммадга, худо сақласин, ёлғончи деб туҳмат қилишгани учун[1]. Биз ҳам бу чиркин туҳмат қаршисида *“Сенга азият берганга сен ҳам азият этишинг мумкин”* деган сўзга амал қилган ҳолда уларга «Сиз нажосатсиз» дея оламиз. Иккинчиси эса, христианлар Аллоҳнинг Пайғамбарига ёмон иснодларда бўлиши. Масалан, Исо алайҳиссалом шароб ичарди, малъун бўлгани учун хочга михланди, дейишади.»

[1] Ҳолбуки, Пайғамбаримизни ёлғончилик билан итхом этганлар, шиялар ва христианлардир. Шияларнинг Қуръони каримга ва Пайғамбаримизнинг ҳадиси шарифларига мос келмаган эътиқодлари, сўзлари ва чиркин ишлари **«Ас-Савоиқ-ул муҳриқа», «Туҳфаи исно ашарийя», «Таъйид-и аҳли суннат», «Ноҳия», «Асҳоб-и киром», «Ҳужаж-и қатъийя» ва «Милал ва Ниҳол»** каби аҳли суннат китобларида билдирилган, ҳар бирининг жавоблари берилган. **«Савоиқ»** муаллифи Аҳмад ибни Ҳожар Маккий 974 (м.1566)да Маккада, **«Туҳфа»** муаллифи Абдул Азиз 1239 (м.1824) да Деҳлида, **«Таъйид»** муаллифи имоми Раббоний Аҳмад Форуқий 1034 (м.1624)да Сарҳанди шарифда, **«Ноҳия»** муаллифи Абдулазиз Фарҳоравий 1239 (м.1824)да, **«Асҳоби киром»** муаллифи Абдулҳаким Арвосий 1362 (м. 1943)да Анқарада, **«Ҳужаж» муаллифи Абдуллоҳ Сувайдий 1174 (м.1760)да Бағдодда, «Милал»** муаллифи Муҳаммад Шаҳристоний 548 (м.1154)да Бағдодда вафот этганлар.

Мен даҳшат ичида унга айтдимки: «Христианлар ундай демаган.» У эса: «Йўқ сен билмайсан, **“Китоби муқаддас”**да шундай ёзилган»- деди. Мен жим бўлдим, зеро бу шия иккинчи хусусда бўлмаса ҳам, биринчисида ҳақли эди. Баҳсимизни чўзишни истамадим, чунки гарчи исломий қиёфатда бўлсам ҳам, мендан шубҳаланиши мумкин эди. Шу сабабли доимо мунозаралардан узоқ турардим.

2- Исломият бир замонлар идора ва ҳукм дини эди. Мусулмонлар ҳам азиз эди. Бу олийжаноб инсонларга, энди сиз қулсиз дейиш қийин. Ислом тарихини ёмонлаб, мусулмонларга бир замонлар қўлга киритган иззат ва этиборларингиз баъзи шартларга боғлиқ эди. Энди у кунлар кетди, қайтиб келмайди дейишимиз ҳам имкон ташқарисида эди.

3- Усмонийлар ва эронликлар ишларимизни сезиб қолиб, планларимизни бузиб, бизни таъсирсиз ҳолга келтиришларидан жуда хавотир олардик. Ҳақиқатда бу икки давлат заифлаган бўлса ҳам, мол, қурол ва ҳукм соҳиби марказий бир ҳукуматнинг мавжудлиги бизнинг дадил ва амин бўлишимизга тўсқинлик қиларди.

4- Ислом олимларидан ҳам жуда беҳаловат эдик. Чунки Истанбул, Ал-азҳар, Ироқ ва Шом олимлари йўлимиздаги ошилмас ғовлардан эди. Зеро, улар дунёнинг ўткинчи завқ ва зийнатларига алданмайдиган, Қуръони карим ваъда қилган жаннатга киришга тайёрланган ва ўз принципларидан қилчалик орқага чекинмайдиган кишилардир. Халқ уларга тобе бўларди, ҳатто султон ҳам улардан қўрқарди. Суннийлар шиялар чалик олимларга боғлиқ эмасди. Шиялар асло китоб ўқимас, эвазига фақатгина олимларни таниш билан кифояланарди, султонга ҳам керакли аҳамият ва ҳурмат кўрсатишмасди. Суннийлар эса, кўп китоб ўқир, олимларнинг ва султоннинг сўзларидан чиқмасди.

Бу мавзуда жуда кўп йиғилишлар ўтказдик, фақат афсуски, ҳар гал олдимиздаги йўлнинг ёпиқ эканлигини кўрдик. Жосусларимиздан келган ҳисоботлар ҳаёлларни

пучга чиқарувчи ва конференцияларнинг натижалари ҳам бесамара эди, лекин барибир умидсизликка тушмасдик. Чунки, биз чуқур нафас олишни ва сабр қилишни одатга айлантиргандик.

Бир гал йигирма кишилик йиғилишимизга, нозирнинг ўзи, энг буюк поплар ва бир қанча мутахассислар ҳам қатнашганди. Уч соатдан кўпроқ давом этган бу йиғилишимизда ҳеч бир натижага боролмадик. Лекин, бир поп шундай деди: «Беҳузур бўлманг! Чунки христианлик фақат уч юз йил зулм чеккандан кейингина ёйилди. Умид қиламизки Масиҳ ғайб оламидан бизга назар этиб, уч юз йил кейин бўлса ҳам, кофирларни [яъни мусулмонларни] марказларидан қувиб чиқаришни насиб этар. Биз қувватли иймон ва узун сабр билан қуролланиб, ҳукмни қўлга киритиш учун, бутун воситаларга эга бўлиб, барча йўлларни синашимиз керак. Христианликни муҳаммадийларнинг орасига ёйишга ҳаракат қилишимиз керак. Бир неча асрдан кейин бўлса ҳам натижага эриша олсак, жуда соз. Зеро, оталар болалари учун ишлайдилар».

Мустамлакалар нозирлигида англияликлар билан бирга, Франция ва Россиядан келган дипломат ва дин пешволарининг иштирокида ҳам бир конференция ўтказилди. Жуда ҳам омадли эдим. Нозир билан орамиз яхши бўлганлиги учун, мен ҳам қатнашгандим. Конференцияда мусулмонларни парчалаб, Испания каби динларидан чиқариб иймонга келтиришнинг [христианлаштиришнинг] режалари ишлаб чиқилди. Лекин, борилган натижалар биз кутганчалик бўлмади. Мен ўша конференциядаги нутқларни “**Ила малакутил – Масиҳ”** исмли китобимда ёздим.

Томирлари чуқур кетган улкан дарахтни қурутиб йиқитмоқ албатта қийинчиликсиз кечмайди. Лекин бу қийинчиликни аввал осонлаштириб, кейин енгишимиз керак. Христианлик бутун дунёга ҳоким бўлиш учун юборилган. Буни бизга Масиҳ халоскоримиз ваъда қилган.

Аммо христианлик ўрнига Исломнинг ёйилиб кетиши сизни чалғитмасин. Муҳаммадга ўша пайтдаги Шарқ ва Ғарб аҳолисининг ночор аҳволи ва қашшоқ турмуш тарзи қўл келган эди. Лекин энди ўша ноқулай шароитлар кетгач, ўзи олиб келган балоларни [Исломни назарда тутяпти] ҳам ўзи билан бирга олиб кетди. Бугун беҳад қувонч ва мамнуният билан вазиятнинг ўзгарганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Нозирлигимизнинг ва бошқа христиан ҳукуматларининг саъй ҳаракатлари, ғайрат ва меҳнатлари натижасида мусулмонлар орқада қола бошлади. Христианлар эса аста-секин қувватланиб боряпти. Узун асрлар мобайнида йўқотилган ҳудудларимизни қайтадан қўлга киритишнинг пайти келди. Исломиятни яксон ва танг-томири билан нобуд қилишда Буюк Британия давлати пешқадамлик қилмоқда.

Имоми Раббоний ҳазратлари **«Мактубот»** китобининг 1-жилд, 275-мактубида айтадиларки: Сизнинг ушбу неъматга эришишингиз, Ислом илмларини ўргатишингиз ва фиқҳ ҳукмларини ёйишингиз туфайлидир. Чунки у диёрларни жаҳолат қоплаган ва бидъатлар ёйилган эди. Аллоҳу таоло севгили қулларининг муҳаббатини сизларга ҳам эҳсон этди, исломиятни ёйишга сизларни восита қилди. У ҳолда, дин илмини ўргатишга ва фиқҳ аҳкомини ёйишга қўлингиздан келадиган барча имконларингизни сарфланг. Тинманг. Бу икки иш бутун саодатларнинг боши, юксалишнинг воситаси ва нажотнинг сабабидир. Кўп ҳаракат қилинг! Дин намояндаси сифатида майдонга чиқинг! У ердагиларга амри маъруф ва наҳйи мункар қилиб, ҳақ йўлни кўрсатинг! Музаммил сурасининг ўн тўққизинчи оятида маъолан: **«Раббингнинг ризолигига эришишни истайдиганлар учун бу албатта бир насиҳатдир.»**- дейилди.

Кимсага қилмам шикоят, йиғлайман мен ҳолимга
Титрайман маҳкум каби, боқсам истиқболимга.

Биринчи Қисм

ИККИНЧИ ФАСЛ

Ҳижрий 1122, милодий 1710 йилда Мустамлакалар нозирлиги мени мусулмонларни парчалаш учун keraкли ва етарли маълумотларни тўплаш ва жосуслик қилиш мақсадида Миср, Ироқ, Ҳижоз ва Истанбулга юборди. Айни тарихда ва айни вазифа билан назоратимиз жасоратли тўққиз кишини ҳам вазифалантирди. Бизга ҳожат бўлган пул, маълумот ва харита, ҳамда давлат арконларининг, олим ва қабила раисларининг исмлари ёзилган варақалар топширилди. Бир нарса ҳеч ёдимдан чиқмайди! Секретар билан хайрлашганимизда бизга айтдики: «Давлатимиз келажаги сизларнинг муваффақиятларингизга боғлиқ. Шунинг учун бор кучингиз билан ҳаракат қилингиз».

Мен Исломиятнинг халифалик маркази бўлган Истанбул сари, денгиздан йўлга чиқдим. Асл вазифамнинг ёнида унга қўшимча қилиб, у ерда туркчани мукаммал тарзда ўрганишим керак эди. Зотан аввалроқ Лондонда анча туркча ва Қуръон лисони арабча ва эронликларнинг тили бўлган форсчани ўрганган эдим. Лекин бир тилни ўрганиш бошқа, у тилни ўша миллатнинг мансубидек гапириш бошқа. Зеро биринчиси бир неча йилда ҳосил бўлгани ҳолда, иккинчиси нисбатан кўпроқ вақт талаб қиларди. Инсонлар мендан шубҳаланмасликлари учун, туркчани бутун нозик қирраларигача ўрганишим керак эди.

Мендан шубҳаланишади деб ҳеч ҳам безовта бўлмасдим. Чунки, мусулмонлар пағамбарлари бўлмиш Муҳаммад алайҳиссаломдан ўрганганларидай сабр-тоқатли, очиқ қалбли ва яхши ниятлидирлар. Улар бизга ўхшаб, шубҳа

этувчилардан эмас. Қолаверса, Турк ҳукумати ўша пайтда жосусларни тута оладиган ташкилотга ҳам эга эмасди.

Жуда ҳам қийин кечган сафарим натижасида Истанбулга етиб бордим. Исмимнинг Муҳаммад эканлигини айтиб, мусулмонларнинг ибодатхонаси бўлган масжидга қатнай бошладим. Менга мусулмонларнинг тартиби, тоза ва итоаткор бўлишлари жуда ҳам ёқди. Ўшанда ўз-ўзимга: «Бу беғараз инсонлар билан нима учун урушяпмиз? Масиҳ халоскоримиз бизга шуни амр этганмиди?» дедим. Аммо, мен дарҳол бу шайтоний [!] фикрдан қайтдим ва вазифамни аъло даражада бажо келтиришга қарор бердим.

Истанбулда Аҳмад афанди исмли кекса бир олим билан танишдим. Ундаги назокатни, очиқ қалблиликни, кўнгил софлиги-ни ва ёрдам севарликни ўзимиздаги ҳеч бир дин пешвомизда кўрмагандим. Бу зот кеча кундуз Муҳаммад алайҳиссаломга ўхшашликка ҳаракат қиларди. Унга кўра, Муҳаммад алайҳиссалом энг комил, энг устун инсон эди ва ҳар зикр қилганида, кўзлари ёшланарди. Омадимни кўрингки, бирон марта бўлса ҳам ким эканлигимни, қаердан келганлигимни сўрамади. Менга «Муҳаммад афанди» деб мурожаат қиларди. Сўраган саволларимга жавоб берар, менга шавқат ва марҳамат билан муомала қиларди. Чунки, мени Туркияда ишлаш ва Муҳаммад алайҳиссаломни халифасининг соясида яшаш учун Истанбулга келган бир мусофир деб биларди. Зотан, мен ҳам ўша баҳона билан Истанбулда қолардим.

Бир кун Аҳмад афандига: «Ота-онам вафот этди, қариндошим ҳам йўқ. Менга мерос бўлиб ҳеч нарса қолган эмас. Ишлаб топиш, Қуръони каримни ва дин билгиларини ўрганиш, яъни ҳам дунёмни, ҳамда охиратимни обод қилиш учун ислом марказига келдим»- дедим. Бу гапимга жуда севинди ва «Шу уч сабабдан сенга ҳурмат кўрсатиш лозим»- деди. Сўзларини айнан ёзяпман:

1. Сен мусулмонсан. Бутун мусулмонлар биродардир.

2. Сен мусофирсан. Пайғамбаримиз “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” **«Мусофирга икромли бўлингиз!»** - деб марҳамат қилганлар.

3. Сен меҳнат қилишни хоҳлайсан **«Меҳнатсевар кимса Аллоҳнинг дўстидир»** деган бир ҳадиси шариф бор.

Бу сўзлар менга жуда ҳам ёқиб тушган эди. Ўз-ўзимга: «Кошки христианликда ҳам шунга ўхшаш порлоқ ҳақиқатлар бўлса, афсуски, ҳеч бири йўқ.»- дедим. Лекин, мени ачинтирадиган ягона нарса – мана шундай буюк ва олий диннинг мағрур ва ҳаётдан бехабар баъзи кимсалар қўлида увол бўлиши, яъни заифлаши эди.

Аҳмад афандига: «Қуръони каримни ўрганмоқчиман»- дедим. «Бош устига, сенга ўргатаман»- деди. Фотиҳа сурасидан ўргатишни бошлади. Қуръони каримни ўрганишдан аввал таҳорат олар ва менга ҳам олдирарди. Қиблага қараб ўқитар, ўқиганларимизнинг маъноларини ҳам очиқларди. Баъзи калималарни ўқишда жуда ҳам қийналардим. Икки йил ичида Қуроъони каримни бошидан охиригача ўқидим.

Мусулмонларнинг таҳорат деган нарсаси, баъзи аъзоларини ювишдан иборатдирки: 1) Юзни ювиш, 2) Бармоқлардан тирсаккача ўнг қўлни ювиш, 3) Бармоқлардан тирсаккача чап қўлни ювиш, 4) Бошни, қулоқларнинг орқасини ва бўйинни масҳ этиш, 5) Ҳар икки оёқни ювиш.

Мен мисвок қўлланишдан жуда ҳам беҳузур бўлардим. **Мисвок -** мусулмонларнинг таҳоратдан аввал оғиз ва тишларини тозалайдиган бир дарахт новдасидир. Мен бу новдани оғизга ва тишларга зарарли деб ўйлардим. Баъзан оғзимни яралаб қонатарди, лекин шундай бўлса ҳам, қўлланишга мажбур эдим. Чунки, уларнинг наздида мисвоқ қўлланиш Пайғамбар алайҳиссаломнинг муҳим суннати эди. Бу дарахтнинг жуда фойдали эканлигини айтишди. Ҳақиқатан ҳам бироз вақтдан кейин тишларимнинг қонаши тўхтади. Инглизларнинг кўпчилигида бўладиган оғзимдаги ёмон ҳид ҳечам қолмади.

Истанбулда бўлган вақтларимда, бир мунча пул эвазига бир жомеъ хизматчисининг ёнида ётардим. Хизматчининг исми Марвон афанди эди. Марвон - Муҳаммад алайҳиссаломнинг бир саҳобасининг исми. Бу хизматчи жуда асабий одам эди. Исми билан мақтанар ва менга: «Бир ўғлинг бўлса, исмини Марвон қўй, чунки Марвон исломнинг буюк мужоҳидларидандир»- дерди.

Кечки таомларни Марвон афанди тайёрларди. Мусулмонларнинг байрами бўлган жума куни ишга бормасдим. Ҳафтанинг қолган кунларида Холид исмли бир дурадгор ёнида, ҳафталик иш ҳақи олиб ишлар эдим. Фақат эрталабдан тушгача ишлаганим учун, ишчиларга берадиган ҳақнинг ярмини менга берарди. Дурадгор бўш пайтларда Холид бин Валиднинг фазилатларидан кўп гапирарди. Холид бин Валид Муҳаммад алайҳиссаломнинг саҳобаларидан бўлиб, буюк мужоҳиддир. Ҳар хил исломий фатҳлар қилган, лекин Умар бин Хаттобнинг уни вазифадан олиши дурадгорни хафа қиларди[2].

Иш хўжайним бўлган дурадгор Холид, ахлоқсиз ва тез аччиқланадиган асабий бир эди. Нима бўлганда ҳам, менга жуда ишонарди. Балки бу ишончи, сўзидан ҳеч чиқмаганим учундир. Ёлғиз вақтларида шариятга аҳамият бермасди, лекин дўстларининг ёнида шариятнинг амрларини бажарарди. Жума намозига тўлиқ борарди, бироқ қолганларини аниқ билмайман.

Нонуштамни дўконда ердим. Ишдан кейин пешин намози учун масжидга бориб, аср намозигача шу ерда қолардим. Аср намозидан кейин Аҳмад афандининг уйига бориб икки соатгача Қуръони карим, арабий ва туркча тил дарсларини олардим. Ҳафталик топишимни, мени жуда аъло ўқитгани учун ҳар жума унга берардим. Ҳақиқатан ҳам,

[2] Холид бин Валиднинг ўрнига тайинланган Убайда бин Жарроҳ ҳам зафарли урушларни давом эттиргандан кейин ғалабанинг Холид сабаби билан эмас, Аллоҳу таолонинг ёрдами туфайли эканлиги англашилди.

менга [Қуръони каримни, ислом динининг шартларини ва арабий ва турк тилларини жуда теран, ғоят мукаммал тарзда ўргатарди.

Аҳмад афанди бўйдоқ эканлигимни билиб, қизларидан бирини менга бермоқчи бўлди. Мен эса, унинг таклифини рад этдим. У сўзида қаттиқ туриб, менга уйланиш – Пайғамбарнинг суннати эканлигини, Пайғамбарнинг **«Менинг суннатимдан юз ўгирганлар мендан эмаслар»** деганини айтарди. Бу воқеа, муносабатларимизнинг узилишига сабаб бўлишини фаҳмлаб, унга ёлғон гапирдим: «Менда жинсий ожизлик бор». Шу сўзим билан эски дўст ва аҳбобликнинг давом этишини таъминладим.

Икки йил Истанбулда бўлгач, Аҳмад афандига ватанимга қайтиш истагимни айтдим. «Кетма, нима учун кетяпсан? Истанбулда нима ахтарсанг ҳаммаси бор. Аллоҳу таоло бу шаҳарга дин ва дунёни бирликда берган. Айтгандай, ота-онанг вафот этганини, қариндош уруғларинг йўқ эканлигини айтган эдинг. Ундай бўлса Истанбулга тамоман жойлаш»- деди. Аҳмад афанди менга жуда ҳам ўрганиб қолган эди. Шу боис, мендан айрилишни истамас ва Истанбулда қолишим учун қистарди. Лекин, ватаний вазифам мени, Лондонга қайтиб, хилофат маркази ҳақида тўплаган тафсилотли ҳисоботни бериб, яна амрлар олишим учун ундарди.

Истанбулда бўлган муддат мобайнида Мустамлакалар назоратига кузатган ҳодисаларим ҳақида ой сайин бир рапорт юбориб турардим. Бир гал рапортимда, мен ёнида ишлаётган одам, менга ливота [багабозлик] қилишни хоҳласа, нима қиламан деб сўраган эдим. Жавобда менга: «Бу иш мақсадга эришишни осонлаштирса, ҳечам иккиланма»- дейилди. Бу жавобни ўқиб, қаттиқ ғазабландим, худди дунё бошимга йиқилгандай бўлди. Ҳа, бу тубанликнинг бизда, яъни Англияда оммавий эканлигини аввалари ҳам билардим, лекин бунинг менга бошлиқларим тарафидан амр қилиниши ҳаёлимга ҳам келмаганди. Нима ҳам қилардим, кўтарилган

қадаҳнинг охирги томчисигача ичишдан бошқа чорам йўқ эди. Шунинг учун жим бўлдим ва вазифамга давом эттим.

Аҳмад афанди билан хайрлашганда, кўзларига ёш олди ва менга: «Ўғлим! Аллоҳу таоло ёрдамчинг бўлсин! Йўлинг тушиб, яна Истанбулга келганингда ҳаётда бўлмасам, мени хотирлагин. Руҳимга **Фотиҳа** ўқигин! Расулуллоҳнинг ёнида, маҳшар кунида учрашармиз»- деди. Ҳақиқатан мен ҳам жуда маҳзун бўлдим ва кўз ёши тўкдим, лекин вазифам ҳисларимдан ҳам устун эди.

Инсонга садоқат ярашар, кўрса ҳам икроҳ.
Тўғриларнинг ёрдамчисидир ҳазрати Аллоҳ!

Биринчи Қисм

УЧИНЧИ ФАСЛ

Дўстларим мендан олдин Лондонга қайтиб Назоратдан янги амрлар олган экан. Мен ҳам қайтгач янги амрлар олдим. Бироқ, афсуски атиги олти киши қайтиб келган эдик.

Қолган тўрт жосусдан бири, секретарнинг айтишича, мусулмон бўлиб, Мисрда қолган экан. Лекин секретар барибир хурсанд эди, чунки у сир бермабди деди. Иккинчиси Россияга кетиб шу ерда қолган экан, у зотан рус аслли эди. Секретар бунинг ватанига кетгани учун эмас, балки Россия ҳисобига Мустамлакалар назоратида жосуслик қилиб, вазифаси битгач кетди деб жуда қайғурарди. Учинчиси эса, яна секретарнинг айтишича Боғдод атрофида Имора деган жойда вабо касаллигига чалиниб ўлган экан. Тўртинчисини Назорат Яманнинг Санъа шаҳригача таъқиб қила олибди. Бир йилгача рапортлари келиб турган ундан кейин рапортлари тўхтаб, нозирликнинг бутун ғайратларига қарамасдан, дом дараксиз кетибди. Нозир бу тўрт одамнинг ғойиб бўлишини фалокат деб қабул қиларди. Чунки биз вазифалари кўп, аҳолиси эса оз миллатмиз. Шунинг учун, ҳар бир инсонимиз устида жуда пухта ҳисоб қиламиз.

Секретар илк берган бир қанча ҳисоботларимдан кейин тўрталамизнинг ҳисоботларимизни тадқиқ қилиш учун, бир йиғилиш тартиблади. Ҳамкасбларим вазифалари ҳақидаги ҳисоботларини топширгандан кейин, мен ҳам ҳисоботларимни бердим. Меникидан баъзи қисмларни ёзиб олдилар. Нозир, секретар ва йиғилишга қатнашганлардан бир қисми ишларимни юқори баҳоладилар. Лекин, барибир учинчи ўринда қолдим. Биринчиликни ҳамкасбим Жорж Белкод [George Belcoude], иккинчиликни эса Генри Франс [Henri Franse] эгаллаганди.

Турк ва Араб тиллари билан бирга Қуръони карим ва шариатни ҳам жуда яхши ўзлаштирган бўлсам-да нозирликка Усмоний давлатининг нозик нуқталарини кўрсатадиган моҳиятда ҳисобот тайёрлай олмаган эдим. Икки соат давом этган йиғилишдан кейин секретар бу муваффақиятсизлигим сабабини сўради. Мен эса «Асл вазифам тил билан Қуръон ва шариатни ўрганиш эди. Бундан бошқа ишларга вақт ажратолмадим, лекин келаси сафар сизни мамнун этаман»- дедим. Секретар: «Шубҳасиз сен муваффақ бўласан, фақат биринчи бўлишингни истайман»- деди ва бундай деб давом этди: «Эй Хемфер, бу сафар сенга иккита вазифа берилди:

1- Мусулмонларнинг заиф нуқталари орқали уларнинг вужудларига кириб, ич органларини бир биридан жудо қилишимизни таъминлайдиган нуқталарни аниқлаш. Душманни мағлуб қилишнинг ягона йўли ҳам шу.

2- Ўша нуқталарни аниқлаб, айтганларимни бажо келтирсанг [Яъни мусулмонларнинг орасини очиб, ўзаро низо ва адоватлар чиқарсанг] энг моҳир жосус атаниб, нозирлик медалига сазовор бўласан».

Лондонда олти ой қолиб, амакимнинг қизи Мария Швайга уйландим. Ўшанда мен 22, у эса 23 ёшда эди. Мария Швай ўрта зеҳнли, маданиятли, жуда гўзал бир қиз эди. Ҳаётимнинг энг нашъали, бахтли дамларини, ўша кунларда у билан ўтказдим. Аёлим ҳомила эди. Тунғич фарзандимизни кутаётганимизда Ироққа кетишим учун амр келди.

Ўғлимнинг дунёга келишини кутаётган бир пайтда бундай амрнинг келиши мени бениҳоя хафа қилди. Лекин ватанимга бўлган эътиборим, аҳамиятим ва ҳамкасбларим орасида биринчи бўлиб шон-шуҳрат қозониш иштиёқи эрлик ва оталик ҳисларимнинг устида эди. Шу боис ҳеч иккиланмасдан амрни қабул қилдим. Рафиқам, сафарни фарзанднинг туғилишигача кечиктиришимни жуда истарди,

мен эса унинг сўзларига аҳамият бермадим. Хайрлашар эканмиз, иккимиз ҳам йиғладик. Аёлим: «Мендан хатларингни узма! Мен ҳам сенга, янги ва олтиндай қиммат уй-жойимиз ҳақида хатлар ёзаман»- деди. Бу сўзлари билан қалбимда бир бўрон қўзғатиб улгурган эди. Қалбимдаги ўша безовталик туфайли сафаримни бекор қилишимга бир баҳя қолди. Лекин ўз вақтида ўзимни қўлга олиб, ҳисларимни жиловлаб олдим. У билан видолашиб охирги таълимотларни олиш мақсадида назорат биноси томон равона бўлдим.

Олти ойлик сафар сўнгида Ироқнинг Басра шаҳрига етиб бордим. Бу шаҳар ҳалқининг бир қисми сунний, бир қисми эса шия эди. Қабилалар шаҳри бўлган Басрада араб, форс ва бироз христиан аҳоли бор эди. Ҳаётимда биринчи марта шия ва форслар билан ўша ерда учрашдим. Сўз очилган экан бироз шиялик ва суннийлик ҳақида гапириб берай:

Шиялар, Муҳаммад алайҳиссаломнинг қизи Фотима-нинг эри ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг амакисининг ўғли бўлган Али бин Абу Толибга тобе эканликларини даво қилишади. Муҳаммад алайҳиссалом ўзидан кейин Алини ва унинг авлоди бўлган ўн бир имомни халифа тайин этган, дейишади. Менимча Али, Ҳасан ва Ҳусайннинг хилофати хусусида шиялар ҳақли. Чунки, ислом тарихидан тушинишимча, Али халифа бўла оладиган даражада мумтоз ва юксак сифатларга соҳиб бириси эди. Муҳаммад алайҳиссаломнинг Ҳасан ва Ҳусайнни халифа тайин этишига келсак, буни аниқ билмайман. Бироқ мени шубҳалантирган нарса, Муҳаммад алайҳиссалом Ҳусайннинг ўғли ва набираларидан саккизтасини халифа тайин этишидир. Чунки, Муҳаммад алайҳиссаломнинг вафотида Ҳусайн ҳали ёш бола эди. Бунинг саккиз набиралик бўлишини қаердан билган? Шояд Муҳаммад алайҳиссалом чиндан ҳам Пайғамбар бўлса, Масиҳнинг келажакдан хабар берганидек Аллоҳу таолонинг билдириши орқали келажакни билиши мумкин эди. Лекин, Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги, биз христианларча шубҳалидир.

Мусулмонлар: «Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбар эканлигининг далили кўп. Булардан бири Қуръондир»- дерлар. Қуръонни ўқидим, ҳақиқатан жуда улуғ бир китоб. Ҳатто Тавротдан ва Инжилдан ҳам юксак деб айта оламан. Чунки ичида қоидалар, низомлар, ахлоқият ва ҳакозолар бор. Муҳаммад алайҳиссалом каби ўқиб-ёзмаган бир зотнинг мана шундай оламшумул китобни қандай келтирганига ҳайрон қоламан. Ҳаттоки кўпни кўрган, кўпни кезган кимсалар ҳам эришолмаган жуда олий ахлоқ, онг ва шахсиятга қандай эришганига ақл бовар қилмайди. Ёки бўлмаса, булар ҳақиқатан Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарлигини тасдиқловчи далиллармиди, ажабо? Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги хусусида ҳақиқатни топиш учун доимий текшириш ва изланишлар олиб борардим. Бу ташвишимни бир гал Лондондаги попнинг бирига айтган эдим. Таассуб ва ўжарлик билан ғўлдираб, ишонарли ва қониқтирадиган жавоб ҳам беролмаган эди. Бир неча марта Туркияда Аҳмад афандидан сўраганимда ундан ҳам қаноатлантирадиган жавоб ололмадим. Лекин бу ерда шуни тан олишим керакки, аслида жосуслигим маълум бўлиб қолар ёки мендан шубҳаланар деган ҳавотирда Аҳмад афандидан очиқча сўрай олмагандим.

Мен Муҳаммад алайҳиссаломни жуда қадрлардим. Шубҳасиз У биз китобларда ўқиган Аллоҳнинг пайғамбарларидандир. Бироқ, мен бир христиан сифатида ҳануз Унинг пайғамбарлигига иймон келтирган эмасман. Шубҳасиз У доҳийлардан ҳам анча поғона баланддадир.

Суннийлар эса, «Мусулмонлар Пайғамбарнинг вафотидан кейин Абу Бакр, Умар, Усмон, Алини халифаликка лойиқ кўрганлар»- дейишади.

Шунга ўхшаш ихтилофлар бутун динларда, айниқса христианларда жудаям кўп. Умар ҳам, Али ҳам вафот этиб кетганлари учун, бу мунозашаларни давом эттиришнинг ҳеч қандай фойдаси йўқ деб ўйлайман. Менимча мусулмонлар,

агар ақлли бўлсалар, жуда эски кунлари ҳақида эмас, балки бугунлари учун бош қотиришган бўларди.[3]

Бир куни Мустамлакалар назоратида сунний ва шия ихтилофидан сўз очиб: «Мусулмонлар агар ҳаётни озгина тушунсалар, ораларидаги шия-сунний ихтилофини бартараф қилар ва бирлашар эдилар»- дедим. Бири дарҳол сўзимни кесиб: «Сенинг вазифанг ўша ихтилофни олов олдиришдан иборат, мусулмонларни яраштириш йўллари устида бош қотириш эмас»- деб мени ўсал қилганди.

Секретар Ироқ сафарига чиқишдан аввал менга: «Эй Хемфер, билгинки, Аллоҳ, Ҳобил ва Қобилни яратганидан бери, инсонлар орасида табиий ихтилофлар бор. Бу келишмовчиликлар Масиҳ ерга қайтгунгача давом этади. Ранг, қабила, ер, миллий ва диний ихтилофлар шу жумладандир.

Бу сафар вазифанг, ўша ихтилофларни яхшилаб ўрганиш ва нозирликка маълумот беришдир. Мусулмонлар орасидаги ихтилофни қизиштира олсанг, Британия олдида энг улуғ бурчингни адо этган бўласан.

Биз инглизлар, фаровон, бахтли ва саодатли турмуш кечиришимиз учун, бутун дунё давлатларида ва мустамлакаларимизда фитна ва келишмовчиликлар чиқариб,

[3] Халифа хусусида гапириш ва ишониш, шияликнинг асосларидандир. Суннийларга кўра, бу хусусда гапириш ҳам ҳожат эмас. Ёш инглиз дин илмлари билан дунё илмларини фарқлай олмаяпти. Мусулмонлар у ҳам айтгандай дунё илмларида доимо янгиларини, мукаммалроғини топганлар, фанда, техникада, ҳисобда, меъморликда, табобатда, ақлга ва тажрибага асосланиб, ҳамма вақт тараққий этганлар. Христианлар эса, фанда ақлга амал қилишни, илгарилашни гуноҳ деб, динда эса, ўз ақлларича ўзгартиришлар ясаганлар. Италиялик машҳур географ Галилей ернинг айланишини мусулмонлардан ўрганиб айтгани учун, поплар уни кофирликда айблагани етмагандек зиндонга ҳам ташлаганди. Охири, ер курраси айланмайди деб, тавба қилиб, попларнинг қўлидан қутилди. Мусулмонлар дин, иймон илмларида ақлга эмас, ёлғиз Қуръони каримга ва Ҳадиси шарифларга амал қиладилар. Ақл ҳокимлик қилолмайдиган бу илмларни, христианларга ўхшаб ўз бошимча ўзгартиравермайдилар.

оловлантириб туришга мажбурмиз. Усмонли давлатини ҳам, фақатгина шундай фитналар билан йиқита оламиз, акс ҳолда аҳолиси оз миллат, кўп бўлган миллатга қандай қилиб ҳукм ўтказа олади? Бутун кучинг билан, заиф нуқталарини изла, топ ва шу ердан ичкарига кир. Билгинки Усмонли давлати ва Эрон, ҳозир ҳаётларининг энг заиф даврларини бошдан кечиряпти. Тарих “Бутун инқилобларнинг манбаи халқнинг исёни” эканлигини бизга исботлаб турибди. Агар мусулмонларнинг бирлиги, меҳр-оқибатлари бузилиб, қувватлари емирилса, уларни йўқотишимиз осонлашади»- деди.

ТАВҲИД ДУОСИ

Ё Аллоҳ, ё Аллоҳ. Ло илоҳа иллоллоҳ Муҳаммадун Расулуллоҳ. Ё Раҳмон, ё Раҳим, ё афувву ё Карим, фаъфу анний варҳамний ё арҳамар-Роҳимийн! Таваффани муслиман ва алхиқни биссолиҳийн. Аллоҳум-мағфирлий ва ли обо-и ва уммаҳоти ва ли обо-и ва уммаҳот-и завжатий ва ли-аждодий ва жаддотий ва ли-абнои ва банотий ва ли иҳватий ва аҳавотий ва ли-аъмомий ва аммотий ва ли-аҳволий ва ҳолотий ва ли-устозий Абдулҳаким-и Арвосий ва ли коффатил муъминина вал муъминот. “Раҳматуллоҳи таоло алайҳим ажмоъин.”

Биринчи қисм

ТЎРТИНЧИ ФАСЛ

Басрага бориб, бир жомега жойлашдим. Жоменинг имоми Шайх Умар Тоий исмли араб наслли ва сунний бир зот эди. У билан танишиб суҳбатлаша бошладим, лекин суҳбатнинг бошидаёқ мендан шубҳаланиб, мени савол ёмғирига тутди. Мен Туркиянинг Иғдир шаҳриданман, Истанбулдаги Аҳмад афандининг талабасиман. Холид исмли бир дурадгорнинг ёнида ишладим- деб, бу таҳликали суҳбатдан ўзимни аранг қутқардим ва Туркияда бўлган кезларимда олган маълумотларимдан гапириб бердим. Бир неча жумла туркча сўзлашдим. Имом кўзлари билан у ердан бирига ишорат қилиб, менинг туркчамни тўғри ё нотўғрилигини сўради. У ҳам ижобий ишорат берди. Имомни ишонтирганимдан ўзимда йўқ хурсанд бўлдим, лекин, бир неча кундан кейин имом афандининг мендан гумонсираб юрганини ва мени турк айғоқчиси деб тахмин қилаётганини англаб ҳаёлларим пучга чиқди. Ундан кейин, Султон тарафидан вилоятга тайинланган волий [ҳоким, амир] билан ораларида ихтилоф ва адоват борлигидан хабар топдим.

Шайх Умар афандининг жомесидан узоқлашиб, шу атрофда мусофир ва хорижликлар турадиган бир карвонсаройдан хона киралаб, ўша ерга кўчдим. Карвонсарой соҳиби Муршид афанди деган аҳмоқ бир одам эди. Ҳар тонг роҳатимни бузар, бомдод азони ўқилар-ўқилмас, намозга турғазиш учун келиб эшигимни қаттиқ-қаттиқ қоқарди. Айтганини қилишга мажбур эдим. Шу боис, туриб бомдод намозини ўқирдим. Кейин менга «Бомдод намозидан сўнг ҳар куни Қуръони карим ўқийсан»- деди. Бир дафъа: «Қуръони

карим ўқимоқ фарз эмаску ахир, мунча қаттиқ қистайсиз?»- дедим. Жавобан: «Бу вақтда ухласанг, карвонсаройга ва карвонсарой мўминларига фақирлик ва бадбахтлик келтирасан»- деди.

Унинг бу талабини бажо келтириш мажбуриятида қолдим, агар ишламасам, мени мусофирхонадан қувишини айтиб пўписа қилди. Шунинг учун, азондан кейин тезда бомдод намозини ўқир ва ҳар куни бир соатдан зиёд Қуръони карим ўқир эдим.

Бир куни Муршид афанди ёнимга келиб: «Сен бу хонани киралаганингдан кейин бошимга ғам-ташвиш келадиган бўлди. Мен буни сенинг бахтсизлигингдан деб биляпман чунки, сен бўйдоқсан. Бўйдоқлик эса, бахтсизликдир. Сен ё уйланасан, ёки бу ерни тарк этасан»- деди. Унга «Уйланадиган молим йўқ»- дедим. Аҳмад афандига айтганимни унга айтолмасдим, зеро Муршид афанди рост ёки ёлғон сўзлаганимни билиш учун, авратимни очиб текшириб кўришдан ҳам тоймайдиган қайсар одам эди.

Пулим йўқлигини айтгач, Муршид афанди: «Эй заиф иймонли! Сен Аллоҳнинг: **«Агар улар камбағал бўлсалар, Аллоҳ уларни лутфи-карами билан бойитади[4]»** маъолидаги оятини ўқимаганмисан?»- деди. Шошиб қолдим. Охирида: «Хўп мен уйланаман, лекин керакли бўлган пулни таъминлашга розимисиз? Ёки камхаржли бир қиз топа оласизми?»- дедим.

Муршид афанди бироз ўйлангандан кейин: «Мен билмайман! Ражаб ойининг бошигача ё уйланасан, ёки мусофирхонадан чиқасан»- деди. Ражаб ойининг бошигача йигирма беш кун қолган эди.

Шу муносабат билан исломий ойларни ҳам айтиб ўтай; Муҳаррам, Сафар, Раби-ул аввал, Раби-ул охир, Жамозий-ул аввал, Жамозий-ул охир, Ражаб, Шаъбон, Рамазон, Шаввол, Зулқаъда ва Зулҳижжа. Уларнинг ойлари ўттиз кундан

[4] **Нур сураси, оят: 32**

ошмаганидек йигирма тўққиз кундан ҳам кам бўлмайди. Ва ой ҳисобига суянади.

Бир дурадгорнинг ёнида иш топиб, Муршид афандининг мусофирхонасидан чиқдим. Овқатим ва ётишим иш соҳибининг зиммасида бўлиш шарти билан, жуда оз иш ҳақига келишдик. Ражаб ойи бошланмасдан ашёларимни дурадгорнинг дўконига кўчириб олдим. Абдурризо исмли дурадгор Хуросонли бир шия бўлиб, мард одам эди. Менга ўғлидек муносабатда бўларди. Унинг ёнида бўлиш фурсатидан фойдаланиб, форисий ўргана бошладим. Эронли шиялар ҳар куни аср вақтида унинг ёнида йиғилиб, сиёсатдан иқтисодгача, ҳар хил мавзуларда суҳбатлашардилар. Ўз ҳукуматларига ҳам, Истанбулдаги халифага ҳам тил тегказишарди. Четдан бошқа одам келганида, дарҳол мавзуни ўзартириб, шахсий масалалари ҳақида гапириша кетарди.

Менга жуда ишонишарди. Кейин тушундим-ки, туркча билганим учун мени Озарбайжон ҳалқидан деб, гумон қилишаркан.

Бизнинг дурадгор дўконига бир йигит тез-тез кириб турарди. Илм талабаси қиёфатида ва арабий, форсий, туркча биларди. Исми **Муҳаммад бин Абдулваҳҳоб Наждий** эди. Бу йигит жуда баланддан гапирадиган ва ғоят асабий бир кимса эди. Усмонли ҳукуматини кўп қоралаcа ҳам, Эрон ҳукуматига қарши бир оғиз ҳам гап айтмасди. Унинг дўкон соҳиби Абдурризо билан дўстлигининг сабаби, иккалови ҳам Истанбулдаги халифага мухолиф эди. Фақат сунний бўлган бу йигит, форисийни қаердан ва қандай ўргангани ва шия бўлган Абдурризо билан қандай дўстлашгани менга қоронғи эди. Бу шаҳарда суннийлар, шиялар билан тотув ва қардош каби кўринарди. Шаҳар мўминларининг кўпчилиги ҳам арабий, ҳамда форисийни биларди. Туркча биладиганлар ҳам кўп эди.

Наждлик Муҳаммад кўринишда сунний эди. Суннийларнинг кўпчилиги шияларга қарши гапиришларига

ва ҳатто баъзилари шияларни кофирликда айблашларига қарамасдан, у ҳечам шияларни ранжитмасди. Наждлик Муҳаммад суннийларнинг тўрт мазҳабидан бирига тобе бўлишларини тақозо қиладиган ҳеч қандай сабаб йўқ деб даво қилар ва ҳар гал: «Аллоҳнинг китобида бу мазҳаблар ҳақида ҳеч қандай далил йўқ» деган гапини тўтиқушдай такрорлагани такрорлаган эди. Бу хусусда нозил бўлган ояти карималардан ғофил қолар ва айтилган ҳадиси шарифларга ҳам аҳамият бермасди.

Тўрт мазҳаб масаласига келсак: Суннийлар орасидан, Пайғамбарлари бўлган Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўлимидан бир аср ўтиб, қуйидаги тўрт олим зуҳур этди: Абу Ҳанифа, Аҳмад бин Ҳанбал, Молик бин Анас, Муҳаммад бин Идрис Шофеъий. Баъзи халифалар ҳам суннийларни шу тўрт олимдан бирини тақлид этишга мажбурлашди. Бу тўрт олимдан бошқа ҳеч ким Қуръони каримдан ва суннатдан ижтиҳод этолмайди, яъни аҳком чиқара олмайди дедилар. Менимча бу ҳаракат, мусулмонларнинг илм ва фикрлаш эшикларининг бекилишига сабаб бўлган. Исломнинг ривожланишдан тўхташига, ўша ижтиҳод тақиқи сабаб кўрсатилмоқда.

Шиялар ўз мазҳабларини ёйиш учун мана шу нотўғри мулоҳазадан фойдаланишганди. Бошланғичда шиялар, суннийларнинг ўндан бирича ҳам йўқ эди, Ҳозир эса анча кўпайган ва суннийлар сонига етиб қолганди. Бундай бўлиши табиийдир, чунки ижтиҳод бир қуролга ўхшаб, ислом фиқҳини, яъни аҳком илмларини ўзгартирар, Қуръони карим ва суннат тушунчасини янгиларди. Ижтиҳодни тақиқлаш эса, муддати ўтган қурол сингари ислом аҳкомини маълум бир рамкада ушлаб туради. Бу эса ўз навбатида фикрни ўтмаслаштириш ва замоннинг талаб эҳтиёжларига қулоқ солмаслик демакдир. Агар сенинг қуролинг эскирган, душманники мукаммал бўлса, эртами кечми албатта мағлуб бўлишга маҳкумсан. Ўйлайманки яқин келажакда Аҳли

суннат йўлидан баъзи ақлли кимсалар чиқиб яна ижтиҳод қилишга эрк беришади. Агар ижтиҳод эшикларини қайта очмасалар, яна бир неча аср ўтгач, суннийлар камайиб, шиялар аксариятни ташкил қиладиган замонлар келади.[5]

[Аҳл-и суннатнинг тўрт мазҳабининг иймонлари, эътиқодлари, ишонган нарсалари орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Фақат ибодатларида озгина фарқлилик бор, бу ҳам мусулмонлар учун қулайликдир. Шиялар эса иймонда ўн икки фирқага айрилганлар ва занглаган қурол ҳолига келганлар. Булар **«Милал ва Ниҳол»** китобида батафсил ёзилган.]

Ўзига бино қўйган нажддлик Муҳаммад Қуръонни ва суннатни тушуниш борасида ўр нафсига бўйсунарди. Нафақат ўз замонидаги олимлар ва тўрт мазҳаб имомининг айтганларини, балки Абу Бакр, Умардек саҳоба улуғларининг райларини ҳам назар-писанд қилмасди. Қуръоннинг бирон оятини уларнинг райларига хилоф деб гумонсираганида Пайғамбар: **«Мен сизга Қуръонни ва суннатни қолдирдим»** – деган, йўқса «Мен сизларга Қуръонни, суннатни, саҳоба ва мазҳаб олимларини қолдирдим» демаганку[6], тўғрими деб, доим ўз фикрини маъқулларди. Шунинг учун мазҳаб олимлари ва саҳобаларнинг райига қанчалик мухолиф ва зид бўлишидан қатъи назар, Қуръон ва суннатга тобе бўлиш ҳар

---

[5] Нссларда, яъни ояти карималарда ва Ҳадиси шарифларда очиқ билдирил-маган, яширин билдирилган аҳкомни англай оладиган теран олимларга **Мужтаҳид** дейилади. Мужтаҳид бўлиш учун лозим бўлган шартлар **“Саодат-и абадийя”** ва **“Фойдали билгилар”** китобимизда кенг ёзилган. Ҳижратдан тўрт юз йил ўтгач, бу шартларга молик бўлган олим етишмади. Ислом душманлари, зиндиқлар, «ижтиҳод қиляпмиз»-деб, исломиятни ичкаридан йиқитишга ҳаракат қилдилар. Ҳолбуки, мужтаҳидлар, қиёматгача тўхтовсиз чиқиб туришади. Зотан ҳар турли ҳодисанинг аҳкоми, носслардан чиқарилган бўлиб, барчаси Аҳли суннат китобларида мазкурдир.

[6] Нажддлик Муҳаммад бу сўзи билан, Асҳоби киромга тобе бўлишни буюрган Ҳадиси шарифларни инкор қилмоқда.

бир мусулмонга фарздир[7],- дерди.

Абдурризонинг уйида меҳмондорчиликдаги суҳбатда, Нажддлик Муҳаммад билан шу ерда мусофир бўлган Қумли Шайх Жавод исмли бир шия олими орасида қизиқ бир мунозаша бўлди:

Шайх Жавод – Алининг мужтаҳид эканлигини қабул қила туриб, нега шиялардек унга тобе бўлмайсан?

Нажддлик Муҳаммад – Чунки Али ҳам, Умар ва бошқа саҳобалар кабидир. Сўзи ҳужжат бўла олмайди, фақат Қуръон ва суннат ҳужжат бўлади. [Ҳолбуки Асҳоб-и киромнинг ҳаммасининг сўзлари ҳужжатдир. Пайғамбаримиз, улардан ҳар бирига тобе бўлишимизни амр қилди.[8]]

Шайх Жавод – Пайғамбаримиз: **«Мен илмнинг қалъаси бўлсам Али унинг дарвозасидир»** деганига кўра, Али билан бошқа саҳобаларнинг орасида қандайдир бир фарқ бўлиши керак эмасми?

Нажддлик Муҳаммад – Агар Алининг сўзи ҳужжат бўлсайди, Пайғамбар: **«Мен сизга Қуръон, суннат ва Алини қолдирдим»-** демасмиди?

Шайх Жавод – Ҳа, деярли шунга ўхшаш ҳадис айтилган, чунки, бир ҳадиси шарифда: **«Аллоҳнинг китобини ва Аҳл-и байтни қолдираяпман»-** деганлар. Али эса, Аҳл-и байтнинг энг буюгидир.

Нажддлик Муҳаммад, Пайғамбарнинг ҳадисини инкор қилди.

---

[7] Ҳозир, бутун ислом мамлакатларида саводсиз ва сотқинлар, диндор шаклига кириб олиб, Аҳли суннат олимларига ҳужум қилишмоқда. Саудий Арабистондан олган катта пуллар эвазига, ваххобийларни мақташмоқда. Ҳаммаси, ҳар ерда, нажддлик Муҳаммаднинг юқоридаги сўзини қурол сифатида қўлланмоқда. Ҳолбуки, Асҳоби киромнинг ва Аҳли суннат олимлари-ю тўрт имомнинг ҳеч бир сўзи Қуръони каримга ва Ҳадиси шарифларга зид эмас. Буларга ҳеч бир қўшимча қўшмасдан очиқлаганлар. Ваххобийлар инглизлар каби ёлғон-яшиқ гаплари билан мусулмонларни йўлдан урмоқда.

[8] Муҳаммад алайҳиссаломнинг гўзал, муборак юзини кўрган мусулмонга «Саҳобий» дейилади. Бир нечасига «Саҳоба» ёки «Асҳоб» дейилади.

Шайх Жавод эса, нараждлик Муҳаммадни бошқа ишонтирадиган далиллар билан мот қилди.

Лекин нараждлик Муҳаммад эътироз қилиб: «Сиз Пайғамбарнинг: **«Мен сизга Аллоҳнинг китобини ва Аҳл-и байтимни қолдиряпман»** деганини даъво қиляпсиз. Хўш, Расулуллоҳнинг суннати қаерда қолди?»- деди.

Шайх Жавод – Расулуллоҳнинг суннати, Қуръонннинг изоҳидир. Расулуллоҳ, **«Аллоҳнинг китобини ва Аҳл-и байтимни қолдиряпман»-** деганлар. Аллоҳнинг китоби сўзидан, унинг изоҳи бўлган суннатни ҳам назарда тутганлар.

Наждлик Муҳаммад – Аҳл-и байтнинг сўзлари Қуръоннинг изоҳи бўлса, унда ҳадислар билан изоҳга нима ҳожат бор эди?

Шайх Жавод – Ҳазрати Пайғамбар вафот этганларида, Унинг уммати замоннинг эҳтиёжларига жавоб берадиган бир Қуръон тафсирига эҳтиёж сездилар. Шу сабабдан, ҳазрати Пайғамбар умматига, асл бўлган Қуръонга ва янги замоннинг эҳтиёжларига жавоб берадиган, Қуръонни тафсир қила олдиган Аҳли байтга тобе бўлишни амр этганлар.

Бу мунозаша менга жуда ҳам ёққанди. Наждлик Муҳаммад кекса Шайх Жавод ёнида худди овчининг қўлидаги чумчуқ каби, ҳаракат қила олмайдиган аҳволга тушди. Ўсал бўлган наждлик қайсар йигитнинг замондош олимларига бўлган ҳурматсизлиги, тўрт халифага аҳамият бермаслиги, Қуръонни ва суннатни тушуниш хусусида мустақил бир қарашга соҳиб бўлиши ва ўзбошимчалиги уни овлаб қўлга киритиш борасида унинг энг заиф нуқталаридан эди. Ниҳоят мен ахтарган одамимни топган эдим.

Бу ёш такаббур қаерда-ю мен Истанбулда ёнида таълим олган Аҳмад афанди қаерда! Ораларида ер билан осмончалик фарқ бор. Аҳмад афанди салафлар каби, асқар тоғга ўхшарди. Ҳеч бир куч уни ўрнидан ўйнатолмасди. Абу Ҳанифанинг исмини зикр қилишни хоҳлаган вақтида туриб

таҳорат оларди. **“Бухорий”** номли ҳадис китобини қўлига олмоқчи бўлганида ҳам, яна таҳорат янгиларди. Суннийлар бу китобга қаттиқ эътиқод қилишади.

Наждлик Муҳаммад эса, Абу Ҳанифани назарига илмасди ва «Мен Абу Ҳанифадан ҳам яхши биламан»- дерди.[9] Ундан ташқари **“Бухорий”** китобининг ярмини ботил деб даъво қиларди[10].

[Хемфернинг эътирофларини таржима қиларкан, қуйидаги ҳодисани хотирладик: Бир лицейда муаллим эдим. Дарсда бир талабам: «Устоз, жангда ўлган мусулмон шаҳид бўладими?»- деди. «Ҳа, албатта»- дедим. «Пайғамбар буни хабар берганми?»- деди. «Ҳа»- дедим. «Денгизда ғарқ бўлса ҳам, шаҳид бўладими?»- деди. «Ҳа бўлади, ҳамда савоби жуда ҳам кўп бўлади»- дедим. «Тайёрадан қуласа ҳам, шаҳид бўладими?» деди. «Ҳа, бўлади»- дедим. «Пайғамбаримиз буларни хабар берганми?»- деди. «Ҳа, албатта хабар берган»- дедим. Бир қаҳрамонлик қилгандай ишшайиб: «Устоз! У замонда тайёра бормиди»- деди. «Болам! Пайғамбаримизнинг 99 исми бор. Ҳар бир исми гўзал сифатини билдиради. Ўша исмларидан бири **«Жомиъул-калим»**дир. Яъни, кўп нарсаларни бир калима билан изоҳ қиларди. Мана, Пайғамбаримиз **«Баланддан йиқилган кимса шаҳид бўлур»-** деб марҳамат қилганлар»- дедим. Бу жавобимни бола ҳайрат билан қабуллаб, ноҳақлигини тан олди. Шунга ўхшаш, Қуръони каримда ва ҳадиси шарифларда кўп калималар ва ҳукмлар, яъни амрлар ва тақиқлар бордирки, ҳар бири ҳар хил маъноларни билдирмоқда. Бу маъноларни топишга ва ораларидан лозим бўлганларини танлашга **Ижтиҳод** қилиш дейилади. Ижтиҳод қилиш учун, теран олим бўлиш

[9] Ҳозир баъзи мазҳабсизлар ҳам оғизларига шу гапни сақич қилиб олди. Ҳозир Туркияда ва ислом ўлкаларида баъзи диншунос профессор атоғига эга бўлган ахмоқлар ва жоҳилларнинг ҳам шундай гаплари қулоққа чалиниб турибди.

[10] Бу ҳоли Ҳадис илмидан умуман бехабар эканлигини кўрсатмоқда.

керак. Шунинг учун суннийлар, жоҳилларнинг ўзбошимча ижтиҳодларини тақиқлаганлар. Бундан ижтиҳодни умуман тақиқлашган деб, хулоса чиқариш катта хато бўлади. Чунки, ҳижратдан тўрт аср ўтгач, мутлоқ мужтаҳид [теран олим] ҳеч етишмаганлиги учун ижтиҳод қилинмаган, ижтиҳод эшиги ўзлигидан ёпилган эди. Қиёматга яқин Исо алайҳиссалом осмондан тушади ва Маҳдий чиқади, ана ўшалар ижтиҳод қиладилар.

Пайғамбаримиз “саллаллоҳу алайҳи ва саллам”: **«Мендан кейин, мусулмонлар етмиш уч фирқага бўлинади. Ёлғиз бир фирқагина жаннатга киради»**- деб марҳамат қилдилар. «Ўша ёлғиз фирқа кимлардир» дейилганда: **«Менга ва Асҳобимга тобе бўлганлардир»**- деб билдирдилар. Бир ҳадиси шарифда яна билдирдиларки: **«Асҳобим осмондаги юлдузлар кабидир. Қайси бирининг изидан юрсангиз ҳам ҳидоятга эришасиз!»** яъни тўғри йўлга, жаннатга олиб борадиган йўлга эришасиз. Абдуллоҳ бин Саба исмли яманлик яҳудий исломиятни ичкаридан емириш учун, мусулмонлар орасига Асҳоб душманлигини солди. Бу яҳудийга алданиб, Асҳоби киромга душман бўлган жоҳилларга **«Шия»** дейилди. Ҳадиси шарифларга амал қилиб, Асҳоби киромни севганларга ва уларга тобе бўлганларга эса **«Сунний»** дейилди.]

Мен наждлик Муҳаммад бин Абдулваҳҳоб билан жуда яқин дўстлик қурдим, доимо уни мақтардим. Бир куни унга: «Сен Умар ва Алидан ҳам буюксан. Пайғамбар ҳозир ҳаётда бўлганда эди, уларни эмас, сени ўзига халифа қилиб тайинларди. Мен Исломни сенинг қўлинг остида янгиланишидан ва юксалишидан умидворман. Исломни жаҳонга ёядиган ягона олим сенсан»- дедим.

Абдулваҳҳоб ўғли Муҳаммад билан Қуръонни, саҳобанинг, мазҳаб имомларининг ва муфассирларнинг тафсирларига тамоман зид бир шаклда, бутунлай ўз

фикрларимизга кўра тафсир этишни келишиб олдик. Қуръонни ўқиб, баъзи оятлар устида фикр юритардик. Бундан мақсадим, Муҳаммадни тузоққа тушириш эди. Зотан у ҳам ўзини инқилобчи қилиб кўрсатиш ва менинг ишончимни қозониш учун фикрларимни ҳеч гап-сўзсиз мамнуният билан қабул қиларди.

Бир куни унга «Жиҳод фарз эмас»- дедим.

– Аллоҳ: **«Кофирлар билан жанг қилинг[11]»** деб буюриб турса, нега фарз бўлмасин?- деди. Мен:

– Ундай бўлса, Аллоҳ: **«Кофирлар билан ва мунофиқлар билан жиҳод қил[12]»**- деб буюрса ҳам нега Пайғамбар мунофиқларга қарши жиҳод қилмади, дедим. [Ҳолбуки, кофирларга қарши йигирма етти марта жиҳод қилгани **“Мавоҳибу ладуння”**да ёзилган. Уларнинг қиличлари Истанбулда музейда намойиш қилинмоқда. Кундузлари мунофиқлар мусулмон кўриниб, Масжиди набавийда Расулуллоҳ билан намоз ўқирдилар. Расулуллоҳ “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” уларни билсалар ҳам, ҳеч бирига, сен мунофиқсан демадилар. Агар жанг қилиб, уларни ўлдирганда эди: «Муҳаммад алайҳиссалом ўзига иймон этганларни ўлдирди»- дейишарди.

Шунинг учун мунофиқларга қарши **сўз,** яъни тил билан жиҳод қилдилар. Чунки, фарз бўлган жиҳод бадан, мол ва сўз билан қилинади. Юқоридаги ояти карима эса, кофирларга ва мунофиқларга қарши жиҳод қилинишини амр қилса ҳам, бу жиҳоднинг қай тарзда амалга оширилишини очиқча билдирмаганди. Пайғамбаримиз “саллаллоҳу алайҳи ва саллам”, кофирларга қарши жиҳодни ҳарб йўли билан орқали бажо келтиргандилар.] Наждлик Муҳаммад:

– Пайғамбар уларга тил билан жиҳод этганди – деди. Мен:

– Фарз бўлган жиҳод, тил билан бўладими? – дедим. У:

– Расулуллоҳ, кофирлар билан жанг қилганди – деди. Мен:

---

[11] **Тавба сураси, оят: 73**

[12] **Тавба сураси, оят: 73**

– Пайғамбар кофирларга қарши, ўзини мудофа мақсадида жиҳод қилди, негаки кофирлар Уни ўлдирмоқчи бўлишганди – дедим.

“Тўғри” дегандай бошини ирғаб қўйди. Яна бир гал унга **Мутъа** никоҳи жоиз, дедим. У:

- Жоиз эмас – деб, тутақди. Мен:

- Аллоҳ: **«Улардан фойдаланганингиз эвазига, қарорлаштирилган мехрларини беринг**[13]**»** – деб марҳамат қилганку[14] дедим. У бўлса:

– Халифа Умар Пайғамбар замонида мавжуд бўлган икки мутъани тақиқлаган ва уни ишлаганга жазо беражагини эълон қилган эди – деди. Мен:

– Қанақа одамсан ўзи? Ўзинг халифа Умардан ҳам яхшироқ биламан дейсану яна Умарга тобе бўласан. Ҳатто, керак бўлса ўшанда Умар: «Пайғамбар рухсат берганди, мен эса тақиқлаяпман» деганди[15]. Сен нега Қуръон билан Пайғамбарнинг сўзини қўйиб, Умарнинг сўзини қўллайсан – дедим. У жавоб бермади. Тушундимки, мутъа [вақтинчалик] никоҳи ҳақидаги “ҳукм”имга тан берганди.

Ўша пайтларда нажддик Муҳаммаднинг жони аёл истаётганини сезардим, ўзи бўйдоқ эди. Унга «Кел, мутъа никоҳи билан биттадан хотин олайлик, улар билан бир кўнгилхушлик қилайлик» – дедим. Бош ирғаб қабул қилди. Бу фурсатни ғанимат билдим ва унга эрмак бўладиган аёл топишга сўз бердим. Менинг ғоям, унинг инсонлардан

[13] **Нисо сураси, оят: 24**

[14] Мутъа никоҳи, ҳозирги ўйнаш ҳаётига ўхшаган бўлиб, шиялар буни жоиз деб этиқод қилишади.

[15] Умар «радияллоҳу анҳ» асло ундай демаган. Инглиз жосуси, бутун христианлар каби ҳазрати Умарга душман бўлганлигидан, бу туҳмати билан ҳам хужум қилишни мўлжаллаган. «**Ҳужаж-и қатъия**»да келтириладики: «Умар «родияллоҳу анҳ» Мутъа никоҳини Расулуллоҳнинг тақиқлаганини ва У зот тақиқлаган нарсани асло ишлатмаслигини айтди. Асҳоби киромнинг ҳаммаси халифанинг бу сўзини қўлладилар. Ораларида ҳазрати Али ҳам бор эди».

тортиниш ва андишасини йўқотиш эди. Бироқ у, бу ишнинг орамизда сир бўлиб қолишини ва исмини ҳам аёлга айтмаслигимни шарт қўшди. Оёғимни қўлимга олиб ўша ерда ёш мусулмон йигитларни беномус қилиб йўлдан оздириш учун Мустамлакалар вазирлиги тарафидан юборилган христиан аёлларга бордим. Улардан бирига масалани тушунтирдим. Қабул қилгандан кейин, унга София исмини бериб, нажддик Муҳаммадни унинг уйига олиб бордим. Уйда ёлғиз София бор эди. Нажддик Муҳаммад учун бир ҳафталик никоҳ аҳдини қийдик. У ҳам аёлга **Мехр** сифатида бироз олтин берди. Энди мен ташқаридан, София эса ичкаридан, нажддик Муҳаммадни алдаб-аврай бошладик.

София нажддик Муҳаммаднинг бошини айлантириб, бўйнига сиртмоғини ўтказиб олишга муяссар бўлди. Зотан, у фикр ва ижтиҳод эркинлиги баҳонаси билан шариат ҳукмларини поймол қилишнинг нафсоний лаззатини тотиб улгурган эди.

Мутъа никоҳининг учинчи куни шаробнинг ҳаром эмаслиги ҳақида узоқ баҳслашдим. У қанчалик ҳаром эканлиги ҳақида оят ва ҳадис келтирса ҳам, ҳаммасини ботилга чиқардим ва энг охири: «Язид, Умавий ва Аббосий халифаларининг шароб ичганлиги ҳақиқат-ку. Ўшалар халифа бўла туриб йўлдан озгану, тўғри йўлда юриш сенга насиб бўлармиди, эй хумпар? Улар шубҳасиз Қуръонни ва суннатни сендан яхшироқ биларди. Улар Қуръон ва суннатдан шаробнинг ҳаром эмас, балки макруҳ эканлигини тушунишган эди. Яҳудий ва христианларнинг китобларида ҳам, шаробнинг мубоҳ эканлиги ёзилган. Бутун динлар Аллоҳнинг амрлари эмасми ахир. Ҳатто ривоятга кўра Умар: **«Сиз ҳаммангиз воз кечмадингизми?**[16]**»** ояти нозил бўлгунча шароб ичганди. Агар ҳаром бўлганда эди, Пайғамбар уни жазоларди. Пайғамбар уни жазоламаганига кўра, шароб ҳалолдир»- дедим. [Ҳолбуки Умар “родияллоҳу анҳ”, ҳаром

[16] **Моида сураси, оят: 91**

бўлмасдан аввал ичарди, ҳаром этилгандан кейин эса, асло ичмади. Умавий ва Аббосий халифаларидан баъзиларининг шароб ичиши, спиртли ичимликнинг макруҳ эканлигини кўрсатмайди, балки ўзларининг фосиқ эканликларини, ҳаром ишлаганликларини кўрсатади. Чунки, жосус келтирган ояти карима ва яна бошқа ояти карималар ва ҳадиси шарифлар спиртли ичимликнинг ҳаром эканлигини очиқча билдирган. **"Риёд-ун-носиҳин"**да: «Бошланғичда шароб ичиш жоиз эди. Ҳазрати Умар, Саъд ибни Ваққос ва саҳобаларнинг бир қисми ичарди. Кейин Бақара сурасининг 219-чи ояти тушиб, катта гуноҳ экани билдирилди. Ундан кейин, Нисо сурасининг 42-ояти келиб, **«Маст ҳолда намозга яқинлашмангиз!»** деб буюрилди. Ниҳоят, Моида сурасининг 93- ояти келиб, шароб ҳаром бўлди. Ҳадиси шарифларда: **«Кўпи маст қиладиган нарсанинг ози ҳам ҳаромдир», «Шароб гуноҳларнинг энг каттасидир», «Ароқхўр билан дўстлик қурманг! Жанозасига борманг! Ундан қиз олиб, берманг»**, **«Шароб ичиш, ҳайкалга сиғиниш кабидир»** ва **«Шароб ичганга, сотганга, тайёрлаганга, берганга Аллоҳу таоло лаънат этсин»** дейилди.]

Наждлик Муҳаммад: «Баъзи ривоятларга кўра, Умар шаробни сув билан аралаштириб ичаркан ва маст қилмаса ҳаром ҳам бўлмайди деган экан. Умарнинг бу фикри тўғри. Чунки, Қуръонда: **«Шайтон, шароб ва қимор билан орангизга адоват ва буғз уруғини экишни ва Аллоҳнинг зикридан ва намоздан сизни тўсишни хоҳлайди. Энди булардан воз кечарсиз, шундайми?[17]»** дейилган. Шароб маст қилмаган вақтда оятда билдирилган гуноҳларга сабабият бермайди. Шу боис, шароб маст қилмагунча, ҳаром бўлмайди»[18]- деди.

[17] **Моида сураси, оят: 91**

[18] Ҳолбуки Пайғамбаримиз: **«Кўп ичилганда маст қиладиган суюқликнинг, маст қилмайдиган оз миқдорини ичиш ҳам ҳаромдир»**- деб марҳамат қилганлар.

Орамизда бўлган бу шароб тўғрисидаги мунозашани Софияга гапириб бердим ва унга жуда қувватли шароб ичиришини тайинладим. Кейин айтдики: «Худди сен айтгандек роса шароб ичказдим, аввал ўйнади ва ўша кеча мен билан бир неча марта яқинлик қилди.» Шундай қилиб, София билан бирга наждлик Муҳаммадни тамоман қўлга туширдик. Мустамлакалар вазири билан хайрлашаётганимда менга «Биз Испанияни кофирларнинг қўлидан [мусулмонларни айтмоқда] шароб ва зино билан олдик. Яна ўша икки катта қувват билан бошқа бутун ҳудудларимизни ҳам қайтариб оламиз.» Бу сўзида қанчалик ҳақли эканлигини энди тушуняпман.

Бир куни наждлик Муҳаммадга рўза масаласини очдим: «Қуъонда, **«Рўза тутишингиз ўзингиз учун янада хайрлироқдир[19]»** дейилган, лекин фарз эканлиги айтилмаган. Ундай бўлса, рўза ислом динида суннатдир, фарз эмас»- дедим. Бу таклифимни рад қилиб: «Мени динимдан чиқармоқчимисан?»- деди. Мен уни бошқа тарафдан тузоққа тушириш мақсадида: «Дин қалбнинг тозалиги, руҳнинг саломати ва бошқаларнинг ҳақига тажовуз қилмасликдир. Пайғамбар, **«Дин севгидир»** демаганми ахир? Аллоҳ ҳам Қуръони каримда: **«Сенга яқийн ҳосил бўлгунгача Раббингга ибодат эт![20]»** деб буюрмаганми?[21] У ҳолда, инсонга Аллоҳ билан қиёмат куни ҳақида яқийн ҳосил бўлиб, қалби яхши, амали ҳам тоза бўлганда инсонларнинг энг фазилатлиси бўлади»- дедим. Бу сўзларимга нотўғри дегандай бош чайқади.

Бир гал унга: «Намоз фарз эмас экан» – дедим. «Нимага фарз эмас экан?» деди. Жавобан: «Аллоҳ Қуръонда: **«Мени эслаш учун намоз ўқи[22]»** деган. Демак, намоздан мақсад

[19] **Бақара сураси, оят: 184**

[20] **Ҳижр сураси, оят: 99**

[21] Бутун ислом китобларига кўра, бу ерда яқийн - ўлим демакдир. Бу ояти карима, **«Ўлим онигача ибодат эт!»**- демакдир.

[22] **Тоҳо сураси, оят: 14**

– Аллоҳни эсламоқдир. Ўндай бўлса, намоз ўқиш ўрнига фақатгина Аллоҳни эслаб қўйишнинг ўзи кифоя қилади»- дедим.

У ҳам «Ҳа, бу гапингда жон бор, баъзи одамлар, намоз вақтларида намоз ўрнига Аллоҳни зикр қилишаркан[23]»- деди. Унинг гапига жуда қувондим. Бу фикрни яхшилаб онгига сингдириш учун кўп ҳаракат қилдим ва меҳнатимнинг самарасини олдим. Охир-оқибат намозга бормайдиган, баъзан ўқиб, баъзан ўқимайдиган, айниқса бомдод намозларини тез-тез бой берадиган бўлиб қолди. Чунки, ярим кечагача у билан баҳслашиб ухлашига тўсқинлик қилардим. Саҳарлари ҳолсиз бўлгани учун, намозга туролмасди.

Наждлик Муҳаммаднинг елкасидан иймон либосини аста-аста еча бошладим. Бир куни Пайғамбар ҳақида ҳам у билан баҳслашишга урингандим. «Бундан кейин бу мавзуларда менга оғиз очсанг, муносабатимиз бузилади ва сен билан алоқамни узаман»- деб норозилигини билдирди. Бутун муваффақиятларим бир сонияда куйиб кул бўлишидан қўрқиб, Пайғамбар ҳақида оғиз очишдан воз кечдим.

Мен бу жадликка тинмай суннийлик ва шияликдан бошқа, ўзича алоҳида бир йўл тутиши кераклигини талқин этардим. У ҳам бу фикримга эътибор берарди, чунки мағрурлардан эди. Унинг тизгинини София ёрдамида қўлга киритдим.

Яна бир сафар «Пайғамбар асҳобини бир-бирига қардош қилган тўғрими?»- дедим. «Ҳа»- деди. Бунинг устига, «Исломнинг аҳкоми ўткинчими, давомлими?»- дедим. «Албатта, давомли. Чунки Пайғамбар Муҳаммаднинг ҳалоли қиёмат кунигача ҳалол, ҳароми ҳам қиёмат кунигача

[23] Пайғамбаримиз: **«Намоз диннинг устунидир. Намоз ўқиган кимса динини қурган бўлади, ўқимаган эса, динини вайрон қилган бўлади»** ва **«Намозларингизни худди мен ўқиганимдек ўқинг!»** деганлар. Намозни бунга зид шаклда ўқиш катта гуноҳ. Қалб тозалигининг асосий белгиси, намозни тўғри ўқишдадир.

ҳаромдир»- деди. Мен ҳам: «Ундай бўлса, кел сен билан қардош бўлайлик»- дедим ва у билан қардош тутиндик.

Ўша кундан бошлаб ундан бир зум ҳам айрилмадим, ҳатто сафарга чиққанида ҳам бирга борардим. Унга катта аҳамият берар ва ардоқлардим, чунки ёшлигимнинг энг қиммат кунларини фидо қилиб эккан дарахтим, эндигина ҳосилга кира бошлаган эди.

Лондонга, Мустамлакалар нозирлигига ҳар ой бир рапорт юборардим. Назоратдан келаётган хабарлар жуда жасорат берувчи ва рағбатлантирувчи руҳда эди. Наждлик Муҳаммад ҳозирча мен чизган йўлда юрарди.

Менинг вазифам унга мустақиллик, ҳуррият ва шубҳачилик иллатларини юқтириш эди. Бу борада жасоратини орттириш учун келажагининг жуда порлоқ бўлишини айтар ва уни кўп мақтардим.

Бир куни қуйидагидай бир тушни тўқидим ва наждлик шеригимнинг ўзини дадилроқ тутишига таъсир қилиши учун гап қотдим: «Тунов кечаси Пайғамбаримизни тушимда кўрдим». Наждлик Муҳаммаднинг қулоқларини динг қилганини сезиб, устозлардан эшитган сифатларини ҳам айтиб, тасвирлаган бўлдим: «Бир минбарда ўтирарди, атрофида нотаниш олимлар бор эди. Ўша пайтда Сиз кирдингиз, юзингиз нур каби порларди. Пайғамбарнинг ёнига борганингизда, Пайғамбар ўрнидан турди ва икки кўзингиз орасини ўпди. Ва сен менинг адашим, илмимнинг ворисисан, дин ва дунё ишларида менинг вакилимсан деди. Сиз бўлсангиз айтдингизки: Ё Расулоллоҳ! Мен илмимни инсонларга таблиғ қилишга қўрқмоқдаман? Пайғамбар эса, табассум-ла жавобида, сен улуғ инсонсан, ҳеч қўрқма,- деди.»

Муҳаммад бин Абдулваҳҳоб тушимни эшитгандан кейин, қувонганидан ўрнидан туролмай қолди. Бир неча марта сўзимнинг тўғри ёки нотўғрилигини сўради. Мен бўлсам ҳар сафарида, қасам ичаман, тўғри дедим. У тўғри

гапирганимга ишонч ҳосил қилди. Назаримда, менинг унга юқтирганларимни инсонларга таблиғ қилиб, яғни бир мазҳаб қуришга худди ўша куни қарор берди.[24]

[24] Истанбул Дор-ул-фунунида Ақоиди исломия фани мударриси бўлган ва 1354 [м.1936] йилда вафот этган Бағдодли Жамил Сидқи Заҳовий афандининг **"Ал фажр-ус-содиқ"** китоби 1323 [м.1905]да Мисрда босилган бўлиб, Истанбулда Ҳақиқат Китобуйи тарафидан офсет усулида такрор чоп этилган. Ўша китобда айтиладики: «Ваҳҳобий фирқасининг бузуқ фикрларини Муҳаммад бин Абдулваҳҳоб 1143 [м.1730]йили Нажлда эълон қилди. Ўзи 1111 [м. 1699]да туғилиб, 1207 [м.1792] йилда вафот этди. Бу фирқа Дарийя амири Муҳаммад бин Сууд тарафидан, кўп мусулмон қони тўкиш орқали ёйилди. Ваҳҳобийлар ўзларидан бўлмаган мусулмонларга мушрик деди. Ҳаммасининг такрор Ҳаж қилишлари лозим. Олти юз йилдан бери бутун ота-боболари каби булар ҳам кофирдир, деди. Ваҳҳобий динини қабул қилмаганларни ўлдирдилар, молларини ўлжа қилиб, талон-тарож этдилар. Муҳаммад алайҳиссаломга чиркин сўзлар айтиб, фиқҳ, тафсир ва ҳадис китобларини ёқдилар. Қуръони каримни ўзларининг тушунчаларига кўра, нотўғри тафсир қилдилар. Мусулмонларни алдаш учун Ҳанбалий мазҳабидамиз деб айтдилар. Ҳолбуки, Ҳанбалий олимларининг кўпчилиги уларни рад қилиб, бузуқ эканликларини билдирган китоблар ёздилар. Ваҳҳобийлар, ҳаромларга ҳалол деганлари ва Пайғамбарларни, авлиёни танқид ва таҳқир этганлари учун кофир бўлмоқдалар. Ваҳҳобий динининг асоси ўн моддадан иборат бўлиб: 1- Аллоҳ моддий борлиқдир. Қўли, юзи ва жиҳати бордир, дейдилар. [Бу ақидалари, христианларнинг «Ота, ўғил, ҳайкал» ақидаларига ўхшайди.] 2- Қуръони каримга, ўз ақл ва фаҳмларига кўра маъно беришади. 3- Асҳоби киромнинг билдирган маълумотларини инкор қилишади. 4- Олимларнинг билдирганларини ҳам инкор этишади. 5- Тўрт мазҳабдан бирини тақлид этган кимса кофир бўлади дейишади. 6- Ваҳҳобий бўлмаган ҳар бир инсон кофирдир дейишади. 7- Пайғамбарни, авлиёни васила қилиб дуо этган кимса, кофир бўлади дейишади. 8- Пайғамбарларнинг, авлиёнинг мозорларини зиёрат қилиш ҳаромдир деб жар солишади. 9- Аллоҳдан бошқаси билан қасам ичганга мушрик тамғаси ёпиштиришади. 10- Аллоҳдан бошқаси учун назр қилган ва авлиёнинг қабрлари ёнида қурбон сўйган кимса ҳам, мушрик бўлади дейишади. Бу китобимда, ушбу ўн ақиданинг бузуқ эканлиги, ҳужжатлар билан исбот этилди.»

Диққат қилинса, Ваҳҳобий динининг бу ўн асоси, Хемфернинг нажлик Муҳаммадга талқин қилган дин илмлари эканлиги англашилади.

Инглизлар, христианлик тарғиботини юргазишда ёш миссионерларга қўлланма ва тажриба бўлиш мақсадида Хемфернинг эътирофларини нашр этди. Мусулмон фарзандларини алдаш учун, ислом илмларини ёлғон ва янглиш ёздилар. Биз ҳам ёшларимизни Инглиз ҳийла-найранглари-ю тузоқларидан огоҳ қилиш учун ўша ёлғон-яшиқ туҳматларнинг тагига беркитилган ҳақиқатларни очиб, ошкор қилиш мақсадида ушбу китобни нашр қиляпмиз.

Биринчи қисм

БЕШИНЧИ ФАСЛ

Нажлик Муҳаммад билан жуда самимий алоқалар ўрнатган шу кунларимда, шиялар қаттиқ севадиган ва айни пайтда муқаддас деб билган илм ва руҳоният маркази бўлмиш **Карбало** ва **Нажаф** шаҳарларига боришим учун Лондондан буйруқ келди. Нажлик Муҳаммад билан учрашувларимизни тўхтатишга, Басрадан жўнаб кетишга мажбур бўлдим. Лекин бу жоҳил ва ахлоқсиз одам келажакда албатта янги бир фирқа қуриб, исломиятни йиқитишига ишончим комил бўлганидан ва бу фирқанинг бузуқ эътиқодларини ўзим ҳозирлаганим учун севинч билан Басрадан жўнаб кетдим.

Суннийларнинг тўртинчи халифаси, шияларга кўра эса, биринчиси бўлган Али Нажафда дафн қилинган. Нажафдан бир фарсоҳ, яъни пиёда бир соатлик масофада жойлашган **Куфа** шаҳри Алининг хилофат маркази эди. Али ўлдирилгач, ўғиллари Ҳасан ва Ҳусайн уни Куфа ташқарисидаги, ҳозирги Нажаф деган жойга дафн қилдилар. Кейинчалик Нажаф гўзаллашиб, Куфа эса хароблашиб борди. Шия диндорлари Нажафда тўпландилар. Бинолар, бозорлар, мадрасалар қурилди.

Истанбулдаги Халифа буларга эҳсон ва яхшиликлар қиларди. Чунки:

1- Эрон шия ҳукумати Нажафдаги шияларни қўллаб турарди. Халифа буларнинг ишига аралашгудек бўлса ҳар

иккала давлат орасидаги муносабатлар кескинлашар, ҳатто уруш ҳам содир бўлиши мумкин эди.

2- Нажаф атрофида шияларни қўллаб-қувватловчи кўпгина қуролли гуруҳлар мавжуд эди. Қуроллари ва ташкилотчилари унчалик аҳамиятга эга бўлмаса ҳам, Халифа билан бу гуруҳлар орасида қонли тўқнашувлар чиқиши мумкин эди.

3- Нажафдаги шиялар Ҳиндистон, Африка ва бутун дунёдаги шияларнинг кўз қорачиғи ҳисобланарди. Халифа буларга зарар берадиган бўлса, бутун дунёдаги шиялар ғалаёнга келиши мумкин эди.

Пайғамбарнинг невараси, яъни қизи Фотиманинг ўғли Ҳусайн бин Али Карбалода шаҳид қилинганди. Ироқ аҳолиси Ҳусайнни Мадинадан ўзларига халифа қилиб сайлаш учун чақирдилар. У ва оиласи Карбалога етиб келганларида, Ироқ аҳолиси сўзларидан тондилар. Шомдаги Умавий халифаси Язид бин Муовия амрига кўра уни тутиб бермоқчи бўлдилар. Ҳусайн оиласи билан Ироқ аскарига қарши қаҳрамонларча муҳораба қилиб шаҳид бўлди. Ироқ аскари ғолиб келди. Ўша воқеадан кейин шиялар Карбалони руҳоний марказ деб қабул қилдилар ва ҳар томондан у ерга йиғилишди. Бизнинг христианликда бунга ўхшаш бирон маросим йўқ.

Карбало шиялар шаҳри бўлиб, у ерда шия мадрасалари бор. Карбало ва Нажаф аҳли бирбирини қўллаб қувватлаб турарди. Бу шаҳарларга жўнаб кетиш учун Лондондан кўрсатма олганимдан кейин Басрадан Бағдодга, Бағдоддан Фирот (Ефрат) дарёси бўйида жойлашган Хулла шаҳрига жўнаб кетдим.

Фирот ва Дажла дарёлари Туркиядан оқиб келиб Ироқни кесиб ўтиб Басра кўрфазига қуйилади. Ироқнинг деҳқончилиги ва ободончилиги бу икки дарё орқали эди.

Ироққа талабларимизни қабул қилдириш учун бу икки дарёнинг йўналишини ўзгартирадиган бир лойиҳа таёрлаш кераклигини Лондонга қайтганимда Мустамлакалар

Нозирлигига билдирдим. Зеро, Ироқнинг суви кесилса, бизнинг истакларимизни қабул қилишга мажбур бўлишади.

Хулла шаҳридан озарбайжонлик савдогар қиёфатида Нажафга жўнаб кетдим. У ерда шия дин пешволари билан самимият ва дўстлик қуриб, уларни ҳар қадамда алдай бошладим. Уларнинг дарс ҳалқаларига қатнашдим. Суннийлар каби улар фан илмлари ўқимасдилар ва улар суннийлардек гўзал ахлоқли эмасдилар. Масалан:

1- Усмоний давлатига ҳаддан зиёд душмандилар. Чунки булар шия, турклар эса сунний эди. Суннийларни улар кофир деб санарди.

2- Шия олимлари худди бизнинг ўрта аср яъни қалоқлик ва схоластик фикр давримиздаги руҳоний попларимиз каби фақатгина диний илмларга берилган, дунё ва фан илмларига жуда оз эътибор берардилар.

3- Исломиятнинг ҳақиқатидан, улвийятидан ва фан-техникадаги тараққиётлардан тамоман хабарсиз эдилар.

Ўз ўзимга дедимки, шиялар нақадар жоҳил, бечора инсонлар. Бутун дунё уйғоқ бўлса-ю булар ғафлатда ётсалар. Бир кун муҳаққақ бир шиддатли сел уларни оққизиб кетади деб ўйладим. Бир неча марта уларни халифага қарши исён қилишга ташвиқ қилиб кўрдим. Афсуски мени тинглайдиган кимса чиқмади, ҳатто баъзилари устимдан кулдилар. Чунки улар учун бу худди дунёни йиқитиш билан тенг эди. Гўёки хилофатни забт қилиниши мумкин бўлмаган қалъа деб билишарди. Уларга кўра фақат, орзиқиб кутилган Маҳдий келгандагина улар хилофатдан қутилишлари мумкин эди. Маҳдий - Ислом Пайғамбарининг наслидан бўлиб ҳижрий 255-йилда ғойиб бўлган шияларнинг ўн иккинчи имомларидир. У ҳозир тирик эмиш ва бир кун зуҳур этиб, зулм ва ҳақсизликка ғарқ бўлган бу дунёни адолат билан тўлдирар эмиш.

Ҳайронман, шиялар қандай қилиб бу ҳурофаларга ишонадилар. Бу христианларнинг эътиқодидаги «Исо келади, дунёни адолат билан тўлдиради» ҳурофасига ўхшарди.

Бир куни улардан бирига: «Ислом Пайғамбарининг қилганидек сизнинг ҳам зулмга қарши курашишингиз фарз эмасми?»- дедим. Жавобан дедики: «Аллоҳ унга ёрдам берарди, шунинг учун зулмни тўхтатиш қўлидан келди.» Дедимки: «Қуръонда **«Сиз Аллоҳнинг динига ёрдам қилсангиз у ҳам сизга ёрдам қилади[25]»**- дейилган. Сиз ҳам шоҳларингизнинг зулмига қарши қилич билан қарши чиқсангиз, Аллоҳ ҳам сизга ёрдам қилади»- дедим. Жавоби эса шу бўлди: «Сен савдогарсан ақлинг етмайди, булар эса илмий мавзулар».

Амир-ул муъминин Алининг мақбараси жуда кўркам солинган эди. Муҳташам ҳовлиси, катта олтин билан қопланган бир қуббаси ва икки баланд минораси бор эди. Бу мақбарани ҳар куни кўплаган шиялар зиёрат қилар ва жамоат билан намоз ўқирдилар. Зиёратчилар аввал ҳар бири эгилиб бўсағани ўпади, кейин қабрга салом бериб аввало изн сўрар ва сўнгра кирардилар. Мақбаранинг ҳовлиси кенг бўлиб, ҳовлида дин пешволари ва зиёратчилар учун кўпгина хоналари бор эди.

Карбалода Алининг мақбарасига ўхшайдиган яна иккита мақбара бор. Булар Ҳусайн ва у билан бирга Карбалода шаҳид бўлган укаси Аббоснинг мақбаралари эди. Карбалода ҳам аҳвол худди Нажафдагидек эди. Лекин Карбалонинг табиати Нажафникидан мулойимроқ бўлиб, атрофида чиройли боғлари ва оқар сувлари бор эди.

Ироқ сафаримда кўнглимга таскин берувчи бир манзаранинг гувоҳи бўлдим, баъзи ҳодисалар Усмоний давлатининг яқин кунларда йиқилишидан далолат берарди. Зеро Истанбул ҳукумати тарафидан тайинланган ҳоким жоҳил ва золим одам эди. Хоҳлаган ишини қилар ва ҳалқ ҳам ундан норози эди. Суннийлар ҳокимдан қаттиққўллиги

[25] **Муҳаммад сураси, 7-оят** Аллоҳу таолонинг динига ёрдам қилиш - шариатга тобе бўлиб, уни нашр этишга ҳаракат қилиш демакдир. Давлатга исён қилиш эса, динни йиқитиш демакдир.

туфайли норози эди. Шиялар эса ўзларининг орасида ҳоким бўлишга лойиқ саййидлари ва шарифлари турганда бир турк тарафидан идора қилинаётганларидан норози эдилар.

Шияларнинг аҳволи жуда ҳам ночор эди. Ахлат ва вайроналар ичида яшардилар. Йўллар ҳам хавфли бўлганидан йўлтўсарлар доимо карвонларга ҳужум қилиб турарди. Карвонларнинг ёнида аскар бўлмаса аҳволлари қийин эди. Давлатнинг қўриқчи аскарларисиз карвонларнинг сафарга чиқиши ҳам хатарли эди.

Шия уруғ-оймоқлари орасидаги уруш-жанжаллар тиним билмасди. Ҳамма вақт бир-бирларини талон-тарож қилиш билан шуғулланардилар. Жаҳолат авжга чиққанди. Шияларнинг бу ҳоли менга черков зулмидаги Европанинг ўтмишини эслатарди. Нажаф ва Карбалодаги диндорлар ва уларнинг баъзи ёндошлари ҳисобга олинмаганда ҳар минг шиядан битта ҳам саводли одам топилмасди.

Иқтисодий ҳаёт ачинарли аҳволда, кун кўриш жуда қийин эди. Давлат ишлари ҳам ўз йўлида эмасди. Шиялар давлатга ҳиёнат қиларди.

Давлат билан ҳалқ ўртасида бир бирига ишончсизлик ҳоким эди. Шунинг учун ўртада бир бирига ёрдам бериш деган нарса йўқ эди. Шия диндорлари фақатгина суннийларни ёмонлаш билан шуғулланиб умр ўтказар, дунёвий илмларни бир томонга суриб қўйгандилар.

Карбало ва Нажафда тўрт ой бўлдим. Нажафда жуда оғир бир хасталикка чалиндим. Хасталикнинг оғирлигидан ҳатто, ўзимдан умидимни узган эдим. Уч ҳафта шу аҳволда ётдим. Кейин бир табибга бордим, менга баъзи дориларни берди. Дориларни ичгандан кейин сиҳҳатим яхшилана бошлади. Хасталикдан соғайгунча бир ертўлада ётдим. Ертўла эгаси касал бўлганим учун бироз пул эвазига дори, овқатларимни тайёрлар ва менга қилган хизматини катта савоб деб биларди. Зеро мен ўзимни унга Амир-ул-муъминин Алининг қабрини зиёрат қилишга келган зиёратчиман деб танитган эдим.

Касалликнинг илк кунларида табиб менга фақатгина товуқ шўрваси ичишни тайинлади. Кейин гўштини ҳам ейишга рухсат берди. Учинчи ҳафтага ўтиб гуруч шўрваси ичдим. Кейин соғайгач Боғдодга кетдим. Нажаф, Ҳулла, Боғдод ва йўлдаги бошимдан кечирганларим ҳақида юз бетлик ҳисобот тайёрладим. Ҳисоботни Мустамлакалар Назоратининг Бағдоддаги элчисига топширдим. Ироқда қолишим ёки Лондонга қайтиб кетишим ҳақида Нозирликнинг буйруғини кута бошладим.

Узоқ вақтга чўзилган ғурбатда ватанимни ва оиламни жуда соғиндим. Мен кетгандан кейин туғилган ўғлим Распутинни кўргим келарди. Шунинг учун ҳисоботим билан бирга Нозирликдан қисқа муддатга бўлса ҳам, Лондонга бориб қайтишга изн сўрадим. Ироқ сафаримдаги уч йиллик таассуротларимни шахсан гапириб беришни ва бироз истироҳат қилишни хоҳлардим.

Мустамлакалар нозирлигининг Ироқдаги элчиси бошқалар шубҳа қилмаслиги учун камроқ келишимни айтди ва Дажла дарёси бўйидаги карвонсаройларнинг биридан кирага ҳужра олишни тавсия қилди. «Лондондан почта келганда Нозирликнинг жавобини ўзим сенга билдираман»- деди. Боғдодда ўтказган кунларимда Халифалик маркази Истанбул ва Бағдод орасидаги маънавий узоқликни ичимдан ҳис қилдим.

Басрадан Карбало ва Нажафга жўнаб кетаётганимда нажддлик Муҳаммадга кўрсатган йўлимдан оғиб кетсачи деб андишаланган эдим. Чунки, у жуда бесабр ва асабий кимса эди. Унинг бугунги аҳволга келиши учун сарфлаган меҳнатимнинг зое кетишидан қўрқардим.

Кетаётганимда унинг Истанбулга бориш фикри бор эди. Бу фикридан воз кечиши учун унга анча насихат қилдим. Ва унга у ерга борганингда мақсадингни ошкор қилиб қўядиган бир сўз айтиб қолишингдан ва сени қатл қилишларидан қўрқяпман, дедим.

Мақсадим эса умуман бошқа эди. У ерга боргандан кейин эгри, бузуқ этиқодларини тузатиб Аҳли суннат этиқодига қайтишини ва Ислом олимлари билан учрашишидан ва бутун амалларимнинг зое кетишидан жуда ҳам ташвишда эдим. Чунки Истанбул илм-ирфоннинг маркази эди. У ер Исломнинг гўзал ахлоқи ёйилган бир макон эди. Шу боис ҳам Истанбул олимлари хоҳлаган гумроҳнинг ковушини тўғрилаб қўйиши ҳеч гап эмасди.

Унинг Басрада қолишни хоҳламаётганини англаганимдан кейин унга Исфахон ва Шерозга боришини тавсия қилдим. Чунки бу шаҳарлар чиройли бўлиб, халқи ҳам шия эди. Шиялар нажддлик Муҳаммадга заррача таъсир ўтказолмаслиги равшан. Чунки шияларда илм ва ахлоқ нуқсон. Шундай қилиб тузган йўлимдан қайтмаслигига қаноат ҳосил қилдим.

У билан видолаша туриб: «Тақийя[26]га ишонасанми?»- деб сўрадим. Жавобан: «Ҳа ишонаман. Зеро саҳобалардан бири мушриклар зулм қилганида ва ота-онасини ўлдирганида, тақийя қилиб ширк изҳор қилган эди. Бунга эса Пайғамбар ҳеч нарса демаганди.»- деди. Мен унга: «Шиялар орасида тақийя қил, сунний эканлигингни зинҳор айтмагинки, бошингга кулфат солмасинлар. Уларнинг мамлакатларидан ва олим уламоларидан фойдалан, улардан истифода эт. Уларнинг одатларини ва мазҳабларини ўрган. Зеро жоҳил ва ўжар кимсалардир»- дедим.

У ердан жўнаб кетаркан закот деб унга бир миқдор пул бердим. Закот муҳтожларга бериш учун бойлардан олинадиган исломий бир солиқ. Бундан ташқари унга миниши учун бир улов ҳадя қилдим. Шундай қилиб у билан видолашдик.

У билан хайрлашиб жўнаб кетганимдан кейин алоқамиз ҳам узилди. Шу сабабдан жуда ташвишда эдим. Лекин

[26] Тақийя – иккиюзламачилик.

иккаламиз ҳам яна Басрага қайтиб келиш мақсадида эдик. Ким биринчи қайтиб келса ва бир-биримизни тополмасак бир мактуб ёзиб Абдурризога ташлаб кетсин деб келишиб олдик.

Инглиз ваҳшати

1. "Туркия" газетаси 1 июль 1995 сонида чиққан девор тақвимида шундай дейилган: Фақир давлатлардан чақалоқларни ўғирлаб, уларнинг вужуд органларини нақл қилиш савдоси билан шуғулланувчи инглиз жиноий тўдаси қўлга туширилди. Бразилиядан олинган бир хабарда шундай дейилган: Кембриж шаҳридаги халқаро миллатлараро вужуд органи нақли ташкилоти ўғирланган чақалоқлар бўйича тергов ишларини олиб бормоқда. Текширишлар натижасида баъзи инглиз касалхоналарининг чақалоқ органларига рағбати борлиги ва жуда катта пулга сотиб олганликлари маълум бўлди.

2. 4 июль 1995да чиққан "Туркия" газетасида шундай дейилади: Химия фани бўйича докторлик диссертацияси ёқлаш учун Англияга келган олтмишдан зиёд мусулмон ёшлар камбағаллар яшайдиган New Castle шаҳрига жойлаштирилди. Талабалардан Мустафо Арслонўғли кечаси уйига қайтаётганда ён тарафдаги черковдан чиққан икки инглиз тош ва таёқлар билан унга ҳужум қилиб хушидан кетгунча калтакладилар. Ёқиш учун устига бензин қуйдилар, лекин бечоранинг бахтига чақмоқлари ёнмади. Уйининг балконидан аҳволни кўриб қолган бир қиз полицияга хабар берди, ислом душмани бўлган бу ёшлар қочиб черковга яширинишди.

3. Яна ушбу газетада чиққан бир хабарда, Боснияда жароҳатдан ва очликдан ҳар куни юзлаган мусулмонлар ўлмоқда. Очликдан йиғлаган, хушидан кетган болаларнинг ота-оналари бу фарёдни эшитмаслик учун ташқарига қочиб чиқмоқда. Ислом мамлакатларидан келган озиқ-овқат, инсоний ёрдам маҳсулотлари Сербларга бериляпти. Инглизларнинг қўл остидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аскарлари Серблар фойдасига жосуслик қиляпти. Бу аскарлар, христиан туристлар ва европадан келган

ислом душманлари, мусулмонларнинг вужудларидан қон оқаётган бир пайтда шараф қадаҳларини кўтаришарди. Босниядаги бу ваҳшийлик инглизлар тарафидан планланди ва 1988 йилда Косовада бошлатилди. Милошевични қўғирчоқ қилиб давлат бошига ўтқаздилар. Инглизлар сербларга «Қўрқманглар ортингизда биз бормиз»-деб, далда бериб турибди.

Инглиз кофири ислом юртида,
Ахмоқларни топиб, парвариш қилар.
Исломга хужумнинг йўлин ўргатиб,
Зиндиғу бемазҳаб, террорист қилар.
Намозхон хўрланар, куфр зўрланар,
Ҳижобга узанар май тутган қўллар,
Шароб, яланғочлик, зино – урф бўлар,
Дин қардошлик ўрни ҳизбга тўлар.
Ислом душманлари ислом юртида
Диндан қайтган ҳароми итлар боқишар.
Ислом юртларида амалдорларни
Ўша сути бузуқлардан сайлашар.
Барчаси Исломга, орга ташланар,
Аллоҳ ҳам жазоларин бир зумда берар.
Чунки У Қуъонда бизга сўз берган,
«Исломиятни албат сақлайман» - деган.
Мўминларга эса: **«Ёвга алданма.**
Бетиним ишлаб, ундан баланд бўл!»- деган.

Биринчи қисм

ОЛТИНЧИ ФАСЛ

Бир муддат Бағдодда қолдим. Сўнгра Лондонга қайтишим учун амр келди. Мен вақт ўтказмай жўнаб кетдим. Лондонда секретар ва баъзи назорат мансублари билан кўришдим. Уларга узун сафаримдаги қилган ишларимни ва мушоҳадаларимни, бирма-бир айтиб бердим. Ироқ ҳақидаги маълумотларимдан бениҳоя хурсанд бўлиб, ва мамнуниятларини билдирдилар. Олдинроқ юборган ҳисоботимни кўриб чиқишган экан. Гапларига қараганда, София ҳам меникига ўхшаш бир ҳисобот юборибди. Яна шу маълум бўлдики, ҳар сафаримда нозирликнинг одамлари мени кузатиб юришган эканлар. Улар ҳам ҳисоботим ва секретарга айтганларимга мос келадиган ҳисобот йўллашибди.

Секретар Нозир билан кўришишим учун вақт ажратиб рухсат берди. Нозирни кабинетида зиёрат қилганимда мени Истанбул сафаримдагидан ҳам бошқача қилиб, яъни яхшироқ кутиб олди. Унинг қалбидан мустасно бир жой олганимни англадим.

Нозир, нажддик Муҳаммадни қўлга киритганимдан жуда мамнун бўлди. «У, айнан нозирлигимиз излаётган қурол. Унга ҳар хил ваъдаларни қил, бутун меҳнатларингни натижаси, фақат уни қўлга олиш бўлса, у бунга арзийди.»- деди.

Мен: «Нажддик Муҳаммаддан жуда андишадаман. Чунки у фикридан қайтган бўлиши мумкин»- дедим. «Хотиржам бўл, чунки у сен хайрлашган кунингдаги фикрларидан қайтмаган. Сабаби Исфахондаги нозирлигимизнинг жосуслари у билан кўришган ва нозирликка унинг бузилмаганини хабар қилишибди» - деди. Ўзимча: «Нажддик Муҳаммад қандай қилиб бошқаларга сирларини очди экан?»-деб ўйладим, бош нозирдан буни сўрашга журъат қилолмадим. Лекин буни кейин нажддик Муҳаммад билан учрашганимда билиб олдим. Исфахонда Абдулкарим деган кимса у билан кўришибди ва: «Мен шайх Муҳаммаднинг [мени назарда тутиб] укасиман. У сен ҳақингда нималар билса, ҳаммасини айтиб берган»- деб, нажддик Муҳаммадни лақиллатиб бутун сирларини билиб олишга муваффақ бўлибди.

Нажддик Муҳаммад менга: «София мен билан Исфахонга келди, у билан яна икки ой мутъа никоҳи ўқитиб яшадик. Абдулкарим мен билан бирга Шерозга келди ва Софиядан ҳам гўзалроқ ва жозибадор Осия деган хотин топиб келди. У билан ҳам мутъа никоҳи қилиб ҳаётимнинг энг лаззатли онларини яшадим»-деб мақтаниб қолди.

Кейин маълум бўлдики Абдулкарим Исфахон яқинидаги Жалфоъда турадиган нозирликнинг христиан агенти экан. Осия эса Шероз яҳудийларидан бўлиб, нозирликнинг бошқа бир агенти эди. Тўртталамиз биргалашиб нажддик Муҳаммадни келажакда ўзидан кутилган вазифаларни аъло даражада бажарадиган қилиб етиштирдик.

Мен содир бўлган ҳодисаларни бош Нозирга, секретарга ва яна нотаниш бўлган икки Назорат мансубининг ҳузурида гапириб берганимдан кейин бош Нозир менга, «Сен нозирликнинг энг юксак даражали медалига лойиқ бўлдинг. Чунки, сен нозирликнинг энг муҳим агентлари орасида биринчи ўриндасан. Секретар сени шахсингга ва вазифангга фойдаси тегадиган баъзи давлат сирларидан хабардор қилади» - деди.

Кейин оилам билан кўришиш учун менга ўн кунга рухсат бердилар. Мен ҳам тўппа тўғри уйимга жўнадим. Ўзимга жуда ҳам ўхшайдиган ўғлим билан яхши вақт ўтказдим. Ўғлим баъзи сўзларни гапира оларди ва кичкина болаларга хос шундай чиройли юриши бор эдики у юраётганда худди

вужудимнинг бир парчаси юраётгандек эди. Бу ўн кунлик татилим жуда қувончли ва мароқли ўтди. Қувончим ичимга сиғмасди. Ватаним ва оиламга қовушганимдан жудаям шод эдим. Бу ўн кунлик таътилимда мени жудаям яхши кўрадиган қари холамни кўришга бордим. Холамни кўришга борганим яхши бўлган экан. Чунки мен учинчи сафаримга кетганимдан кейин вафот этибди. Унинг вафотига қаттиқ қайғурдим.

Ўн кунлик дам олиш вақтим худди бир соат каби ўтди кетди. Бундай қувончли кунлар бир соатдай ўтиб кетаверади-ю, лекин ғам-ташвишли кунлар инсонга худди бир асрдек туюлади. Нажафдаги хаста кунларим кўз олдимга келди. Ўша қайғу-аламли кунлар менга йиллардек узун бўлиб туюлган эди.

Нозирликка янги амрларни олиш учун борганимда мени узун бўйли секретар кулиб қарши олди. Мендан мамнун эканлигини билдириш учун қўлимни қаттиқ сиқиб кўришди.

Менга: «Нозирлигимизнинг ва Мустамлакалар устида ишлайдиган Ҳайъатининг амри билан сенга жуда махфий икки давлат сирини очаман. Олдинда ҳали бу сирлардан фойдаланасан. Бу икки сирни ишончли бир неча кишидан бошқа ҳеч ким билмайди»- деди.

Қўлимдан тутиб мени Нозирликнинг бир хонасига бошлаб кирди. Бу хонада мени ҳайратга солган воқеанинг гувоҳи бўлдим. Доира шаклидаги стол атрофида ўн киши ўтирарди. Уларнинг биринчиси Усмоний давлатининг подшоҳи қиёфасида эди. Туркча ва инглизча биларди. Иккинчиси Истанбулдаги Шайхул исломнинг қиёфасида эди. Учинчиси Эрон шоҳи қиёфасида, тўртинчиси Эрон шоҳи саройидаги вазир қиёфасида эди. Бешинчиси эса, шиялар тобе бўлган Нажафдаги энг катта олимнинг қиёфасида эди. Бу охирги уч киши форсча ва инглизча билардилар. Бу одамларнинг ҳар бирининг ёнида уларнинг оғзидан чиққан

гапларини ёзиш учун биттадан котиб бор эди. Котиблар айни пайтда бу одамларга жосусларнинг Истанбул, Эрон ва Нажафдаги ҳалиги арбобларнинг асллари ҳақида тўплаган маълумотларини ҳам билдириб туришарди.

Секретар менга: «Булар Ислом давлатларининг бошидаги беш кишининг фигуралари. У ердагиларнинг нима ўйлаётганини билиш учун буларни худди аслларидек қилиб етиштирдик. Буларга, улар тақлид қилаётган кишиларнинг хулқ-атвори, илм савияси, фикрлаш усули ва бугунгача рўй берган баъзи воқеалар ҳақида қандай хулосада эканликлари ўргатилган. Ундан ташқари буларни жойлардаги жосусларимиздан олаётган маълумотлар билан тиништириб боряпмиз. Булар ўзларини асл кишилардек тутишни, ўшалардек қарор беришни ўзлаштириб олганликлари учун биз қизиқаётган баъзи саволларни худди ўшаларнинг ҳолига муносиб жавобламоқда. Текширишлар бизга шуни кўрсатдики фигуралар ва асллардан олинган жавобларнинг деярли етмиш фоизи бир бирига мос келмоқда.

Хоҳласанг синаб кўриш учун улардан бирон нарса сўрашинг мумкин. Чунки биз тақлидини ясаган Нажаф олими билан илгари учрашгансан, танийсан»- деди. Мен розилик билдирдим. Зеро ҳақиқатан аввалроқ шияларнинг энг катта олими билан учрашган, унга баъзи хусусларда саволлар берган эдим. Олган жавобларимни энди унинг ўхшашида синаб кўрмоқчи бўлиб олдига бордим ва: «Тақсир ҳукумат сунний ва мутаассиб бўлгани учун давлатга қарши ҳарб очишимиз жоиз бўладими?»- дедим. Бир оз ўйлангандан кейин: «Сунний бўлгани учун давлатга ҳарб очишимиз жоиз эмас. Зеро мусулмонлар биродардир. Улар умматга зулм-исканжа қилишсагина ҳарб очишимиз мумкин. Лекин буни ҳам амри бил маъруф ва наҳйи анил-мункар шартларига уйғун бир тарзда амалга оширмоқ даркор. Яъни зулмдан воз кечганларида биз ҳам уларнинг ёқаларидан қўлимизни олишимиз лозим»- деди.

«Тақсир, яҳудий ва христианларнинг нажс эканликлари ҳақидаги фикрингизни билсам бўладими?»-дедим. У: «Ҳа, улар нажсдирлар. Улардан узоқ туриш керак»- деди. «Нима учун?»- дедим. «Бу уларга мисллама, яъни уларнинг ҳақоратлари эвазига берилган жавобдир. Зеро улар бизни кофир деб биладилар. Ва Пайғамбаримиз Муҳаммадни (алайҳиссалом) такзиб қилади. Биз ҳам уларга қарши юқоридаги тазйиқимизни авж олдиряпмиз»- деди. Унга дедимки: «Тақсир тозалик иймонданку, шундайми? У ҳолда нега Саҳни шариф [Ҳазрати Алининг мақбараси атрофи], кўча-кўйлар тоза эмас. Ҳатто илм мадрасаларини ҳам тоза озода дея олмаймиз» Жавобан дедики: «Ҳа, ҳақиқатан тозалик иймондандир. Лекин начора, шиялар тозаликка аҳамият бермагандан кейин шундай бўлади-да»- деди.

Нозирликдаги бу одамдан олган жавоблар, Нажафдаги шия олимдан эшитганларимнинг айниси эди. Улар орасидаги уйғунлик мени ҳайратга солганди. Бунинг устига бу одам форсчани ҳам яхши биларди. Секретар менга: «Агар сен нариги тўрт кишининг асллари билан кўришганингда эди улар билан ҳам гаплашиб асларига қанчалик мутобиқ эканлигини синаб кўрган бўлардинг»- деди. Мен эса: «Менга Шайх-ул-исломнинг қандай фикрлаши, нима ўйлаши маълум. Чунки Истанбулда устозим Аҳмад афанди менга уни яхшигина танитган эди»- дедим. Секретар: «Унда марҳамат. Унинг намунаси билан ҳам кўришишинг мумкин»- деди.

Мен “Шайхулислом”нинг олдига бориб: «Халифага итоат қилиш фарзми?»- деб сўрадим. «Ҳа вожибдир. Аллоҳга ва Пайғамбарига итоат қилиш фарз бўлганидек, бу ҳам вожибдир»- деди. Мен: «Бунинг далили недир?»- дедим. У эса: «Жаноби Аллоҳнинг мана бу оятини эшитмадингми? **«Аллоҳга, Унинг Пайғамбарига ва орангиздаги Улул-амрингизга итоат этингиз[27].»** Мен: «Нима Аллоҳ бизга, аскарига Мадинани талон-тарож қилишни ҳалол

[27] **Нисо сураси, 59-оят**

қилиб, Пайғамбаримизнинг набираси Ҳусайнни ўлдирган Халифа Язидга, шароб ичувчи Валидга итоат қилишни амр қилганми?»- дедим. Жавоби эса шу бўлди: «Ўғлим, Язид Аллоҳ тарафидан Амир-ул муъминин эди. Ҳусайнни ўлдиришни буюрмади. Сен шияларнинг бўҳтонига ишонма. Китобларни яхшилаб ўқи, у хато қилди. Кейин эса тавба этди. Мадина-и мунавварани талон-тарож қилишни ҳалол қилишига тўғри келди. Чунки Мадина халқи тўғри йўлдан чиқиб итоат қилмай қўйишган эди. Валидга келсак, тўғри у фосиқ эди. Зотан халифанинг қилганларини тақлид қилиш эмас, шариатга уйғун амрларигагина итоат қилиш вожибдир»- деди. Буларни аввал устозим Аҳмад афандидан сўрагандим, бундан салгина фаркли бўлса-да деярли айни жавобларни олгандим.

Кейин секретардан: «Бу одамларни тайёрлашнинг қандай фойдаси бўлиши мумкин?»- деб сўрадим. У: «Биз бу усул билан Султоннинг ва шия ёхуд сунний мусулмон олимларнинг фикрларини ўрганяпмиз. Сиёсий ва диний мавзуларда улар билан урушда асқотадиган тадбирларни топишга уриняпмиз. Битта оддий мисол, душман аскарларининг қайси тарафдан келишини билсанг шунга кўра тайёргарлик кўриб, аскарларни ҳам шунга кўра ҳозирлаб уларни тору мор қилишинг мумкин. Лекин уларнинг қайси тарафдан ҳужум қилишини билмасанг, аскарларни ҳар тарафга сочиб охирида мағлуб бўласан. Худди шунингдек бугун мусулмонларнинг ўз дин ва мазҳаблари ҳақида, уларнинг ҳақлигига доир келтираётган далилларини билсанггина уларнинг ўша далилларини пучга чиқарувчи мухолиф далиллар ўйлаб топишинг ва шу йўл билан ақидаларини бузишинг мумкин.»- деди.

Сўнгра бу беш одамнинг ҳарб, молия, маориф ва диний масалалар юзасиданораларида бўлиб ўтган мунозараларининг натижалари жамланган минг бетлик бир китоб бериб: «Ўқиб бўлгандан кейин олиб келарсан»- деди. Мен китобни уйимга олиб кетдим. Уч ҳафталик таътил

мобайнида китобни бошидан охиригача диққат билан ўқиб чиқдим.

Китоб жуда ҳайрат берувчи жинсданди. Зеро намуна одамларнинг саволларга берган жавоблари ва фикр алмашишлари худди асллари каби эди. Чамамда бу беш одамнинг жавоблари аслларининг жавобларига етмиш фоиздан кўпроқ мос келарди. Зотан секретар ҳам аввалроқ жавобларнинг етмиш фоиз мос келишини айтган эди.

Бу китобни ўқигач давлатимга бўлган ишончим янада ортди. Бу билан Усмонийлар империясини бир асрдан камроқ вақт ичида йиқитиш планларининг аллақачон тайёрланганлигини чуқурроқ англадим. Секретар менга: «Яна бошқа хоналарда ҳам ҳозир мустамлакамиз бўлган ёхуд мустамлака қилишни планлаган давлатларимиз ҳақида худди шу йўсинда тайёргарлик кўраётган ҳайъатларимиз бор»- деди.

Секретарга: «Бунчалик зийрак ва қобилиятли одамларни қаердан топасизлар»- дедим. «Бутун дунёдаги агентларимиз тўхтовсиз бизга маълумот юборадилар. Кўриб турганингдек бу тамсилий фигуралар ўз ишларида мутахассисдирлар. Сен ҳам бирон одам биладиган бутун шахсий маълумотлар билан тўла таъминлансанг, худди ўша шахс сингари фикр юритишинг ва ўша шахснинг ҳукмларига мос ҳукм беришинг табиий ҳолдир. Чунки сен, аллақачон унинг бир намунаси ҳолига келгансан»- деди.

Секретар сўзига давом этиб: «Бу, назоратимизнинг сенга айтишимни буюрган биринчи сири эди. Иккинчи сирини эса бир ойдан кейин ҳалиги минг бетлик китобни топширганингда айтаман»- деди.

Мен китобни бошидан охиригача диққат билан ўқиб чиқдим. Шу боис Муҳаммадийларга доир маълумотларим ортди. Уларнинг қандай ўйлашини, заиф нуқталарини, қувватли томонларини ва бу билан бирга ўша қувватларини заифлаштириш усулларини яхшилаб ўрганиб олдим.

Китобда мусулмонларнинг заиф томонлари сифатида

қуйидагилар қайд қилинганди:

1. Сунний - шия ихтилофи, Подшоҳ ва халқ орасидаги ихтилоф[28]. Турк - Эрон ихтилофи, қабила – аймоқлар ораси уруш ва низолар, олимлар билан давлат орасидаги ихтилоф[29].

2. Озгина бир қисмини ҳисобга олмаганда бутун мусулмонлар саводсиз ва жоҳилдир[30].

3. Маънавиятсизлик, илмсизлик ва шуурсизлик[31].

4. Тамоман дунё ишларидан юз ўгириб, фақатгина охират ишлари билан машғул бўлиш[32].

[28] Бу сўз ниҳоятда нотўғридир. Чунки, подшоҳга итоат қилишнинг фарз эканлигини юқорида ўзи ҳам ёзганди.

[29] Бу ҳам бўҳтон. Усмоний давлатининг олимларга кўрсатган ҳурмат ва эътибори, Усмон Ғозийнинг васиятномасида қайд қилинган. Ҳамма подшоҳлар олимларга энг юксак мартабаларни берганлар. Мавлоно Холиди Бағдодийни ҳасадчилар иккинчи Маҳмуд хонга шикоят қилиб, дорга осилишини талаб қилганларида: «Олимлардан давлатга зарар келмайди»- деб талабларини рад этган воқеасини ҳамма билади. Усмоний султонлари олимларга уй, мол-мулк ва кўп маош берардилар.

[30] Минглаган Усмоний олимларининг дин, ахлоқ, иймон ва фан китоблари дунёга машҳурдир. Энг билимсиз деб саналган қишлоқ аҳолиси ҳам Усмонийларда динларини, ибодатларини ва санъатларини яхши билардилар. Барча қишлоқларда масжидлар, мактаб ва мадрасалар бор эди. У ерларда ўқиш, ёзиш, диний ва дунёвий илмлар ўргатилган. Қишлоқ аёллари Қуръони карим ўқирдилар. Қишлоқдан етишиб чиққан олимлар ва авлиёлар жуда кўп эди.

[31] Усмонли мусулмонларининг маънавияти жуда ҳам қувватли эди. Халқ шаҳидлик даражасига эришиш учун жиҳодга ошиқарди. Ҳар намоздан кейин ва жума хутбаларида дин одамлари халифага, давлатга дуо қилар, жамоат бунга омин дерди. Аксинча, христиан қишлоқ аҳолиси эса ўқиш, ёзишни билмас, диний ва дунёвий илмлардан хабарсиз, попларнинг уйдирмаларини, афсоналарини дин деб гумон қиладиган шуурсиз ҳайвон тўдаси ҳолида эди.

[32] Исломият христианликдагидек дин билан дунё ишларини бир-биридан ажратмаган. Исломиятда дунё ишлари билан машғул бўлиш ҳам ибодатдир. Пайғамбаримиз: **«Ҳеч қачон ўлмайдигандек дунё иши учун, эртага ўладигандек охират учун ғайрат қилинг»** – деб марҳамат қилганлар. Ҳолбуки Инжилда дунёвий иш билан шуғулланиш тақиқланган.

5. Ҳукмдорларнинг диктатор ва золим бўлишлари[33].

6. Йўлларнинг нотинч, ташимачилик ва саёхат ишларининг қолоқ бўлиши[34].

7. Ҳар йили ўн минглаган кишининг ўлимига сабаб бўлувчи вабо, сил каби хасталикларга қарши тадбирсизлик ва сиххат-саломатликка, даволанишга бўлган эътиборнинг сустлиги[35].

8. Шаҳарларнинг вайроналиги ва сув тармоқларининг йўқлиги[36].

9. Давлат идорасининг осийларга ва золимларга қарши ожиз бўлиши, қонунбузарлик ва кўпириб мақташаётган Қуръон қонунларини деярли йўқ дейдиган даражада татбиқ қилишлари[37].

10. Иқтисодий инқироз, фақирлик ва қолоқлик.

11. Низомли бир аскарий қўшиннинг бўлмаслиги, қурол етишмовчилиги ва қуролларнинг ибтидоий ва содда (яроқсиз) бўлиши[38].

---

[33] Ҳукумдорлар шариатни ҳаётга татбиқ қилиш учун тинмасдилар. Европадаги қироллар каби халққа зулм қилмаганлар.

[34] Йўллар шунчалик бехатар эдики, Босниядан йўлга чиққан бир мусулмон Маккагача тинч ва пулсиз бора оларди. Йўлда қишлоқларда еб-ичиб, тунаб, ҳадялар ҳам олиб йўлига давом этарди.

[35] Ҳар жойда касалхоналар, шифохоналар бор эди. Хатто Наполеонни ҳам касалланганда Усмонийлар даволаган эди. Бутун мусулмонлар: **«Иймони борнинг, вужуди покдир»** ҳадиси шарифига уйғун яшайдилар.

[36] Бу тухматлар жавоб беришга ҳам арзимайди. Бобурий Ислом давлатида Деҳли султони Феруз шоҳ 790 (м.1388) йилда вафот этди. У барпо қилдирган 240 километрлик кенг сув каналидан сув ичиб яшнаган боғлар ва экинзорлар инглиз ишғоли натижасида хароб бўлиб, чўлга айланди. Усмоний ва Бобурий меъморчилигининг қолдиқлари ҳозир ҳам туристлар кўзини қамаштириб турибди.

[37] Тарихдан маълумки француз қироллари, тезагини Сэн дарёсига элтиб тўкувчи генералларига медал берарди. Бу ерда кофирлар, Усмонийларни ҳам ўша генераллардек бўлса керак деб гумон қилишяпди.

[38] 726 (м.1326) йилда тахтга чиққан Ўрхон Ғозий тузган низомий лашкарни ва Йилдирим Боязид хоннинг 799 (м.1399) йилда Нигболуда ер кўкни қоплаган салибчилар армиясини мағлуб ва паришон қилган мукаммал қўшинини эсдан чиқарган бўлса керак.

12. Аёллар ҳуқуқининг поймол қилиниши[39].

13. Атроф муҳит соғлиги ва тозаликнинг йўқлиги[40].

Китобда мусулмонларнинг заиф нуқталари сифатида юқоридагилар келтирилгандан кейин Ислом динининг моддий ва маънавий устунлигидан инсонларни маҳрум, бехабар ва жоҳил қолдириш кераклигини таъкидланганди. Шу билан бирга Исломийят ҳақида ушбу маълумотларга ҳам жой берилган эди:

1. Ислом бирлик ва бирдамликни амр қилиб ўзбошимчаликни тақиқлайди. Қуръонда: **«Барчангиз Аллоҳнинг ипига ёпишинг[41]»**- дейилган.

2. Ислом шуурланишни ва хабардор бўлишни амр қилади. Қуръонда: **«Ер юзини кезингиз[42]»**- дейилган.

3. Ислом илм ўрганишни буюради. Бир ҳадисда: **«Илм ўрганиш, мусулмон бўлган ҳар бир эркак ва аёл учун фарздир»**- дейилган.

4. Ислом дунёвий ишлар билан ҳам шуғулланишни амр қилади. Қуръонда: **«Улардан баъзилари. Эй Раббимиз, бизга дунёда ва охиратда ҳам яхши нарсаларни насиб қил дейдилар[43]»** дейилган.

5. Ислом истишора, яъни маслаҳатлашишни амр қилади. Қуръонда: **«Уларнинг ишлари, ўзаро мушоварат ва маслаҳат ила бўлур[44]»**- дейилган.

6. Ислом йўллар барпо қилишни, уларни тузатишни амр қилади. Қуръонда: **«Ер юзида юрингиз[45]»**- дейилган.

---

[39] Инглизларнинг тижоратдан, санъатдан, қурол-аслаҳа ва аёл ҳақларидан ҳали хабарлари ҳам бўлмаган пайтларда, мусулмон ўлкаларида бунинг аълоси мавжуд эди. Швеция ва Франция қиролларининг Усмонийлардан ёрдам сўраб илтижо қилганларини инкор эта оладиларми?

[40] Кўчалар тоза ва озода бўлиб, ҳатто тупукларни тозалаш учун махсус алоҳида вазифали ишчилар бор эди.

[41] **Оли Имрон сураси, 103-оят.**

[42] **Оли Имрон сураси, 137-оят.**

[43] **Бақара сураси, 201-оят.**

[44] **Шўро сураси, 38-оят.**

[45] **Мулк сураси, 15-оят.**

7. Ислом мусулмонларга сиҳҳатларини муҳофаза қилишни амр қилади. Бир ҳадисда: **«Илм тўртдир: 1- Диннинг муҳофазаси учун фиқҳ илми. 2- Сиҳҳатнинг муҳофазаси учун тиббиёт илми. 3- Тилнинг муҳофазаси учун сарф ва наҳв илми. 4- Вақтларнинг ўрганилиши учун астрономия илми»**-дейилган.

8. Ислом бунёдкорликни, янги нарсалар қуришни амр қилади. Қуръонда: **«Аллоҳ ер юзидаги ҳамма нарсани сиз учун яратган[46]»**- дейилган.

9. Ислом тартиб ва низомни амр қилади. Қуръонда: **«Ҳамма нарса ўлчовли, низомлидир»**-дейилган[47].

10. Ислом иқтисод, молия томонидан кучли бўлишни амр қилади. Бир ҳадисда: **«Асло ўлмайдигандек дунё учун, эрта ўладигандек охират учун меҳнат қилингиз»**-дейилган.

11. Ислом кучли қуроллар билан жиҳозланган қўшин тузишни амр қилади. Қуръонда: **«Уларга қарши кучингиз етгунича қувват ҳозирланг[48]»**- дейилган.

12. Ислом хотин-қизлар ҳуқуқига риоя қилишни ва уларни асраб авайлашни амр қилади. Қуръонда: **«Эркакларнинг аёллар устида ҳақлари бўлганидек аёлларнинг ҳам улар устида ҳақлари бор[49]»**-дейилган.

13. Ислом тозаликни амр қилади. Бир ҳадисда: **«Тозалик иймондандир»**- дейилган.

Китобда бизнинг йўқ қилишимиз, бузишимиз қатъиян лозим бўлган, мусулмонларнинг қувватли нуқталари ҳақида қуйидагилар келтирилган:

1. Ислом ирқ, тил, урф-одат, миллиятчилик таассубини йўқ қилган.

2. Фоиз, иҳтикор, зино,ароқхўрлик ва чўчқа эти тақиқланган.

[46] **Бақара сураси, 29-оят.**
[47] **Ҳижр сураси, 19-оят.**
[48] **Анфол сураси, 60-оят.**
[49] **Бақара сураси, 228-оят.**

3. Мусулмонлар олимларга қаттиқ боғланган.

4. Сунний мусулмонлар Халифани Пайғамбарнинг вакили деб билади. Аллоҳ ва Пайғамбарга хос бўлган ҳурматни халифага ҳам кўрсатишнинг фарз эканлигига ишонади.

5. Жиҳод фарздир.

6. Шия мусулмонларига кўра ғайримуслим бўлган бутун инсонлар ва суннийлар нажсдирлар.

7. Бутун мусулмонлар Исломнинг биттаю-битта ҳақ дин эканлигига иймон келтирганлар.

8. Мусулмонларнинг кўпи, яҳудий ва христианларнинг Араб яриморолидан чиқариб ташланишининг фарз эканлигига ишонадилар.

9. Ибодатларини, масалан намозни, рўзани, ҳажни... жуда бинойидек адо этадилар.

10. Шия мусулмонлари Ислом мамлакатларида черковларнинг иншо қилинишини ҳаром деб билишади.

11. Мусулмонлар Ислом ақидасига қаттиқ боғланган.

12. Шия мусулмонлар **Хумус**нинг яъни ғаниматнинг бешдан бирини олимларга берилиши фарз деб билишади.

13. Мусулмонлар фарзандларини шундай тарбия қилишадики, аждодларининг йўлидан айрилиши амри маҳол.

14. Мусулмон аёллар шундай чиройли қилиб ёпиниб олишадиларки уларга фасод ёпиштириб, орқаларидан миш-миш чиқаришни имконии йўқ.

15. Мусулмонларни ҳар куни беш марта бир жойга тўплайдиган жамоат намозлари бор.

16. Уларга кўра Пайғамбар, Али ва солиҳ инсонларнинг қабрлари муқаддас бўлгани учун ўша ерларда ҳам йиғилишади.

17. Пайғамбарнинг наслидан келган саййид ва шариф деб аталадиган кимсалар Пайғамбарни эслатадилар ва мусулмонлар назарида Пайғамбар сиймосининг давомли равишда жонли тутилишини таъминлайдилар.

18. Мусулмонлар бир жойга тўпланган вақтда воизлар ваъзлари билан уларнинг иймонларини қувватлантириб ибодатга ташвиқ қилади.

19. Амр-и бил маъруф [яхшиликни амр қилиш] ва наҳй-и анил мункар [ёмонликлардан ман қилиш] фарздир.

20. Мусулмонларнинг кўпайиши учун уйланиш ва бирдан кўп хотин билан никоҳланиш суннатдир.

21. Мусулмон учун бир инсонни Исломга киргазиш бутун дунёга ҳоким бўлишдан ҳам афзалроқдир.

22. Мусулмонлар орасида, **«Ким хайрли бир йўл очса, ҳам ўшанинг савобига, ҳамда ўша йўлда юрган ҳар кишининг савобларига ноил бўлади»** ҳадиси машҳурдир.

23. Мусулмонлар Қуръонга ва ҳадисларга жуда катта ҳурмат кўрсатади. Уларга амал қилиш жаннатга киришнинг ягона сабаби эканлигига ишонадилар.

Китоб мусулмонларнинг юқорида айтилган қувватли томонларини синдириб бузиб, заиф томонларини оммавий тус олдиришимизни тавсия қиларди ва бунга эришиш учун даркор бўлган тадбирларни қаторлаштириб тизиб қўйганди.

Заиф нуқталарни ёйиш учун қуйидагилар тавсия қилинганди:

1. Жамоатлар орасига адоват суқиш, суи занни ёйиш, ихтилофни ташвиқ қилувчи китобларни нашр қилиш йўли билан уруш, жанжалларни авж олдириш.

2. Мактаблар очиш, китоблар нашрини ман этиш. Ёқилиши ва йўқ қилиниши мумкин бўлган дин китобларини йўқотиш. Дин пешволари ҳақида ҳар турли бўҳтонлар тўқиб чиқариш билан, болаларини диний мактабларга беришдан мусулмонларни воз кечириш йўли орқали дин жоҳили бўлиб вояга етишларига замин тайёрлаш. [Бу йўл исломиятга катта зарар бермоқда.]

3-4. Уларга жаннатни мақтаб, дунё ҳаёти учун яратилмаганликларини уқтириш. Тарки дунёликни тарғиб қилувчи айрим адашган тариқатларни ёйиш, **Зуҳд**ни тавсия қилувчи Ғазолийнинг “**Иҳё-ул улум”**и, Мавлононинг “**Маснавий”**си ва Арабийнинг асарларидек китобларни ўқишни ташвиқ қилиш билан уларнинг шуурсиз қолишларини таъминлаш[50].

5. Ҳукмдорларни зулм ва диктаторлик қилишга ташвиқ қилишимиз керак: Сиз Аллоҳнинг ердаги соясисиз. Зотан Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Умавийлар ва Аббосийлардан ҳар бири куч-қувват ва қилич билан давлат идорасини қўлга киритишганди ва яна якка ўзлари ҳукмронлик қилганлар. Масалан Абу Бакр Умарнинг қиличи ёрдамида ва Фотиманинг оиласи сингари итоат қилмаганларнинг уйини ёқиш билан ҳукмдорликни қўлга киритган[51]. Умар ҳам Абу Бакрнинг тавсияси билан халифа бўлган. Усмон

[50] Тасаввуф китобларида мадҳ этилган **Зуҳд,** дунё ишларини тарк этиш дегани эмас, дунёга нисбатан тушкун бўлмаслик. Яъни ризқини шариатга уйғун равишда ишлаб топиш ва сарфлаш - ибодат қилиш каби савобдир.

[51] Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алининг “родияллоҳу анҳум” халифа бўлишларига ҳадиси шарифларда ишоратлар бор эди. Лекин уларнинг халифа бўлиш вақтлари билдирилмаган эди. Расулуллоҳ “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” бу ишда Асҳобини ўз эркларига қўйди. Халифа тайин қилишда, Асҳобнинг ижтиҳодлари уч хил бўлди. Халифалик қариндошларга қоладиган мерос моли эмасди. Энг аввал мусулмон бўлиб, бошқаларни ҳам иймонга келтирган, Пайғамбаримиз тарафидан имом қилиниб орқасида ўзлари ҳам намоз ўқиган ва бирга ҳижрат этган асҳоби бўлмиш Абу Бакрни халифа қилиб сайлаш албаттаки энг уйғуни эди. Баъзилари ҳазрати Алининг уйига бордилар. Ораларидан Абу Суфён: «Қўлингни бер! Сенга байъат қилай. Истасанг ҳамма ёқни суворий ва пиёда билан тўлдираман»- деди. Ҳазрати Али буни қабул қилмади ва: «Мусулмонларни парчаламоқчимисан? Уйдан чиқмаслигим сабаби халифа бўлиш учун эмасди. Расулуллоҳнинг вафоти мени ларзага солди, ўзимни йўқотиб қўйдим»- деди. Кейин масжидга келдилар ва ҳамманинг олдида Абу Бакрга байъат қилдилар. Абу Бакр ҳам: «Халифа бўлишни истамадим. Фитна чиқмаслиги учун ноилож қабул қилдим»- деди. Али: «Халифа бўлишга сиз ҳаммадан ҳам лоиқроқсиз”- деди. Ҳазрати Алининг ўша куни Абу Бакрни мадҳ этган сўзлари **“Саодат-и Абадия”** китобининг иккинчи қисм 23-моддасида ёзилган. Ҳазрати Умар ҳазрати Алини уйигача кузатиб қўйди. Ҳазрати Али: «Расулуллоҳдан кейин бу умматнинг энг хайрлиси, устуни Абу Бакр ва Умардир»- дер эди. Шияларнинг бўҳтонларига ва туҳматларига алданганлар, мусулмонларнинг бугунги аҳволга тушишларига сабабчи бўлди. Инглизлар бу фитнага ҳали ҳам алангалатиш учун мой сепмоқда.

эса, Умарнинг амри билан давлат ҳукмдори бўлган. Алига келсак, у ҳам қароқчиларнинг қўллаб қувватлаши билан давлат раиси бўлган. Муовия ҳам қилич билан давлатни қўлга киритган[52]. Ундан кейин Умавийларда ҳукмдорлик отадан ўғилга мерос бўлиб ўтиб келган. Аббосийларда ҳам худди шу аҳвол давом этган. Булар, Исломдаги ҳукмронликнинг зўравонлик ва диктаторлик эканлигига ёрқин далиллардир дейишимиз керак.

6. Одам ўлдирганларни идом яъни ўлимга ҳукм қилиш моддасини қонунлардан чиқариш. [Одам ўлдиришга ва қароқчиликка қарши ягона чора идом жазосидир. Идом жазоси бўлмаса анархия ва қароқчиликнинг олдини олиб бўлмайди.] Йўлтўсар ва ўғриларни жазолашдан ҳукуматни чалғитиш ва маҳрум қилиш, аксинча йўлтўсарларни қурол аслаҳа билан таминлаб қароқчилик қилишларига кенг имконлар туғдириш ва йўлларнинг ҳузурсиз хавф-хатар ўчоғи бўлиб қолишини таъминлаш.

7. Уларнинг дард ва хасталиклар ичида яшашини таъминлаш учун қуйидаги планни ишлатиб аврашимиз мумкин: «Ҳамма нарса Аллоҳнинг тақдири билан бўлади. Даволанишнинг соғайишда ҳеч бир таъсири йўқ. Аллоҳ Қуръонда: **«Раббим мени едиради ва ичиради. Хасталанганимда У менга шифо беради. Мени ўлдирувчи ва қайта тирилтувчи яна Удир[53]»-** демаганмиди? У ҳолда Аллоҳнинг иродаси бўлмаса ҳеч ким на шифо топади, на ўлимдан қутилади[54].

[52] Ҳазрати Муовия ҳазрати Ҳасаннинг байъат қилиши билан қонуний равишда халифа бўлди. **«Ҳақ сўзнинг васиқалари»** китобини ўқинг!

[53] **Шуаро сураси, 79-80-81-оятлар.**

[54] Инглизлар мусулмонларни лақиллатиш учун оят-и карималарга ва ҳадиси шарифларга нотўғри маънолар беришяпти. Касалликдан даволаниш суннатдир. Аллоҳу таоло дориларда шифо қуввати яратган. Пайғамбаримиз дориларни қўлланишни амр қилди. Шифони берувчи ва ҳар нарсани яратувчи Аллоҳу таолодир. Лекин ҳамма нарсани бир сабаб билан яратмоқда ва сабабларга ёпишишимизни амр қилмоқда. Ҳаракат қилиб, сабабларни топиб уни қўлланиш керак. «У менга шифо беради» сўзининг маъноси, менга шифо берувчи сабабларни беради демакдир. Ҳаракат қилиб сабабларни ахтариш амрдир. Пайғамбаримиз: **«Ҳар бир эркак ва аёлга ғайрат қилиб илм ўрганиш фарздир»** ва яна, **«Аллоҳу таоло, меҳнат қилиб топганларни севади»** деганлар.

8. Қонунсизлик ва зулм қилинишини йўлга қўйиш учун бундай дейиш мумкин; Ислом - ибодат динидир. Унинг давлат ишлари билан ҳечам алоқаси йўқ. Шу боис Муҳаммад ва халифаларининг на нозирлари ва на қонунлари бор эди[55].

9. Иқтисодий инқироз ҳам юқорида айтиб ўтилган зарарли ишларнинг табиий натижаси бўлади. Маҳсулотларни чиритиш, тижорат кемаларини чўктириш, бозорларни ёқиш, портларни, тўғонларни йиқитиб экин далалари ва саноат марказларини сув остида қолдириш, ғарқ қилиш ва ичимлик сув каналларини заҳарлаш йўли билан таҳриботларни орттириш мумкин[56].

10. Давлат одамларини [хотин ва спорт каби] фитна ва парчаланишга сабаб бўлувчи орзуларга; ичимлик, қимор, порахўрлик ва хазина молларини ўзлаштиришга ўргатиш; Ходимларни бу ишларни қилишга ташвиқ қилиб, бизга хизмат қилганларини мукофотлантириш лозим.

Ундан ташқари китоб қуйидагиларни ҳам тавсия қиларди: Бу ишлар билан шуғулланувчи инглиз жосусларини яширин ва очиқ йўллардан муҳофаза қилиш, улардан мусулмонларнинг қўлига тушиб қолганларини қутқариш учун керакли ҳар турли харажатларга рози бўлиш даркор.

11. Фоизнинг ҳар турини ёйиш керак. Зеро фоиз миллий иқтисодни ҳароб қилгани каби мусулмонларни Қуръоннинг ҳукмларига қарши келишга ҳам ўргатади. Чунки инсон, қонуннинг бир моддасини поймол қилгач, унинг бошқа моддаларини оёқ ости қилиши ҳам осон бўлади.

[55] Ибодат фақатгина намоз, рўза ва ҳажгина эмас, дунёвий фан, илм ва ишларни Аллоҳу таоло амр этгани учун ва шариатга мос равишда ўрганиш ва бажариш ҳам ибодатдир. Фойдали ишларни қилиш учун ҳаракатда бўлиш жуда катта савобдир.

[56] Ўзларини маданий деб санайдиган ва инсон ҳақларини тилларидан туширмайдиган инглизларнинг мусулмонларга қарши планлаган зулм ва ваҳшатига қаранг!

Уларга фоизнинг бир неча баробар кўп қилиб олиниши ҳаром эканлигини, чунки Қуръонда: **«Фоизни бир неча баробар қилиб олиб емангиз[57].»** дейилганини ва шу муносабат билан фоизнинг барча тури ҳам ҳаром қилинмаганини айтиш керак[58].

12. Олимларнинг обрўсини тўкувчи ҳар турли бўҳтонлар уйдириб, мусулмонларни улардан узоқлаштириш керак. Жосусларимиздан бир қисмини уларнинг олимлари қиёфасига киритамиз. Сўнгра буларга қабиҳ, ҳаром ишларни қилдиртамиз. Шу тариқа булар ҳақиқий олимлар орасига аралашиб кетишади, натижада халқ буларни баҳона қилиб, барча олимлардан шубҳалана бошлайди. Бу жосус-айғоқчи «олим»ларни Ал-Азҳарга, Истанбулга, Нажаф ва Карбалога суқиш шарт. Мусулмонларни олимлардан совутиш учун мактаблар, коллежлар очиб, бу ерларда рум ва арман болаларини мусулмонларга душман қилиб етиштирамиз. Мусулмон болаларининг онгини ҳам ўз ота-боболарининг саводсиз бўлганликлари тушунчаси билан заҳарлаймиз. Бу болаларни халифа, олимлар ва давлат арбобларидан совутиш учун, уларнинг хатоларини, ўз кайфу-сафолари билан машғул бўлганликларини, халифанинг жориялар [чўрилар] билан вақт ўтказиб, халқнинг молини ёмон йўлларда ишлатганлигини ва ҳеч қайсиси ҳеч бир ишда Пайғамбарга тобе бўлмаганлигини мияларига қуямиз.

---

[57] **Оли Имрон сураси, 130-оят.**

[58] Қарз берилаётганда вақт тайин қилинмайди. Тайин қилинса фоиз бўлади. Қандайдир маълум бир вақтдан кейин яна шунча миқдор тўлаши шарт қилинса, Ҳанафий (Имоми Аъзам) мазҳабига кўра бу ҳам фоиздир. Ортиғи билан қайтариш келишилса ҳам фоиз бўлади. Яъни бир дирҳам бўлса ҳам, ортиқ тўлашни шарт қўшиш катта гуноҳдир. Насия мол сотишда, тўланиш вақтини билдириш лозим. Муддати битганда тўлай олмаганлиги учун тўлаш вақти ва миқдори ошса, бунга **Мудаъоф фоиз** дейилади. Юқоридаги ояти карима тижоратдаги мана шу мудаъоф фоиз ҳақида айтилган.

13. Исломнинг аёлларга ҳақорат қилганини ёйиш учун: **«Эркаклар аёллар устидан ҳокимдир[59]»** оятини ва: **«Аёл киши тамоман бехайрдир»** ҳадисини айтамиз[60].

---

[59] **Нисо сураси, 34-оят.**

[60] Ҳадиси шарифда: **«Шариатга амал қилувчи аёл жаннат неъматларидандир. Ҳисларига уйиб, шариатга тобе бўлмаган аёл хайрсиздир»**- буюрилган. Қиз бўлсин, бева бўлсин никоҳлиси бўлмаган аёлни отаси боқишга мажбурдир. Боқмаса ҳибс қилинади. Отаси йўқ бўлса ёки камбағал бўлса, бой бўлган маҳрам ақрабоси боқади. Булар ҳам бўлмаса давлат маош ажратиши керак. Мусулмон аёлнинг ишлаб пул топишга асло эҳтиёжи йўқ. Ислом дини, аёл кишининг бутун эҳтиёжларини эркакларнинг зиммасига юклаган. Эркакларнинг бу оғир юки эвазига, мероснинг тамоми эркакка берилиши лозим бўлгани ҳолда, Аллоҳу таоло аёлларга бу ерда ҳам эҳсон қилиб ака-укаларининг ярми қадар мерос олишларини амр қилган. Эр хонимини уй ичида ёки бошқа бирор жойда ишлашга мажбур этаолмайди. Хоними истаса ва эри рухсат берса эркаклар йўқ жойда ҳижобли ҳолда ишлаши жоиз бўлса ҳам, ишлаб топгани ўз мулкидир. Ҳеч ким буни ва унга қолган меросни ва меҳрини бу хотиндан рухсатсиз олишга ҳаққи йўқ. Ўзининг ёки бола чақасининг бирор эҳтиёжи учун сарфлашга на эри, на бошқа биров мажбур қила олмайди. Бутун эҳтиёжларни эри ўзи ишлаб топиши фарз. Коммунист давлатларда аёллар ҳам эркаклар билан бир қаторда бир бурда нон учун, энг оғир ишларда ҳайвондай ишлатилмоқда. Ҳур дунё деб аталаётган христиан давлатларида ва ислом давлати деб аталадиган баъзи араб давлатларида «Ҳаёт муштаракдир, тенглик, тенг ҳуқуқлилик» деган баландпарвоз гаплар билан аёлларни ҳам заводларда, экинзорларда, тижоратда эркаклардек меҳнат қилишга мажбурлашмоқда. Кўпчилигининг турмуш қурганига пушаймон эканликлари, судларнинг ажрашиш даъволари билан тўлганлиги ҳақидаги хабар ва маълумотлар кундалик газеталарда тез-тез ёритилиб турибди. Расулуллоҳнинг “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” муборак оғзидан чиққан сўзлари уч қисмга бўлинади: Биринчиси, сўзлари ҳам маънолари ҳам Аллоҳу таолодан келганлар. Бу сўзларга **оят-и карима** ва тўпламига **“Қуръони карим”** дейилади. **«Сизларга келаётган ҳарбир фойдали, яхши нарсаларни Аллоҳу таоло тилаб юбормоқда. Ҳар ёмонлик ва зарарли нарсаларни эса нафсингиз тиламоқда, хоҳламоқда. Барчасини Аллоҳу таоло яратиб юбормоқдадир»** жумласи **“Нисо”** сурасининг 78-оятидир. Иккинчиси, сўзлари Пайғамбаримиздан маънолари эса Аллоҳу таолодан бўлган сўзларидир. Бу сўзларига **Ҳадиси қудсий** дейилади. **«Нафсингизни душман билингиз! Чунки у менга душмандир»** жумласи ҳадиси қудсийдир. Бу душманлик, нафснинг истакларига қарши чиқиш

14. Бутун кир-чир, ифлослик сувсизликдан келиб чиқади. Сув манбаларининг кўпайишига моне бўлишга ҳаракат қилиш керак.

Ушбу сирли китобда мусулмонларнинг қувватли нуқталарини заифлатиш учун қуидаги тавсиялар ҳам берилганди:

1. Мусулмонлар орасида ирқчилик, миллатчилик таассуб-ларини авж олдирасиз ва уларнинг диққатларини Исломдан аввалги қаҳрамонларига тортасиз: Мисрда Фиръавн замонини, Эронда Мажусийлик, Ироқда Бобиллик, Усмонийларда Атилла ва Чингиз замонини ихё қилиб ўшаларга рағбатларини оширасиз. [Китобда бу хусусда узун рўйхат бор эди.]

2. Мана бў тўрт нарсани очиқча ва яширинча ёйиш лозим. Булар: ичкилик, қимор, зино ва чўчқа эти [ва спорт клублари орасидаги ўзаро уруш-жанжалларни]. Бу ишларни уддалай олиш учун Ислом мамлакатларида яшайдиган христиан, яҳудий, мажусий ва бошқа ғайри муслимлардан баҳоли қудрат фойдаланиш ва бизга ёрдам берганларга Мустамлакалар Назоратининг бюджетидан маош бериш лозим. Бу учун эса, сиёсий фирқаларнинг ва спорт клубларининг кўпайишини таъминлашимиз керак. Партиялар ва клублар орасида ўзаро адоват уруғлари экамиз. Натижада, бир бири билан

деганидир. Учинчиси эса, сўзлари ҳам маънолари ҳам Пайғамбаримизга оид бўлганлари. Буларга **Ҳадиси шариф** дейилади. **«Шариатга тобе бўлган аёл, Жаннат неъматларидандир. Нафсига уйган аёл эса, шаррдир, бехайрдир»** жумласи ҳадиси шарифдир. Муҳйиддини Арабий ҳазратлари **"Мусомарот"** китобининг биринчи жилдида бу ҳадиси шарифни изоҳлаганлар. Инглиз жосуси ҳадиснинг бош тарафини яшириб бу ерда фақатгина охирини айтган. Бутун дунё аёллари шояд Ислом динининг уларга берган қиймат, ҳурмат, эътиборни, озодликни, ҳузур-ҳаловатни ажрашиш ҳаққига эга эканликларини билсалар эди, дарҳол мусулмон бўлиб, Исломиятнинг ҳар мамлакатга ёйилиши учун ҳаракат қилардилар. Афсуски бу ҳақиқатларни тушуниб етмаяптилар. Аллоҳу таоло бутун инсонларга ислом динининг нурли йўлини тўғрилигича ўрганишни насиб айласин!

тортишиб, ғижиллашиш ва бир бирини ғийбат билан овора бўлиб, ҳақиқий диний китобларни топиб ўқиш, динларини ўрганишдек ҳаёт-мамот ишларига вақт тополмай қолишади. Овланган (қўл остига кирган) одамларга кундалик газета ва журналлар чоп қилдириб нашриётларини катта пул ва манфаатлар билан таъминлаймиз. Бу нашриётлар орқали бизга сотилган одамларни халоскор, қаҳрамон деб мадҳ эттирамиз. Шариатни ва шариатга амал қилувчи давлат арбобларини қоралаймиз. Дин тарбиясининг булоғи бўлган оилани бузишга ҳаракат қиламиз. Бу учун спорт, кураш деган баҳоналар билан уят жойлари очиқ формали қиз ва ўғлонларнинг расмларини бостириб, ёшларни ахлоқсизликка, фуҳшга, бачабозликка ва жинсий бузуқликка гирифтор қиламиз. Ислом ахлоқини бузгандан кейин Исломиятни йўқ қилиш осонлашади. Жуда кўп масжидлар барпо қиламиз. Лекин масжидларда муллаларни эмас миссионерларни ва мазҳабсизларни гапиртирамиз, ваъз бердиртамиз. Диний мусиқа деган баҳона билан чолғу, ашула ва радиоларни масжидларга ҳам олиб кирамиз. Масжидлардан тузоқ сифатида фойдаланамиз. Масжидга борадиган ва хотин-қизи ҳижобда юрадиган давлат арбоблари ва ҳарбийларни жосусларимиз аниқлашади ва булар вазифаларидан бўшатилади. Шариатга амал қилувчи ёшлар университетларга олинмайди, ўқиётганларнинг диплом олишларига тўс-қинлик қилинади. Секретар бу маълумотларни жуда махфий тутишни, ҳатто наждлик Муҳаммаддан ҳам сир тутишимизни қаттиқ тайинлади. Мен [ҳозир сиз ўқиётган] ушбу хотираларимни судга топшириб, эллик йил ўтмасдан аввал очилмай сақланишини васият қилдим. [Шуни яхши тушуниш лозимки, масжид деб гумбази ва минораси бўлган ҳар бир бинога айтилмайди. Аксинча ичида ҳар куни беш вақт жамоат билан намоз ўқиладиган макон қандай услубда қурилганлигидан қатъий назар масжид деб аталади. Намоздан аввал ёки сўнгра жамоатга ваъз бериш ҳам жоиздир.

Ваъз деб, аҳли суннат эътиқодидаги мусулмоннинг аҳли суннат олимларидан бирининг китобидан ўқиб эшиттириши ёки ёддан айтиб беришига айтилади. Мазҳабсизларнинг, инглиз жосусларининг ва миссионерларнинг маърузаларига ваъз эмас, балки нутқ ва конференция бериш дейилади. Масжидларда нутқ ва конференция бериш ва уни тинглаш асло жоиз бўлмайди. Аҳли суннат олимларининг ҳар бир сўзи Қуръони карим ва ҳадиси шарифларнинг тафсирлари, изоҳларидир.]

3. Жиҳоднинг, муваққат, яъни вақтинчалик фарзлар жумласидан эканлиги, ҳозир эса вақти ўтганлиги сабабли фарз бўлишдан чиққан амалга айланганлигини талқин қиласиз.

4. Шияларнинг онгидан кофирларнинг нажс эканлигини чиқариб ташлайсизлар. Қуръонда: **«Ўзларига китоб юборилганларнинг таомлари сизлар учун ҳалол бўлганидек сизнинг таомларингиз ҳам улар учун ҳалолдир[61]»** дейилганлигини ва Пайғамбарнинг София исмли яҳудий, Мария исмли христиан аёллари бўлганлигини, ўша Пайғамбар завжаларининг асло нажс бўлмаслигини айтасиз[62].

5. Пайғамбарнинг Ислом борасидаги мақсади фақатгина Ислом дини эмас балки исмидан қатъий назар Аллоҳдан келган бирон дин эканлигини ва бу диннинг яҳудийлик ва ёки христианлик ҳам бўлиши мумкинлиги фикрини уларнинг миясига сингдиринг. Бунга далил сифатида: «Қуръон ҳар дин мансубларини мусулмон деб атаган. Масалан Қуръонда

[61] **Моида сураси, 5-оят.**

[62] Инглизнинг яҳудий деб айтаётган пайғамбар аёли ҳазрати София мусулмон бўлган эди. Мисрлик Мария эса Расулуллоҳнинг муборак хонимларидан эмасди, жория эди. У ҳам мусулмон бўлган. Жанозасини эса халифа Умар "родияллоҳу анҳ" ўқитган. Аҳли суннат эътиқодига кўра христиан аёл жория ҳам, завжа ҳам бўла олади. Шиялар эътиқод қилгандай кофирларнинг ўзлари нажс эмас, аксинча эътиқодлари бўлган куфри нажсдир.

Юсуф пайғамбарнинг: **«Мени мусулмон ҳолимда ўлдир[63]»**, Иброҳим ва Исмоил пайғамбарларнинг: **«Эй Раббимиз, бизни ўзингга мусулмон қилгин ва зурриётимиздан Сенга мусулмон бўлувчи бир уммат чиқаргин[64]»**, Яъқуб пайғамбарнинг ҳам ўғилларига: **«Фақат ва фақатгина**

[63] Ҳар бир пайғамбарнинг Аллоҳу таолодан келтирган маълумотларига ишонишга **Иймон** дейилади. Иймон келтириш лозим бўлган маълумотлар иккига бўлинади: Фақат ишониш лозим бўлган билимлар ва ҳам ишониб, ҳамда бажариш лозим бўлган билимлар. Булардан биринчи қисм билимлар иймоннинг асли бўлиб, олти шартдан иборатдир. Барча пайғамбарлар билдирган иймон асослари бутун динларда ягона ва айни шартлардан иборат эди. Бугун ислом душманларининг, илгарилаган (замонавий) деб тақлид қилишга ва уларга ҳавас қилиб, ўхшашга тиришаётган ўрнак одамлари бўлган яҳудийлар, христианлар, дунё фан одамлари, давлат арбоблари, қўмондонлар барча барчаси охиратга, яъни ўлгандан кейин қайта тирилишга, жаннатга, жаҳаннамга ишонмоқда. Ўзларини ўқимишли, маданиятли, замонавий деб таърифлаётган ва уларни тақлид қилиш учун ҳар мақомга йўрғалаётган дин жоҳилларининг мақсадлари чиндан ҳам ўшаларга ўхшаш бўлса, унда худди ўшалардек охиратга, қиёматга, жаннат жаҳаннамга ишонишлари керак бўлмайдими? Ҳар пайғамбарнинг шариатлари яъни амр ва тақиқлари бир-биридан фарқлидир. Иймон келтириб шариатга тобе бўлишга **Ислом** дейилади. Шариатлари фарқли бўлгани учун ҳар Пайғамбар замонидаги ислом бир хил эмасди. Расул келганда янги бир **Исломият** келиб, эски Пайғамбарлар замонидаги исломиятнинг ҳукмлари ўз кучини йўқотади. Сўнгги Пайғамбар бўлмиш Муҳаммад алайҳиссалом келтирган Ислом қиёматгача давом этади. Аллоҳу таоло Оли Имрон сураси 19- ва 85-оятларида яҳудийларга ва христианларга эски исломликларига оид эътиқод ва амалларини ташлашни амр қилган. Муҳаммад алайҳиссаломга тобе бўлмаганларнинг Жаннатга киролмаслиги, абадий Жаҳаннамда қолишларини билдирган. Иброҳим, Исмоил, Юсуф ва Якуб пайғамбарлар ўз замонларида мўтабар бўлган исломни истагандилар. Ўша динлардан барчаси бошқа-бошқа шариатларга ва ўз замоналарига хос алоҳида ҳукмларига эга эди. Ўша мусулмонликлар, яъни динлар ва черковларга бориш энди мўтабар эмас. Чунки Муҳаммад алайҳиссаломга берилган Ислом дини келиши билан уларнинг мўтабарлик муддати битди. Бу хусусда арабча **"Ал-анвор"** китобининг охиридаги Зарқонийнинг **"Мавоҳиб"** шарҳида батафсил билдирилган. Жомиъул-азҳар мударрисларидан Муҳаммад Зарқоний Моликий 1122 [м. 1710] йили вафот этди.

[64] **Бақара сураси, 128-оят.**

мусулмон ҳолда ўлингиз[65]»- деган сўзлари келтирилган»- деб айтинг.

6. Черков қуришнинг ҳаром эмаслигини, Пайғамбар ва халифалари уларни бузмаганлиги, аксинча уларга ҳурмат кўрсатганликларини ва Қуръонда: **«Агар Аллоҳ одамларнинг бир кисмини бошқалари билан даф этмаганда монастир, черков, хавралар ва ичида Аллоҳнинг исми кўп зикр қилинадиган жомелар йўқ бўлиб кетарди[66]»-** дейилганини, Исломнинг ибодатхоналарга ҳурматкор эканлигини, уларни бузмаганлиги ва бузмоқчи бўлганларни ҳам қайтарганини қайта-қайта уқдиринг.

7. **«Яҳудийларни Араб яриморолидан чиқарингиз»** ва **«Араб яриморолида икки дин бўлмайди»** ҳадислари ҳақида мусулмонларни иккилантириб шубҳага соласизлар ва «Агар бу икки ҳадис саҳиҳ бўлганида, Пайғамбарнинг бири яҳудий, иккинчиси христиан икки аёли бўлмасди ва Нажрон христианлари билан ҳам битим қилмасди[67]»- дейсизлар.

8. Мусулмонларнинг ибодат қилишларига тўсқинлик қилишга ҳаракат қилинглар ва «Аллоҳ инсонларнинг ибодатларига муҳтож эмас»- деб уларни ибодатнинг фойдалари ҳақида тараддудга туширинг[68]. Ҳаж ва жамоат билан намоз ўқиш каби уларнинг бошлари йиғиладиган ибодатларга чек қўйинг! Худди шунингдек масжидларнинг, мақбараларнинг ва мадрасаларнинг барпо қилинишига ва Каъбанинг таъмир ишларига ҳам моне бўлишга ҳаракат қилинглар.

[65] **Бақара сураси, 132-оят.**

[66] **Ҳаж сураси, 40-оят.**

[67] 70-саҳифадаги, 62-изоҳга қаранг!

[68] Ибодатлар, Аллоҳу таоло амр қилгани учун бажариляпти. Тўғри, Аллоҳу таоло бандаларининг ибодатларига муҳтож эмас. Аммо бандалар ибодат қилишга муҳтождирлар. Инглизлар ўзлари пода-пода бўлиб черковга борадилару мусулмонларнинг масжидларга боришига тўсқинлик қиладилар. Уларнинг “маданият”ларига қаранг!

9. Ҳарбда душмандан ғанимат қилиб олинган молнинг бешдан бирини, яъни [Хумуснинг], олимларга берилишини, динга асосланмаган деб тарғиб қилиб, буни тижорий фойда билан ҳеч қандай алоқаси йўқ деган фикрни ёясиз. Сўнгра «Хумус Пайғамбарларга ёки халифага берилади, олимларга эмас. Зеро олимлар ўша пулга уйлар, саройлар, моллар ва боғу-роғлар оляптилар. Шунинг учун Хумусни уларга бериш жоиз бўлмайди»- деб уқдирасиз!

10. Мусулмонларнинг ақидаларига бидъат аралаштириб, Исломни қолоқлик ва террор дини деб айбланглар. Ислом мамлакатларининг ривожланмагани, ҳар хил муаммоларга беланиб қолганини мисол тариқасида келтириш билан уларнинг Исломга бўлган ишончларини заифлатинг. [Ҳолбуки, мусулмонлар дунёнинг энг буюк маданий давлатларини қургандилар. Аксинча динга бўлган эътиборлари заифлаган сари ўзлари ҳам қолоқлашиб, заифлашиб бордилар.]

11. Ёшлар жуда ҳам муҳим! Болаларни оталаридан узоқлаштириш орқали уларни катталарнинг диний тарбияларидан маҳрум қолдиришга ҳаракат қилинглар. Уларни биз ўзимиз етиштиришимиз керак. Шундагина ёшлар оталарининг тарбияларидан узоқлашиб ўзлигидан ақидаларидан, динлари ва олимларидан узоқлашадилар.

12. Хотинларни йўлдан уриб, ҳижобларини очтиришга ҳаракат қилинг. Сабабини сўрасалар, «аслида ҳижоб диннинг ҳақиқий амрларидан эмас. У кейинроқ Аббосийлар замонида русум бўлган бир урф-одат эди холос», – денглар. «Шу боис Исломнинг бошланғичида эркаклар Пайғамбарнинг хонимларини кўришар ва аёллар ҳам барча тадбирларда иштирок этишарди» – денглар. Хотин-қизларни ҳижобдан яланғочлагач, эркакларни уларга майл қилдириб, ораларида фасод ҳосил бўлишини таъминлайсиз. Мусулмонликни йўқотишда бунга тенг келадиган таъсирлироқ ўзга қувват йўқ. Аввало бу ишни ғайри муслим аёлларга ишлатиш керак, кейинчалик уларнинг беҳаёлигига кўзи ўрганган мусулмон

аёллар ҳам ўзлигидан бузилиб, уларнинг қилган ишларини қила бошлайди[69].

[69] Ҳижоб ояти келишидан аввал хотинлар очиқ юрардилар, Расулуллоҳга келиб билмаганларини сўраб ўрганардилар. Расулуллоҳ бирининг уйига борса, хотинлар ҳам келиб ўтириб, эшитиб, динларини ўрганарди. **“Байзовий”**да ва **“Бухорий”**нинг тафсир бобида билдирилганидек ҳижратдан уч йил ўтгач, **“Азҳоб”** ва беш йил ўтгач **“Нур”** сураларидаги ҳижоб оятлари келиб, хотинларнинг бегона (номаҳрам) эркаклар ёнида ўтиришлари, улар билан гаплашишлари тақиқланди. Бундан кейин Расулуллоҳ мусулмон аёлларга билмаганларини муборак завжаларидан сўрашларини буюрдилар. Кофирлар ҳижоб оятининг кейин келганлигини, аёлларнинг кейин ҳижобга кирганликларини яшириб, мусулмонларни чалғитмоқда.

Расулуллоҳнинг муборак завжалари Умму Салама “родияллоҳу анҳа” айтадиларки: «Муборак хонимларидан Маймуна “родияллоҳу анҳа” билан бирга Расулуллоҳнинг “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” ёнларида эдик. Ибни Умми Мактум “родияллоҳу анҳ” рухсат сўраб ичкарига кирди. Расулуллоҳ “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” шунда бизга: **«Парда орқасига ўтингиз»**- деб марҳамат қилдилар. Биз: «У кўр эмасми? Бизни кўра олмайдику”»- дедик. Ўшанда: **«Сиз ҳам кўрмисиз? Уни кўрмаяпсизми?»**-дедилар, яъни у кўр бўлса ҳам, сиз кўр эмассизку дегандилар.» Бу ҳадиси шарифни имоми Аҳмад, Термизий ва Абу Довуд “раҳима-хумуллоҳу таоло” билдирдилар. Бу ҳадиси шарифга кўра эркакнинг бегона аёлларга қараши ҳаром бўлгани каби аёлларнинг ҳам бегона эркакка қараши жоиз эмас. Мазҳаб имомларимиз бу хусусдаги бошқа ҳадиси шарифларни ҳам келтиришиб: **«Аёл киши учун, бегона эркакларнинг аврат жойларигагина қараши ҳаромдир»-** дедилар. Бу амрни бажариш осон. Мана шундай осон бўлган амр ва тақиқларга **Рухсат** дейилади. Аёл кишининг, эркакларнинг бошларига, сочларига қараши макруҳдир. Булардан сақланиш қийин. Қийин бўлган амрларни бажаришга **Азиймат** дейилади. Эркакнинг аёл учун аврат жойи, тиззаси билан киндик орасидир. Бундан кўриниб турибдики азвожи тоҳирот “родияллоҳу таоло анҳунна” оналаримиз ва Асҳоби киром “родияллоҳу анҳум” азийматларгача амал қилиб, рухсатлардан тийилардилар. Исломиятни ичидан йиқитмоқчи бўлаётган **зиндиқ**лар ҳижоб оятлари келишидан аввалги аёлларнинг ёпинмаганликларини рўкач қилиб: «Пайғамбар замонида аёллар ёпинмаган. Ҳозиргиларга ўхшаб ўраниб олиш у пайтларда бўлмаган. Ҳазрати Оиша кўчаларда боши очиқ ҳолда юрарди. Ҳозиргилардек рўдаполикни кейинчалик аъқидапарастлар, фиқҳчилар ўйлаб топишган»- дейишади. Бу гапларининг қанчалик ёлғон ва бўҳтон эканлигини юқоридаги ҳадиси шариф очиқча кўрсатиб турибди.

Аллоҳу таолонинг амр-ларини ва тақиқларини билдирган тўрт ҳақ мазҳаб, эркакларнинг **аврат жойи**ни, яъни қараши ва бошқаларга кўрсатиши ҳаром бўлган аъзоларини бир биридан фарқли қилиб билдирганлар. Ҳар мусулмоннинг ўз мазҳабига кўра аврат жойларини ёпиши фарздир. Бошқа бировнинг аврат жойига қараш ҳаромдир. **“Ашиъат-ул-ламаъот”** китобидаги ҳадиси шарифда: **«Эркак эркакнинг, аёл ҳам аёлнинг авратига қарамасин»**- деб буюрилди. Ҳанафий мазҳабида эркакнинг эркак учун ва аёлнинг аёл учун аврат жойи тиззаси билан киндиги оралиғидир. Аёлнинг бегона эркак учун аврат жойи, кафти ва юзидан бошқа бутун баданидир. Аёл кишининг сочлари ҳам авратдир. Аврат жойига шаҳватсиз қараш ҳам ҳаромдир.

«Бир аёлга кўзингиз тушса, унга қараманг, дарҳол нигоҳингизни бошқа тарафга олинг. Тўсатдан кўзга чалиниши гуноҳ бўлмаса ҳам, такрор қараш гуноҳ бўлади». «Ё Али! Авратингни очма! Ҳоҳ ўлик, ҳоҳ тирик, ҳеч кимнинг аврат жойига боқма!» **«Аврат жойини очганга ва бошқасининг авратига қараганга Аллоҳ лаънат этсин!» «Ўзини бир қавмга ўхшатган кимса, ўшалардан бўлади».** Бу ҳадиси шариф кўрсатиб турибдики, ахлоқини, ишларини ёхуд кийимини ислом душманларига ўхшатадиганлар ўшалардан бўлиб саналади. Модага, яъни кофирларнинг ёмон одатларига эргашувчилар, ҳаромларга «бадий санъат» ва ҳаром ишлайдиганларга «санъаткор» дейдиганлар бу ҳадиси шарифдан ибрат олишлари керак бўлади.

“Кимё-и саодат” китобида айтиладики: «Аёлларнинг, қизларнинг; боши, сочи, қўллари, оёқ ва болдирлари очиқ ҳолда кўчага чиқишлари ҳаром бўлганидек юпқа, ичи кўринадиган, тор, безакли ва ёхуд хушбўй ҳидли кийимлар кийган ҳолда ташқарига чиқишлари ҳам ҳаромдир. Бу аҳволда кийиниб кўчага чиқишларига рухсат берган, рози бўлган ота-онаси, эри, ака-укалари ҳам унинг гуноҳига шерик бўладилар.» Яъни Жаҳаннамда бирга ёнадилар. Тавба қилсалар, гуноҳлари кечирилади. Аллоҳу таоло тавба қилгувчиларни севади.

Мусулмонман деган ҳар бир инсон қилаётган ҳар бир ишининг шариатдаги ўрнини ва ҳукмини билишга мажбурдир. Билмайдиган бўлса, бирор Аҳли суннат олимидан сўраб ёки ўша олимларнинг китобларидан ўқиб ўрганиши лозим. Иши шариатга уйғун бўлмаса, гуноҳ ёки куфрдан қутила олмайди. Ҳар куни ҳақиқий тавба қилиши лозим. Тавба қилинган гуноҳ ва куфр муҳаққақ авф қилинади. Тавба қилмаса, дунёда ва жаҳаннамда азобини, жазосини тортади. Бу жазолар китобимизнинг турли жойларида билдирилган.

Эркаклар ва аёлларнинг намозда ва бошқа жойларда ёпиши лозим бўлган узвларига **Аврат жойи** дейилади. Аврат жойини очиш ва бошқаларнинг аврат жойига қараш ҳаромдир. «Исломиятда аврат жойи йўқ» деган кимса

13. Масжид имомларига фосиқ деб тухмат қилиш, хатоларини ошкор қилиш ва бошқа ҳар хил йўллар орқали улар билан жамоатлари орасига адоват солиш, шу тариқа жамоат билан намоз ўқишни таг-томири билан йўқотишга ҳаракат қилинглар.

14. Пайғамбар замонида бўлмаганлиги ва бидъат эканлигини даво қилиб, бутун мақбараларни бузиш лозимлигини укдиринглар. Шу билан бирга Пайғамбар, халифалар ва солиҳ инсонларнинг қабрлари ҳақида одамларни шубҳага солиб уларни зиёрат қилишни ман қилинглар. «Пайғамбар ўз волидасининг ёнида, Абу Бакр ва Умар (Боқий) қабристонида дафн қилинган, Усмоннинг қабри номаълум, Ҳусайннинг боши **Ҳаннона**да дафн қилинган, жасаднинг қаерга дафн қилингани маълум эмас. **Козимия**даги қабрлар ҳам Пайғамбарнинг авлодидан бўлган Козим ва Жаводнинг қабрлари эмас, аксинча икки халифанинг қабридир. Тусдагиси эса, аҳли байтдан Ризонинг қабри эмас, Ҳоруннинг қабридир. Самаррадагилар Аббосийларга хос бўлиб, аҳли байтдан Ҳодий, Аскарий ва Маҳдийнинг қабри эмас. Мусулмон ўлкалардаги барча мақбара ва гумбазларни

кофир бўлади. Ижмо билан яъни тўрт мазҳабда ҳам аврат бўлган бирон аъзони очишга ва бошқаларининг аврат жойига қарашни ҳалол деб, аҳамият бермаган, яъни азобидан қўрқмаган кимса, кофир бўлади. Аёлларнинг аврат жойларини очишлари ва эркаклар бор жойда қўшиқ айтишлари ва мавлид ўқишлари ҳам ўша ҳукмга тааллуқлидир. Эркакларнинг сонлари Ҳанбалий мазҳабида авратга кирмайди.

“Мусулмонман”деган кимсага иймоннинг ва исломнинг шартларини ва тўрт мазҳабнинг ижмо билан яъни сўзбирлиги (иттифоқ) билан билдирган фарзларини ва ҳаромларини билиши ва аҳамият бериши лозим. Буларни билмаслик узр бўлмайди, яъни билиб туриб ишонмаган билан бирдай бўлади. Аёлларнинг юзлари ва кафтларидан бошқа бутун аъзолари тўрт мазҳабда ҳам авратдир. Ижмо билан бўлмаган, яъни нариги уч мазҳабнинг бирига кўра аврат деб қабул қилинмаган бирор узв аҳамият берилмай очилса, кофир бўлмайди, лекин ўз мазҳабига кўра катта гуноҳ бўлади. Эркакларнинг сонларини очишлари мана шу ҳукмга тобедир. Билмаганини ўрганиш фарздир. Билгандан кейин тезда тавба қилиб очиқ аъзоларини ёпиши лозим.

бузиш фарз бўлганидек Мадинадаги Боқий қабристонини ҳам йўқ қилиб текислаб ташлаш керак»- денглар!

15. «Саййидлар – Пайғамбар авлодидир» деган эътиқод хусусида инсонларни тараддудга, гумонга тушириш керак. Саййид бўлмаган кимсаларга ҳам қора ва яшил саллалар ўратилиб саййидлар сулоласига бегоналарнинг аралашиб кетишини таъминлаш керак. Шундагина халқ, бу мавзуда чалғиб, саййидлар ҳақида су-и зан [ёмон гумон] қила бошлайди. Бундан ташқари дин пешволари, муллалар ва саййидларнинг салла ўрашини тақиқлайсиз. Қарабсизки шажара ва насаблари йўқолиб, муллалар ҳам халқдан ҳурмат кўрмайдиган бўлиб қолишади[70].

---

[70] Буюк олим Саййид Абдулҳаким Арвосий “раҳматуллоҳи алайҳ” Истанбулда ёзган **«Асҳоб-и киром»** рисоласида марҳамат қиладиларки: «Расулуллоҳнинг муборак қизлари ҳазрати Фотима орқали қиёматгача давом этадиган авлодлари Аҳли байтдирлар. Буларни осий бўлсалар ҳам севмоқ лозим. Буларни севиш қалб билан, бадан билан ва мол билан ёрдам бериш, ҳурмат ва ҳақларига риоя қилиш, инсоннинг иймон билан жон таслим қилишига сабаб бўлади. Суриянинг Ҳамо шаҳрида саййидлар учун махсус маҳкама бор эди. Мирсдаги Аббосий халифалари замонида, Ҳасаннинг «родияллоҳу таоло анҳ» авлодларига «Шариф» исми берилиб оқ салла ўрашлари, Ҳусайннинг «родияллоҳу таоло анҳ» авлодига «Саййид» исми берилиб, яшил салла ўрашлари қарорлаштирилган эди. Бу муборак сулоладан туғилган муборак болалар, икки гувоҳ ёнида ҳоким ҳузурида рўйхатга олинарди. Султон Абдулмажид Хон «раҳматуллоҳи таоло алайҳ» замонида масон бўлган Рашид Пошо, инглизларнинг амри билан бу маҳкамаларни бекор қилди. Насли паст ва мазҳабсиз бўлганларга ҳам саййид дейила бошлади. Уйдирма ажам саййидлари ҳар тарафга ёйилди. **«Фатово-и ҳадисия»** китобида айтиладики: «Исломиятнинг илк замонларида Аҳл-и байтдан бўлганларнинг ҳаммасига Шариф дейиларди. Масалан «шариф-и Аббосий», «шариф-и Зайналий» каби. Фотимий султонлари шия эди. Шунинг учун улар фақат Ҳасан ва Ҳусайн авлодига «шариф» дедилар. Мисрдаги туркман султонларидан Ашраф Шаъбон бин Ҳусайн 773 [м. 1371] йилда саййидларнинг шарифлардан ажралиб туриши учун яшил салла ўрашларини амр қилди. Бу одатлар ҳар ерга ёйилган бўлса ҳам, шарий қиймати йўқдир.» **«Миръот-и коинот»** китобида ва **«Мавоҳиб-и Ладуннийя»**нинг туркча таржимасида ва Зарқоний шарҳида, еттинчи мақсаднинг учинчи фаслида, бу хусусда тафсилот бор.»

16. Шияларнинг мотамгоҳларини бузиш фарз эканлиги, чунки бидъат ва залолат эканлиги, Пайғамбар ва халифалари замонида бундай нарсалар бўлмаганини айтиш керак. Инсонларнинг у жойларга боришини ман этиш, воизларнинг сонини камайтириш, воизлардан ва мотамгоҳ эгаларидан солиқ олиш даркор.

17. Бутун мусулмонларга эркинлик, ҳуррият деган шиорлар баҳонасида: «Ҳар бир инсон хоҳлаган ишини қилиши мумкин. Амр-и маъруф ва наҳй-и мункар ва Ислом аҳкомини ўргатиш фарз эмас»- денглар. [Ҳолбуки Исломиятни ўрганиш ва ўргатиш фарз бўлиб, мусулмонларнинг биринчи вазифасидир.] Ва яна шуни уларнинг онгига қуйиш керакки: «Христианлар ўз динларида, яҳудийлар ҳам ўз динларидадир. Ҳеч ким ҳеч кимнинг қалбини ўзгартира олмайди. Амр-и маъруф ва наҳй-и мункар халифанинг вазифасидир.»

18. Мусулмонларнинг кўпайишига моне бўлиш учун, туғишни чеклаш ва бирдан ортиқ хотин билан уйланишга тўсиқ бўлиш керак. Никоҳни баъзи шартларга боғлаш, масалан: «Араб эронлик билан, эронлик араб билан, турк ҳам араб билан оила қуриши мумкин эмас»- каби қонун - қоидалар чиқариш мумкин.

19. Исломнинг ёйилишига ва мусулмон бўлмаганларга ўргатилишига, тарғиб қилинишига қатъиян йўл бермаслик керак. Ислом ёлғиз арабларнинг дини, деган тушунчани ёйиб, онгларга сингдириш керак. Бунга далил сифатида Қуръондаги: **«Бу (китоб) Ўзинг ва қавминг учун бир зикрдир»**- оятини келтириш керак.

20. Савоб учун қурилган Хайрия муассасаларининг ҳажми қисқартирилиб, барчасини давлатга оид ҳолга келтириш ва буни шу даражага етказиш керакки, халқ масжид, мадраса ва шунга ўхшаш хайр муассасаларини қуришга қурби етмайдиган ҳолга тушсин.

21. Мусулмонларни Қуръондан шубҳалантириш мақсадида, ичида камчилик ва ортиқчаликлар бўлган, ўзгартирилган Қуръон таржималарини чоп этиб, айтасизки: «Қуръон бузилибди. Бир бирига ўхшамайди. Бирида бўлган оят бошқасида йўқ.» Яҳудий, христиан ва бошқа ғайри муслимларни таҳқирловчи ва жиҳодни, амр-и маъруфни, наҳй-и мункарни амр қилувчи оятларни Қуръондан чиқариб ташланглар[71]. Қуръонни бошқа тилларга, мисол учун туркча, форсча, ҳиндча ва бошқа тилларга таржима қилиб, Араб мамлакатларидан бошқа ерларда унинг арабча ўқилишига тўсқинлик қилинглар ва яна бу давлатларда Азон, Намоз ва Дуоларнинг арабча ўқилишига чек қўясиз.

Худди шу тарзда ҳадислар ҳақида ҳам мусулмонларни шубҳага туширасизлар. Қуръон учун режаланган таржима, танқид ва таҳрирни ҳадисларга ҳам тадбиқ қилиш лозим.

“Исломни қандай емира оламиз” деган бу китоб ҳақиқатан жуда мукаммал эди. Эндиликда олиб борадиган ишларимизда бизга тенги йўқ раҳбар эди. Секретарга китобни топшириб мамнуниятимни билдирганимда менга: «Билиб қўйки, бу майдонда ёлғиз эмассан. Сенга ўхшаган жуда кўп одамларимиз бор. Бу иш билан шуғулланиш учун ҳозиргача

---

[71] Инглизлар бу ишларида муваффақ бўла олмадилар. Чунки Қурони каримни ўзгаришлардан Аллоҳу таоло муҳофаза қилмоқда. Инжилни эса муҳофаза қилишга ваъда бермаган. Шунинг учун сохта Инжиллар ёзилди. Булар ҳам ўтган вақт мобайнида жуда катта ўзгаришларга учради. Буларга дастлабки ўзгартиришни Болиус[Павлос] исмли бир яҳудий киритди. Ҳар асрда, асосан Истанбулдаги Рум императорларининг биринчиси бўлмиш Константин тарафидан 325 йили Изникда [Никея] тўплатилган 319та попдан иборат ҳайъат, Инжилларга катта ўзгартиришлар киритди. 931(м.1524) йилда немис попи Мартин Лютер **«протестант»** мазҳабига асос солди. Рим Папасига тобе бўлган христианларга **Католик** дейила бошлади. Католик ва Протестантларнинг бир-бирига қилган қонхўрликлари, Сант Варфоломей қирғини, Шотландия жиноятлари ва Инквизиция судларидаги фожеалар, ноҳақликлар христиан тарих китобларида ҳам қайд этилган. 446 (м.1054) йилда Истанбул [у пайтда Константинополь эди]¬ папаси Михаил Киролариус Пападан ажраб чиқиб **Ортодокс** [Православ] черковига асос солди. Милодий 571 йилда ўлган Яъқуб[Яков] **Сурёний** фирқасини, 405 йилда оламдан ўтган Марон Сурияда **Мароний** фирқасини, Америкалик Шарл Русселин 1872 йилда **Яҳова шохидлари** фирқасини қурди.

Нозирлигимиз беш минг кишини вазифалантирди, яқинда Нозирлик бу рақамни юз мингга етказишни мўлжаллаяпти. Юз минг кишилик куч билан ишга киришганимизда, мусулмонларнинг тамомига ҳоким бўлиб, бутун Ислом мамлакатларини бўйсундирган бўламиз.»

Секретар кейин сўзларига бундай давом этиб: «Сенга яна бир хушхабарни ҳам билдириб қўяйин, бу программани амалга ошириш учун бизга кўпи билан бир асрлик вақт кифоя қилади. Биз у кунларни кўрмасак ҳам, албатта болаларимиз кўради. Мана бу ибратли сўз нақадар тўғри: «Бошқаларнинг экканини едим, у ҳолда мен ҳам бошқалар учун экаман». Инглизлар бу ишни амалга оширсалар, бутун христианлар оламини шод қилган ва уларни ўн икки асрлик балодан холос қилган бўлишади. Чунки, асрлар бўйи давом этган салибчи муҳорабалари [салб юришлари] ҳеч қандай фойда келтирмади. Мўғуллар [Чингиз лашкари] ҳам Исломни таг-томири билан йўқотиш учун бирор арзигулик нарса қилди деб айта олмаймиз.Чунки, уларнинг қилган ишлари бир лаҳзалик ва плансиз эди. Улар душманликларини ошкор қилувчи ҳарбий йўлни, яъни жанг йўлини танладилар. Шу туфайли тезда чарчаб қолишди. Бироқ ҳозирги давлатимизнинг эҳтиромли арбоблари Исломни ғоят пухта ва мукаммал планлар ва сабрлилик билан ичкаридан емириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Ҳарбий куч ҳам ишлатишимиз керак бўлиши мумкин. Лекин бу иш, энг сўнгги босқичда, яъни Исломни емириб битгандан кейин ва ҳар тарафини заҳарлаб ҳеч қачон қайта ўзига келолмайдиган ва биз билан жанг қила олмайдиган ҳолатга келгандагина бўлади»- деди.

Секретар гапига қуйидагича якун ясади: «Истанбулдаги ходимларимиз жуда ақлли бир иш қилибдилар, яъни планларимизни айнан амалга оширишга муваффақ бўлибдилар. Нима қилибдилар денг: Муҳаммадийларнинг ораларига кириб уларнинг болалари учун мадраса очибдилар. Черковлар ҳам барпо қилибдилар. Улар орасида ичкиликни,

қиморни, фиск-у фасодни [ва футбол клубларига бўлинишни] ғоят чиройли бир усул билан ёйишга муваффақ бўлдилар. Ислом ёшларини динларидан шубҳалантиришга, ўз ҳукуматлари билан ораларига нифоқ ва мухолафат солишга, бошлиқларнинг, давлат арбобларининг уйларига христиан аёлларини тўлдириб, ахлоқларини бузишга киришибдилар. Биз ҳам ўша тактикани ишлатиб, уларнинг кучларини бўлиб парчалаймиз, динларидан совутиб, ахлоқларини барбод қиламиз. Қарабсизки бирлик ва ҳамжиҳатликларидан асар ҳам қолмайди. Ана шундан кейин тўсатдан бир уруш бошлаб, Исломни таг-томири билан қўпориб ташлаймиз[72].»

---

[72] Инглизлар исломиятни йўқотиш учун тайёрлаган йигирма бир моддалик хоин планларини икки улкан, Ҳиндистон ва Усмоний ислом давлатларини тўнтариш учун татбиқ қилишди. Ҳиндистонда Ваххобий, Қодиёний, Таблиғ-и жамоат, Жамоат-и исломийя деган бузуқ ислом фирқаларини курдилар. Сўнгра инглиз армияси Ҳиндистонни осонлик билан ишғол қилиб, ўша буюк ислом давлатини йўқ қилди. Ислом олимларини зиндонларда ўлимга тарк этдилар. Султонни ҳам ҳибсга олиб, икки ўғлини чопиб пора-пора қилдилар. Асрлардан бери муҳофаза қилиб келаётган қимматбаҳо молларни, надийда ва гузийда тақинчоқу олмосларни, хазиналарни талон-тарож қилиб, кемалари билан Лондонга ташидилар. Ҳинд султонларидан Шоҳ Жаҳоннинг 1041 (м.1631) йилда хоними Аржуманд бегимнинг Аградаги қабри устига курдирган Тож Маҳал мақбарасининг деворларидан ўйиб олиб ўғирлаб кетилган олмос, зумрад, ёқут каби қимматбаҳо тошларнинг ўрни ҳозир лой билан суваб қўйилган. Бу сувоқлар, инглиз ваҳшийлигини дунёга эълон қилиб турибди. Инглизларнинг жирканч башарасини кўрмоқчи бўлганлар мунғайиб турган Тож Маҳалга қарасин. Ўғирланган ўша молу хазиналарни инглизлар ҳамон Исломиятни йўқотиш учун сарфламоқда. Бир ислом шоири: «Золимнинг зулми бор бўлса, мазлумнинг ҳам Аллоҳи бор!» деганидек, адолати илоҳия тажаллий қилиб, Инглиз кофирлари Иккинчи жаҳон урушида жазоларини топди. Немисларнинг Англияни ишғол қилишидан қўрққан мустамлакачи инглиз бойлари, черков мансублари ва давлат ходимлари бола-чақалари билан ўн минглаган ислом душмани, кемаларда Америкага қочиб кетаётганда, немисларнинг «Graf von Spee» ва шунга ўхшаш икки ҳарбий кемасидан сувга ташлаб қўйилган магнитли миналарга дуч келиб, ашқол-дашқоллари билан Атлантика океани қарига равона бўлдилар. Урушдан кейин Нью-Йоркдаги «Бирлашган Миллатлар Инсон Ҳуқуқлари» маркази қабул қилган қарор оқибатида

инглизлар бутун дунёдаги мустамлакаларини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. Англия Мустамлакалар Назоратининг асрлар бўйи талон-тарож қилиб келган даромад манбаларининг катта қисмидан ажраб қолди. Ва охирида кичиккина Британия ороли билан чекланишга мажбур бўлган инглизлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва зарур эҳтиёж молларини талон билан оладигандай аянчли аҳволга тушдилар. 1948 йили Туркияда Генералиссимус Солиҳ Омуртак бей бир зиёфатда: «Лондонга расмий меҳмон сифатида борган бўлсам ҳам, бирон марта столдан тўйиб ўрнимдан турганимни эслай олмайман. Қайтишда Италияда қуруқ макарон билан қорин тўйғазишга мажбур бўлдим.»- деган гаплари беихтиёр хотирамга келади.

Саноуллоҳ-и Деҳлавий "раҳматуллоҳи алайҳ", Моида сурасининг саксон иккинчи ояти каримасини тафсир қилганда, марҳамат қилиб айтадиларки: «Муҳйиссунна Ҳусайн Бегавий ҳазратлари, Насронийларнинг ҳаммаси ҳам мушрик эмаслигини билдирган. Чунки ширк деб - бирор нарсага илоҳлик сифати иснод қилиб, унга ҳурмат кўрсатишга, яъни унга ибодат қилишга айтилади. Мушриклар, яҳудийлардек мусулмонларга ашаддий душмандирлар. Мусулмонларни ўлдирадилар, мамлакатларини, масжидларини вайрон қиладилар. Қуръони каримни ёқадилар.» Имом-и Раббоний "раҳматуллоҳи алайҳ" учинчи жилд, учинчи мактубда марҳамат қилиб айтадиларки: «Аллоҳу таолодан бошқа бирор нарсага [ёки кимсага] ибодат қилувчи кимсага мушрик дейилади. Бир Пайғамбарнинг шариатига тобе бўлмаган кимса мушрикдир.» Ҳозир дунёдаги христианларнинг ҳаммаси, Муҳаммад алайҳиссаломга ишонмаганликлари учун кофирдирлар. Булардан кўпчилиги «Исо - худодир, ёки уч тангридан биридир», деганлари учун мушрикдирлар. «Исо - Аллоҳнинг қули ва Пайғамбаридир», дегувчи насорога Аҳл-и китоб дейилади. Лекин ҳаммаси ҳам Исломиятга ва мусулмонларга душманлик қилмоқда. Уларнинг бу ҳаракатлари инглиз идорасининг бошқаруви ва назорати остида давом этмоқда.

Христианларнинг ҳозир ўн бир савол уйдириб чиқариб бутун ислом мамлакатларига тарқатаётганлиги ҳақида ҳ.1412 (м.1992) йилда хабар топдик. Бангладешдаги ислом олимлари бунга жавоб ёзиб папаларнинг шармандасини чиқардилар. Истанбулдаги "Ҳақиқат Китобуйи"миз бу жавобларни **«Ал-Акозиб-ул-жадидат-ул Христиания»** исмли китобга жамлаб, бутун дунёга тарқатмоқда.

Биринчи Қисм

ЕТТИНЧИ ФАСЛ

Биринчи сирнинг мазасини тотиб кўргач, иккинчи сирни ҳам ўрганиш иштиёқи менга ҳеч тинчлик бермасди. Ниҳоят бир кун секретар, сўз берган 2 чи сирни ҳам очди. Иккинчи сир 1 асрлик муддат ичида, исломни йўқ қилиб, унуттириш ғояси билан, ташкилотда бу мақсадда ишлаган юқори лавозимли инглизларга махсус тайёрланган, эллик саҳифалик бир план журнали эди. Ўн тўрт моддадан иборат бўлган бу планни, мусулмонларнинг қўлларига тушиб қолмаслиги учун жуда яширинча қўлланар эдик. Бу планлар қуйидагича эди:

1 – Бухорони, Тожикистонни, Арманистонни, Ҳуросон ва атрофини забт этиши учун, рус чори билан жуда яхши иттифоқ қуришимиз керак. Яъни руслар билан чегарадош бўлган Турк [Туркистон] ерларини ҳам истило қилиш учун руслар билан ҳамкорлик қилиш лозим.

2 – Ислом оламини, ҳам ичкаридан, ҳам ташқаридан емириш учун Франция ва Россия билан ҳамкорлик қилмоғимиз керак.

3 – Турк – Эрон ҳукуматлари орасида жуда шиддатли фитна ва ихтилофлар чиқариб ҳар икки тарафда миллатчилик ва қавмият фикрларини ривожлантиришимиз ва қувватлантиришимиз лозим. Бир – бирига қўшни бўлган бутун мусулмон қабила ва миллатлар орасига ва мусулмон мамлакатлари орасига фитна ва душманлик уруғини экишимиз керак. Тарихга кўмилиб, сўниб йўқолиб кетганлари билан бирга барча бузуқ мазҳаб ва фирқаларни қайта жонлантириш ва бир – бирларига қарши қайраб қўйишимиз даркор.

4 – Ислом мамлакатларидан баъзи бўлакларни ғайри муслимларнинг қўлларига беришимиз керак. Масалан: Мадинани яҳудийларга, Искандарияни христианларга, Иморани соибага, Кармоншоҳ атрофини Алини илоҳ ўрнига қўйган нусайрийларга, Мусул вилоятини язидийларга, Эрон кўрфазини ҳиндуларга, Траблусни дурзийларга, Қарс вилоятини арманилар ва алавий [қизил бош]ларга, Масқатни ҳорижийларга бериш керак. Шундан кейингина буларни пул, қурол-аслаҳа ва керакли маълумотлар билан таъминлаш лозим, токи булар исломнинг вужудида бирор тикан бўлсинлар. Ислом тамоман йиқилиб парчаланиб йўқолиб кетгунгача, буларнинг ҳудудларини кенгайтириш керак.

5 – Усмоний мусулмон давлатини ва Эрон ҳукуматларини мумкин қадар бир-бирлари билан ҳеч келиша олмайдиган кичкина маҳаллий давлатчаларга бўлишни режалаштириш керак. Зеро шундай бир назария бордирки: «парчала, ҳукумронлик қиласан» ва «парчала, йўқ қиласан».

6 – Ислом дунёсида рад қилинган, тақиқланган мазҳаб ва динларни қайта тирилтириб, ҳаётга татбиқ қилиш ва ўзимиз ижод қиладиган ҳар бир динни мусулмон халқларнинг ҳар бирининг урф-одати, ҳаво ва ҳавас [шаҳвоний орзу]ларига мос келтириш учун жудаям қалтис бўлган нозик бир режа тузишимиз керак. Шиялар мамлакатида тўрт дин ижод қиламиз:

1 – Ҳазрати Ҳусайнни илоҳлаштирувчи дин,
2 – Жаъфари Содиқни илоҳлаштирувчи дин,
3 – Маҳдийни илоҳлаштирувчи дин,
4 – Али Ризони илоҳлаштирувчи дин.

Биринчиси Карбалога, иккинчиси Исфаҳонга, учинчиси Самаррага, тўртинчиси эса Хуросонга аталиши керак. Айни пайтда Суннийларнинг мавжуд тўрт мазҳабларини ҳам бир-биридан айириб, тўрт дона мустақил дин ҳолига келтиришимиз керак. Буларни амалга оширгандан кейин, Нажда янги бир ислом фирқаси қуриб, ораларида қонли урушлар содир қиламиз. Тўртта мазҳабга хос бўлган аҳли

суннат китобларини йўқ қилишимиз керак. Ана шундагина бу фирқалардан ҳар бири фақат ўзларини мусулмон санаб, бошқаларини қатли вожиб кофирлар деб билишади.

7 – Зино, ливота яъни гомосексуаллик, ароқхўрлик ва қумор билан мусулмонларнинг орасига фитна-фасод уруғлари сочилади. Бу иш учун ўша мамлакатларда яшайдиган ғайримуслимлардан фойдаланилади. Улардан бу мақсадни амалга ошириш учун жуда катта қўшин ташкил қилмоғимиз лозим.

8 – Ислом мамлакатларида қобилиятсиз раҳбарлар, золим қўмондонлар етиштириш ва буларни ҳукуматнинг бошига келтириб, шариатга итоатни тақиқлайдиган қонунлар чиқартиришга катта аҳамият беришимиз керак. Уларни, баъзи шаҳватларини қондириб Мустамлака нозирлигининг айтганларини сўзсиз бажарадиган қўғирчоқларга айлантиришимиз керак. Ўшалар воситаси билан мусулмонларга ва ислом мамлакатларига ўз истакларимизни, уларнинг ўз қонунларининг жабри билан ишлатишимиз дакор. Шариатга амал қилишни жиноят, ибодат қилишни қолоқлик, ибтидоийлик ҳолига келтиришимиз керак. Мусулмон мамлакатларидаги ҳукумат одамларини, иложи борича, аслиғайримуслим бўлган кимсалардан сайлатишимиз керак. Буни бажариш учун баъзи жосусларимизни мусулмон қиёфасига, дин пешвоси шаклига киргазиб, истакларимизни ижро этишлари учун юксак лавозимларга келтиришимиз лозим[73].

9 – Мумкин мартаба арабчанинг ўрганилишига тўсқинлик қиласиз. Арабчадан бошқа тилларни, масалан: Форсчани, курдчани ва пештучани ёйишимиз шарт. Араб

[73] Инглизлар бу ишларни муваффақиятли амалга оширдилар. Мустафо Рашид пошо, Али пошо, Фуад пошо ва Талъат пошо каби масонларни ва яҳудий, арманий насли пастларини ҳукумат бошига ўтқазишди. Абдуллоҳ Жавдат, Мусо Козим, Зиё Гўкалп ва Абдуҳ каби масонларни динда гапи ўтадиган ловозимларга келтиришди.

мамлакатларида хорижий лицейларни тиклаш ва қуръон билан суннатнинг тили бўлган ҳақиқий соф қурайш арабчасини йўқотиш учун маҳаллий араб шеваларини ривожлантириб, давлат тилига айлантириб, оммавийлаштиришимиз керак!

10 – Давлат одамларининг атрофига одамларимизни жойлаштириб, улар воситасида нозирлигимизнинг орзуларини татбиқ қилиш учун, одамларимизни ҳукумат ва давлат арбобларининг маслаҳатчилари ҳолига келтиришимиз керак. Бу ишнинг энг қулай йўли, қул тижоратидир: Қул ва канизак сифатида юборадиган жосусларни, аввало яхшилаб етиштиришимиз шарт. Сўнгра, мусулмон давлат одамларининг яқинларига, масалан уларнинг болаларига, аёлларига ва уларнинг олдида обрў-эътиборга эга бўлган инсонларга сотишимиз керак. Бу сотган қулларимиз, аста-секин давлат одамларига яқинлашадилар. Уларнинг оналари ва мураббиялари бўлиб, билагузук билакни ўраб турганидек, улар ҳам мусулмон давлат одамларини ўз қучоқларига олиб ўраб туради.

11 – Миссионерликнинг соҳасини кенгайтириб ҳар синф ва касбларга айниқса доктор, муҳандис, муҳосаба ва шунга ўхшаш касбларга киритишимиз лозим. Ислом мамлакатларида черков, мактаб, касалхона, кутубхона, хайрия ташкилотлари номи ва ниқоби остида пропаганда (ташвиқот), нашриёт марказлари очиш ва буларни ислом мамлакатларининг ҳар бир бурчагига ёйишимиз керак. Христианлик тарғиботи учун миллионлаган китоб бостириб бепул тарқатишимиз керак. Ислом тарихининг ёнида христиан тарихини ва Ғарб Давлатлари ҳуқуқини ҳам нашр қилиб оммавийлаштиришимиз зарур. Ислом улкаларидаги черков ва монастирларга роҳиб ва роҳиба сифатида ўз жосусларимизни жойлаштиришимиз лозим. Булар орқали ислом мамлакатларидаги христиан ҳаракатларини бошқариб, уларга раҳбарлик қилишларини таъминлашимиз керак. Мусулмонларнинг ҳар бир ҳаракат ва фикрларини ўрганиб, бизга етказишларини ҳам йўлга қўйишимиз

лозим. Ислом тарихини бузиб, ўзгартириб ташлайдиган ва мусулмонларнинг ҳаёт тарзи, аҳволи билан шариатни яхшилаб ўзлаштириб олгач, уларнинг бутун китобларини ўз қўллари билан йўқотадиган, ислом илмларини барбод, олимларни бадном қиладиган бир христиан армиясини тузишимиз шарт. Албатта бу армия, яъни бу қўшин илмий ходимлардан ташкил топган бўлади. Ҳар бири профессор, фан номзоди, фан доктори, илмий изланувчи, диншунос шайх каби унвонлар тагига яшириниб фаолият кўрсатишади.

12 - Қиз-йигит барча Ислом ёшларининг бошларини айлантириб, Исломият ҳақида шубҳа ва тараддудга тушишларини таъминламоғимиз лозим. Мактаб, китоб, журнал [спорт клублари, кино фильмлар, телеканаллар] ва иш учун махсус етиштирилган ходимларимиз воситасида уларнинг ахлоқларини тубанлаштирамиз. Яҳудий, христиан ва бошқа ғайри муслим ёшлардан таркиб топган бир яширин жамият очамиз. Бу жамиятда мусулмон фарзандларини қандай қилиб тузоққа тушириш йўлларини ўргатиб, ҳар бир шогирдимизни тирик тузоқ ҳолига келтирамиз.

13 – Ички уруш ва қўзғолонлар чиқариш учун ташвиқот қилиш ва ўз ораларида ва ғайри муслимлар билан доимо мужодала ҳолида бўлишларини таъминлаб туришимиз керакки қувватлари зоил бўлсин, тараққиётлари, иттифоқлари ҳам имконсиз бўлсин. Фикрий кучлари, молиявий томирлари хароб бўлсин. Ёш ва фаол бўлганлари йўқотилсин. Мамлакатда тинчлик, тотувлик ва ҳузурнинг ўрнини даҳшат, қўзғолон ва иҳтилол эгалласин.

14 - Иқтисодлари тахриб этилади, даромад булоқлари ва деҳқончилик соҳалари вайрон қилинади, сув довонлари бузилиб дарёлар қуритилади. Инсонларда намоз ўқишга ва меҳнатга қарши (иш ҳақлари вақтида берилмай) нафрат уйғотилади, дангасалик оммавийлаштирилади. Дангасалар учун ўйин жойлари очилади. Наркотик модда ва шароб исътемол қилиш оммавийлаштирилади. [Юқорида санаган моддаларимиз, бир бежирим харитага туширилиб, расм ва

шакллар билан изоҳланиб тушунтирилган эди. Инглизлар мана шу ўн тўрт модданинг ёрдами билан буюк Усмоний давлатини тўнтаришади. Ўрнига қурган давлатларининг идорасини эса Шотландия масонларининг қўлларига беришди. Улар ҳам Мустамлакалар назоратининг ушбу ўн тўрт моддасини ўз конституцияларига айлантириб, исломиятга ҳужум қилишга давом этяпти.]

Менга бу муҳташам хужжатнинг бир нусхасини бергани учун, секретарга миннатдорчилик билдирдим.

Лондонда яна бир ой қолгандан кейин, такрор наждлик Муҳаммад билан кўришиш ниятида, Ироққа кетиш учун нозирликдан рухсат олдим. Сафар олдида секретар менга: «Наждлик Муҳаммад ҳақида бирон бепарволикка йўл қўйма! Жосусларимиз юборган ҳисоботларига қараганда, наждлик Муҳаммад планларимизни амалга ошириш учун тузоққа илинганлар ичида бизга жудаям асқотадиган энг муносиб ягона ахмоқдир.

Наждлик Муҳаммад билан очиқча гаплаш! Чунки Исфаҳонда жосусларимиз у билан очиқча гаплашиб олишибди. У ҳам истакларимизни бир шарт билан қабул қилибди. Унинг шарти шу: Ўзининг янги диний фикр ва қарашларни эълон қилгач, унга ҳужум қиладиган давлат одамларидан ва олимлардан уни муҳофаза қилиш учун етарли даражада мол ва қурол билан таъминлашимиз, Нажда унга кичкина бўлса-да, бирон беклик қуриб беришимиз керак. Нозирлигимиз унинг бу шартларини қабул қилди»- деди.

Бу хушхабарнинг севинчи билан қанот чиқариб учгим келиб кетди. Ўшанда секретардан бу хусусда, нима қилишим кераклигини сўрадим. Жавобида, «Наждлик Муҳаммад тарафидан ҳаётга татбиқ қилиниши учун нозирлигимиз жуда нозик бир план таёрлаган бўлиб, план қуйидагича:

1. Бутун мусулмонларни кофирга чиқариб, уларни ўлдириш, молларини мусодара қилиш, номусларига тажовуз қилиш, эркакларини қул, аёлларини чўри қилиб, қул бозорларида сотиш ҳалол – деб гап тарқатади.

2. Иложи бўлса, Каъбанинг бут эканлигини, инсонларнинг унга қараб сажда қилишлари билан исботлаб, бузиш кераклигини таъкидлайди[74]. Ҳаж ибодатини одатдан қолдириш учун, қабилаларни ҳожиларга ҳужум қилдириб, молларини талон-тарож қилишга ва ўзларни ўлдиришга ташвиқ қилади.

3. Мусулмонларни халифага итоат қилишдан бош тортказишга уринади. Уларни халифага қарши исён қилишга ташвиқ қилади ва бу иш учун қўшин тайёрлайди. Ҳар қандай баҳона билан Ҳижоз каттаконларига қарши уруш қилиш ва уларнинг обрўларини тушириш кераклигини онгларга сингдиради.

4. Макка, Мадина ва бошқа Ислом мамлакатларида бўлган мақбара, гумбаз ва муқаддас ерларни буд ва ширк эканликлари ҳақида фатво чиқариб, йиқитиш лозимлигини эълон қилади. Мумкин қадар, Муҳаммад пайғамбарга, халифаларига ва бутун мазҳаб улуғларининг шанига доғ туширилиши ва тил текказилишига ҳаракат қилади.

5. Ислом мамлакатларида иложи борича инқилоб, зулм ва беқарорликни таъминлайди.

6. Биз ҳадислардан баъзиларини бузганимиздек у ҳам ичига бегона нарсалар киритилган ва атайлаб чала ёзилган бир Қуръонни нашр қилишга мажбур қилинади[75].

---

[74] Бут деб: ибодат ва сажда қилиниб, ҳожатлар сўраладиган худо ўрнига қўйилган ҳайкалларга айтилади. Мусулмонлар ҳеч қачон Каъба учун сажда қилишмайди. Балки Каъбага қарши туриб, Аллоҳу таолога сажда қилишади. Ҳар намозда Каъба томонга қараб сажда қилгач, "Фотиҳа" сурасини ўқишади. Бу сурада: «Эй! Оламларнинг ягона [бир] Рабби! Биз ёлғиз сенга ибодат қиламиз. Ҳар нарсани ёлғиз Сендан истаймиз» дейилади.

[75] Машхур ва мўътабар китоблардаги ҳадиси шарифларда қўшимча ва нуқсон бор дейиш, катта тухмат ҳисобланади. Мингларча ҳадис олимининг ҳадиси шарифларни қандай тўплаганларидан озгина хабари бўлган кимса бундай чиркин ёлғонларни тилига олмайди ва бундай бўҳтонларга асло ишонмайди.

Секретар, юқоридаги олти моддалик планни айтгандан кейин: «Бу улкан режа сени зинҳор чўчитмасин. Чунки бизнинг вазифамиз, исломиятни йўқ қиладиган уруғларни сочишдан иборатдир. Ҳали бу ишни тамомлайдиган насллар орқамиздан келади. Инглиз ҳукумати сабр қилишга ва майда, лекин соғлом қадамлар билан юришга одатланган эди. Улуғ ва эсдан оғдирувчи ислом инқилобини амалга оширган Муҳаммад Пайғамбар ҳам, оддийгина бир инсон эмасмиди? Мана бизнинг наждлик Муҳаммад ҳам ўз пайғамбаридек катта инқилоб қилишга ваъда берди»- деди.

Бир неча кундан кейин Нозир ва секретардан изн олдим, оила ва дўстларим билан хайрлашиб, тўғри Басрага йўл олдим. Уйдан чиқаётганимда кичик ўғлимнинг «Дада, тезда қайтинг!»- деганини эшитиб беихтиёр чиққан кўз ёшларимни хотинимдан яшира олмадим. Узоқ ва машаққатли сафардан кейин, ниҳоят кечаси Басрага кириб бордим. Абдурризонинг уйига бориб, уни уйғотдим. Мени кўриб жуда севинди ва мени меҳмон қилди. Ўша кеча у ерда қолдим. Эрталаб менга «Наждлик Муҳаммад келди ва сенга мана бу хатни ташлаб кетди»- деди. Хатни очим ўқидим. Ўз юрти Наждга кетганини ва адресини ёзганди. Мен ҳам ҳаялламай Наждга отландим. Чидаб бўлмайдиган, азобли йўлни босиб ўтиб, у ерга етиб бордим. Наждлик Муҳаммадни уйида топдим. Жуда озиб кетганди. Унга ҳеч қандай муҳим нарса ҳақида оғиз очмадим. Кейинчалик уйланганини эшитдим.

Биз орамизда, мени сўраганларга унинг хизматчи қули эканлигимни, у мени бир олис жойга юборгани ва сафардан энди қайтганимни айтиши тўғрисида келишиб олдик. У келишувга биноан сўраганларга мени юқоридагидай танитиб юрди.

Наждлик Муҳаммаднинг ёнида икки йил қолдим. Даъватини эълон қилиш учун бир режа туздик. Ниҳоят ҳижрий 1143 [м. 1730] йилда уни муваффақ бўлишига ишонтириб, далда ва жасорат бердим. У ҳам атрофидаги ёрдамчи тўплагач, унчалик очиқ бўлмаган жумлалар билан даъватини ўзига жуда яқин бўлган инсонларга

тушинтиришдан бошлади. Сўнгра даъватини кундан кунга кенгайтириб борди. Уни душманларидан қўриқлаш учун атрофига ҳимоячиларни қўйдим. Уларга истаганларича мол ва пул бердим. Наждлик Муҳаммаднинг душманлари ҳужум қилмоқчи бўлган пайтларда муҳофизларнинг ғайратларини орттирардим, ва уларни руҳан қўллаб-қувватлардим. Даъвати ёйилган сайин, мухолифлари кўпаярди. Унга суягидан ўтадиган жавоблар берилган ва қаттиқ ҳужум қилинган вақтларда даъватидан воз кечмоқчи бўлардию лекин мен уни ёлғиз ташлаб қўймасдан, тушкунликка туширмасдан йўлидан қайтмаслиги учун қўллаб- қувватлаб турардим. Унга, «Эй Муҳаммад, Пайғамбар сендан ҳам кўп азият чекди. Биласан, бу шараф йўли. Ҳар бир инқилобчи каби сен ҳам бироз қийинчиликка таҳаммул, яъни бардош беришинг керак»- деб, уқтирардим.

Биз бу фаолиятларимиз билан кутилмаган пайт ва маконда душманларимизнинг хужумларига дучор бўлишимиз мумкин эди. Унинг мухолифларига қарши, пул билан ёллаган жосусларимни қўйдим. Душманлари унга бирон зарар етказишмоқчи бўлган пайтларда одамларим мени хабардор қилишарди. Мен дарҳол уларнинг зарарларини бартараф қилиб, вазиятни мўтадил ҳолатга келтириб турардим. Бир сафар душманлари уни ўлдирмоқчи деган хабарни олдим. Тезда уларнинг тайёргарликларига қарши керакли тадбирларни олдим. Бу вақтга келиб, наждлик Муҳаммад ҳам, ўзига ўхшаган ақли саёзлардан анчасини илмоғига тушириб улгурган эди. Ўша тарафдорлари ҳам ўз «шайх»ларига қарши уюштирилмоқчи бўлган суиқасдларни эшитиб, нафрат ўтида қарши ҳаракатга кўчишди. Шу тариқа душманлар, қазиган чуқурларига ўзлари тушди.

Наждлик Муҳаммад планнинг ҳар олти моддасини ҳам ижро этишини менга ваъда берди ва «Ҳозирча, булардан фақат бир қисминигина бажо келтира оламан»- деди. Бу гапида унга ҳақ берардим. Чунки ўша пайт ва шароитда буларнинг барчасини бажариши ғайри мумкин эди.

У Каъбани бузиш моддасини амалга оширишни амри маҳол деб биларди. Бунинг устига Каъбанинг бут эканлигини эълон қилишдан ҳам бош тортди. Ичи расволанган Қуръон ёзиб босишни ҳам рад этди. Бу хусусда у энг кўп Маккадаги шарифлардан ва Истанбулдаги ҳукуматдан қўрқарди. Менга «Бу икки масалани қўзғатадиган бўлсак, халифа устимизга катта қўшин ташлашдан ҳам тоймайди» - деди. Унинг бу узрли сабабини қабул этдим. Чунки гапларида жон бор эди ва шароит, вазият ҳам қулай эмасди.

Бир неча йилдан сўнгра, Мустамлакалар назорати Даръия амири Муҳаммад бин Саудни ҳам сафимизга қўшиб олишга муваффақ бўлди. Менга Лондондан бу хабарни етказиш ва ҳар икки Муҳаммаднинг орасида мухаббат ва хамкорликни таъсис қилиш учун бир хабарчи юборилди. Мусулмонларнинг қалбларини ва ишончларини диний йўлдан оқлаш учун бизнинг наждлик Муҳаммаддан; сиёсий йўлдан таъминлаш учун Муҳаммад бин Сауддан фойдаланардик. Тарих ҳам далиллаб турибдики, динга суянган давлатлар бошқаларга нисбатан ҳам узун умрли, ҳам қудратли, ҳам-да ҳайбатли ва улуғвор бўлишади.

Мана шу тариқа биз ҳам халқнинг диний итоатидан, ғайрат ва шижоатидан фойдаланиб, кун сайин қувватланиб, куч тўплаб, кенгайиб бордик. Давлат маркази, яъни пойтахт сифатида **Даръийя** шаҳрини танладик. Дин сифатида эса янги ижод қилинган **“Ваҳҳобийлик”** динини тўхтовсиз тарғибот қилиб, ўргатдик. Мустамлака Нозирлигимиз янги қурилган Ваҳҳобий ҳукуматини яширинча қўллаб-қувватлар ва беминнат ёрдамини аямасди. Янги ҳукумат, арабчани ва чўл жангини жуда яхши ўзлаштирган ўн бир дона инглиз зобитини, яъни ҳарбийсини худди оддий қул олаётгандай қилиб сотиб олди. Биз бутун режаларимизни ўша офицерлар билан бирга тузардик Ҳар иккала Муҳаммад ҳам биз чизган чизиқ бўйича юрарди. Нозирликнинг махсус топшириғи бўлмаган пайтларда, ҳар қандай масаланинг ечими ва қарори бизнинг қўлимизда бўларди.

Бу ердаги жосуслар – барчамиз, турли араб қабилаларининг қизларига уйланиб олдик. Тўғриси, тан олиш керак, мусулмон аёлнинг хўжайнига бўлган итоати ва вафоси бизга ҳаммасидан ҳам ёқиб тушди. Ҳозирча вазият жуда яхши.

Танбеҳ: Бу китобни диққат билан ўқиган кимса исломнинг энг катта душмани инглизлар эканлигини яхши тушуниб етади. Ҳозир бутун дунёдаги мусулмонларга ҳужум қилаётган, исломни дунёга ваҳшийлик қилиб танитаётган ваҳҳобийликни ҳам инглизлар қурганини ва уларни ҳалигача парваришлаб келаётганини билиб олади. Озгина илми, ақли ва виждони бўлган инглизларнинг ўзлари ҳам, аждодлари планлаган бу олчоқ, манфур душманликларидан бехад нафратланишади.

Турли мамлакатларда истиқомат қилаётган мазҳабсизларнинг Ваҳҳобийликни ёйиш учун елиб - югуришаётганини эшитяпмиз. Ҳатто ораларида мана шу Хемфернинг эътирофлари китобини ҳаёлдан тўқиб чиқарилган ва Хемфердан бошқа шахслар тарафидан ёзилганини даъво қилиб юрганлар ҳам чиқаётганлиги хабарлари келиб турибди. Лекин улар бу асоссиз сафсаталари учун ҳеч қанақа далил, ҳужжат кўрсатиша олмаяпти. Ваҳҳобийларнинг китобларини ўқиб, уларнинг асл башарасини таниган буюк ислом олими Ҳабиб Алавий бин Аҳмад Ҳаддод **“Мисбоҳ-ул-аном”** номли китобида, инглизларга сотилган Муҳаммад бин Абдулваҳҳоб билан Хемфер тайёрлаган олчоқ, жирканч ёзувларига васиқа ва далиллар билан муносиб жавоблар берган. 1216 [м.1801] йилда ёзилган бу китоб 1416 [м.1995] йилдан бери Ҳақиқат Китобуйи тарафидан офсет усулида нашр қилиниб, бутун ислом оламига юборилмоқда. Инглизлар қанчалик уринсалар, меҳнат қилиб тер тўксалар ҳам, ҳақиқий мусулмон бўлган Аҳли суннатни йўқота олмайдилар, аксинча ўзлари йўқолиб нобуд бўлишади. Чунки, Аллоҳу таоло Исро сурасининг 81чи оятида, йўлдан адашган гумроҳларнинг албатта бир куни пайдо бўлишини, лекин ҳақ йўлнинг қаршисида мағлуб бўлиб, тору мор бўлишларини бизларга муждалаган.

Иккинчи қисм

ИНГЛИЗЛАРНИНГ ИСЛОМ ДУШМАНЛИГИ

Инглиз жосусининг биринчи қисмда билдирилган эътирофларини ўқиганлар, инглизларнинг дунёда мусулмонлар учун қанчалик қабих, ёвуз тузоқлар, суиқасдлар режалаганлари ҳақида маълумот олишади. Биз қуйида Инглиз Мустамлакалар Нозирлиги [Мустамлакалар вазирлиги] томонидан жосусларга берилган амрларнинг дунё мусулмонлари устида қандай татбиқ қилингани ва миссионерларнинг фаолиятларига қисқача тўхталамиз.

Инглизлар мағрур ва ўтакетган такаббур миллат бўлиб, ўз шахсларини ва ватанларини қанчалик ҳурматга лойиқ кўришса, бошқа инсонларни ва мамлакатларни ҳам, шу даража паст кўришади.

Инглизларнинг фикрича инсонлар уч қисмга ажралади: Биринчиси: Инглизлар бўлиб, ўзларини Аллоҳнинг инсон сифатида яратган энг мукаммал мавжудоти деб билишади. Иккинчиси: оқ танли Оврупалик ва Американликлардир. Буларнинг ҳам, ҳурматга лойиқ бўлишлари мумкин эканлигини қабул қилишади. Учинчиси эса: биринчи ва иккинчи қисмга кира олмаган инсонлар. Булар, инсон билан ҳайвон орасида турадиган бир махлуқ саналиб, асло ҳурматга лойиқ кўрилмагани каби ҳуррият, истиқлол ва ватан деган қадриятлар ҳам уларга хос эмас. Булар, айниқса инглизлар тарафидан қул қилиш учун яратилган.

Инглизлар мана шундай фикрда ва муносабатда бўлган ўз мустамлакаларининг аҳолиси билан ҳатто бир жойда ўтиришга ҳам хазар қилишади. Мустамлакаларига айлантирган ўлкаларнинг турли жойларида инглизларга

махсус клублар, казинолар, ресторанлар, ҳаммомлар, ҳатто магазинлар ҳам хизмат кўрсатарди. Маҳаллий аҳоли эса бу жойларга киролмасди.

XX - аср бошларида Ҳиндистонга қилган саёҳатлари билан машҳур бўлган Француз муҳаррир Марсель Перно (Marcelle Perneau) **«Ҳиндистон саёҳатидан таассуротлар»** китобида айтадики:

«Европада шуҳрат қозонган, ҳатто баъзи университетлар тарафидан профессорлик унвонига ҳам лойиқ кўрилган бир Ҳинд олимига Ҳиндистондаги бир Инглиз клубида учрашиш учун сўз бергандим. Ўшанда ҳиндли келган, лекин инглизлар унинг обрўсини ҳам назар писанд қилмай ичкарига олишмабди. Бундан хабардор бўлгач, қаттиқ туриб олганим учун ҳиндли билан клубда учрашишга аранг муваффақ бўлдим.»

Инглизлар ўзларидан бўлмаган халқларга ҳатто ҳайвонларга ҳам раво кўрилмаган ёмон муомалада бўлганлар.

Йиллар бўйи ваҳшийча, аёвсизча зулм ўтказган энг катта мустамлакалари бўлган Ҳиндистоннинг Амритсар шаҳрида [м.1919] бир куни диний маросимлари сабабли йиғилган бир гуруҳ ҳиндулар ўз ишлари билан банд бўлиб, шу атрофда велосипедда айланиб юрган инглиз хотин миссионерига керакли ҳурмат-эҳтиромни кўрсатишмайди. Миссионер уларни инглиз генерал Регинальд Диер (Reginald Dyer) га шикоят қилади. Генерал дарҳол аскарларига амр бериб, ибодатхонада маросим билан машғул халқнинг устига ўт очиради ва ўн дақиқада етти юз кишининг ёстиғини қуритади. Мингдан ортиқ киши яраланади. Генерал бунга ҳам қониқиш ҳосил қилмай, аҳолини уч кун ҳайвондай эмаклаб юришга мажбур қилади. Аҳвол Лондонга шикоят қилинади. Ҳукумат тергов қилинишини амр қилади.

Тергов учун Ҳиндистонга келган инспектор генералдан мудофаасиз халққа нима учун ўт очганини сўраганда,

генерал: «Бу ернинг қўмондони менман. Бу ердаги ҳар бир ҳарбий ижроатни мен бошқараман. Агар ўтган воқеани сўраётган бўлсангиз, мен ўша ишни лозим деб топдим ва аскарга буюрдим»- жавобини бергач, инспектор «жуда соз, хўш аҳолининг юз тубан судралиб юришини амр қилишингизнинг сабаби нимада?»- деб сўрайди. Генерал: «Ҳиндулардан бир қисми тангрилари олдида юз тубан бўлиб таъзим қилишади. Мен уларга бир инглиз аёлнинг Ҳинду тангрисичалик муқаддас эканлигини ва унинг олдида ҳам хурматсизлик эмас, балки, ер ўпишлари кераклигини тушунтирмоқчи бўлдим»- дейди. Инспектор халқнинг савдо сотиқ учун кўчага чиқишга мухтож эканлигини айтганида, генерал: «Агар булар инсон бўлсалар эди, кўчада юз тубан судралмасдилар, аксинча бир-бирига туташиб кетган томлари текис уйларининг тепасига чиқиб одамга ўхшаб қаддини ғоз тутиб юрардилар»- деган жавобини беради. Генералнинг бу сўзлари инглиз матбуотида нашр қилингач, генерал қаҳрамон деб эълон қилинди. [Dyer Reginald Edward Harry 1281 [м.1864] йилда туғилиб, 1346 [м.1927]да Англияда ўлди. Дунё тарихида «13 апрель 1919да Амритсар шаҳрида инглиз зулмига қарши кўтарилган ҳалқни, шаҳарни қонга белаб бостирган машҳур инглиз генерали» сифатида номи қолган Диер Ҳиндистоннинг турли бурчакларида инглизларга қарши норозилик намойишлари тез-тез бўй кўрсата бошлагач, вазифадан олиниб, нафақага чиқариб юборилди. Лекин, инглиз Лордлар палатаси Диернинг ишларини олқишлар билан кутиб олиб, унга давлат бюджетидан ёрдам қилинишини қарорлаштирди. Инглиз Лордлари ва Контларининг бошқа миллатларга бўлган мужосабати бу ерда ҳам очиқча кўринмоқда].

Инглизларнинг, халқи оқ танли ва аслан Европали бўлган мустамлакалари билан, халқи оқ танли бўлмаган ва туб аҳоли яшаётган мустамлакаларини идора қилиш шакли бир биридан фарқлидир. Биринчилари имтиёзли, ҳатто қисман

мухториятга эга. Иккинчилари эса, зулм остида инграмоқда. Доминьон деб аталувчи биринчи тоифа мустамлакалар, ички ишларида мустақил, ташқи ишларида эса Англияга бўйсинади. Буларга Канада, Австралия, Янги Зеландия ва ҳоказолар киради.

Мустамлака ишлари икки алоҳида нозирлик, яъни вазирлик томонидан юритилар эди. Булар Мустамлакалар назорати ва Ҳиндистон назоратидир. Мустамлакалар назоратини **“Secretary of state for the Colonial department”** (Инглиз мустамлакалари нозири) деган унвонли шахс бошқаради. Бу нозирнинг икки маслаҳатчиси ва тўртта ёрдамчиси бор. Маслаҳатчининг бири авом палатасидан сайланади. Қолган маслаҳатчи ва ёрдамчиларнинг вазифалари эса давомли бўлиб, ҳокимиятнинг ўзгариши билан булар ўзгармайди. Бу тўрт ёрдамчидан биринчиси Канада, Австралия ва баъзи ороллар билан, иккинчиси Жанубий Африка билан, учинчиси шарқий ва ғарбий Африка билан, тўртинчиси эса Ҳиндистон билан шуғулланишади.

Ислом душманлиги, зулм, истибдод, ҳийла ва ҳиёнат пойдеворлари устига қурилган инглиз императорлиги ўзига «Устида қуёш ботмайдиган давлат» [ёки Буюк Британия] унвонини муносиб кўрганди. Канада, Жанубий Африка, Янги Зеландия, Фуджи, Пасифик ороллари, Папуа, Тонга, Австралия, инглиз Белужистони, Бирмания, Аден, Сомали, Борнео, Бруней, Саравак, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Малайзия, Индонезия, Гонг-Конг, Хитойнинг бир қисми, Қибрис [Кипр], Мальта, 1300 [м.1882] йилдан бошлаб Миср, Судан, Нигер, Нигерия, Кения, Уганда, Зимбабве, Замбия, Малави, Багама, Гренада, Гуяна, Ботсвана, Гамбия, Гана, Сьерра Леона, Танзания, Сингапур каби давлатлар инглизларнинг гегемонясини қабул қилишга мажбур бўлди. Бу давлатлар ҳам динларини, тилларини, урф-одатларини йўқотдилар. Ҳамда ер ости ва ер усти бойликлари инглизлар тарафидан талон-тарож қилинди.

XIX - асрдаги истелолари натижасида қуруқликнинг тахминан тўртдан бирига ва дунё аҳолисининг деярли тўртдан биридан кўпроғига эга бўлган Инглиз Империясининг мустамлакалари орасида энг катта аҳамиятга молик бўлган ўлка Ҳиндистон эди. Инглизларнинг жаҳон ҳокимиятини таъминлаб турган манба - Ҳиндистоннинг уч юз миллиондан кўпроқ бўлган аҳолиси [Ҳозир 1 миллиарддан кўп] ва битмас-туганмас табиий бойликлари эди. Фақатгина биринчи жаҳон урушининг ўзидаёқ Англия бу мустамлакасидан бир ярим миллион аскар билан бир миллиард рупия нақд пул ундирган эди. Бу даромаднинг катта қисмини Усмоний давлатини парчалаш учун ишлатишди. Тинчлик замонида эса, Англиянинг муаззам саноатини яшнатиб турган, Англиянинг иқтисодини ва молиясини қувватлантириб турган манба яна Ҳиндистон эди. Ҳиндистоннинг бошқа мустамлакаларга нисбатан ўта аҳамиятли бўлишининг иккита сабаби бўлиб, биринчиси: Инглизларнинг дунёни эксплуатация қилишларига ғов бўлиб турган Ислом динининг Ҳиндистонда оммавий бўлиши ва ҳокимият ҳам мусулмонларнинг қўлида бўлиши. Иккинчиси эса, Ҳиндистон - дунёга донг таратган табиий бойликлар диёри бўлиши.

Англия Ҳиндистондан айрилиб қолмаслик учун Ҳиндистон йўли устида жойлашган бутун ислом ўлкаларига хужум қилди, фитна ва фасод тухумларини экиб, биродарни биродари билан уруштириб, бу ўлкаларга ҳоким бўлиб табиий ва миллий бойликларини ўз мамлакатига ташиб кетди.

Усмоний императорлигидаги вазиятларни хушёрлик билан кузатиш ва ҳар хил сиёсий ўйинлар орқали Усмонийлар билан Руслар орасида уруш алангасини ёқиб, натижада Усмонийларни Ҳиндистонга ёрдам бера олмайдиган ночор аҳволга тушириб, парчалаш ва нес-нобуд қилиб ишғол этиш режаси, хоин инглиз сиёсатининг асосини ташкил этарди.

Аслида Ҳиндистонга илк бор қадам босган оврупаликлар Португаллар эди. 904 [м.1498] йилда Ҳиндистоннинг

Малабар соҳилидаги Калкутта шаҳрига келган португалия-ликлар тижорат билан шуғулланишиб, қисқа вақтда Ҳиндистон тижоратини қўлга олишганди. Бир оз вақт ўтгач, голландияликлар ғайрат сарф қилиб Ҳиндистон тижоратини Португаллардан илиб кетишган бўлса ҳам кейинроқ Французларга бой беришди. Лекин французлар ҳам маккор инглизларга қарши бардош беришолмади.

Ҳиндистондаги ислом олимларининг улуғларидан аллома Муҳаммад Фадли Ҳақ Ҳайрободийнинг **“Ас-Саврат-ул-Ҳиндийя”** яъни **Ҳиндистон иҳтилоли** китоби ва бунинг **“Ал-явоқит-ул-Миҳрийя”** ҳошиясида ҳам таъкидланганидек инглизлар илк бор ҳ.1008 [м.1600] йилда Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида тижорат хоналар очиш учун Акбар Шоҳдан изн олдилар. Яна шу йили қиролича Элизабет **East India (Шарқий Ҳиндистон)** компаниясининг низомномасини тасдиқлади. Низомномага кўра компания Англиядан ёлланма аскар тўплаб, ўз ҳисобига қуроллантириш, денгиз флоти ташкил қилиш, Ҳиндистонга аскарий ва тижорий сафарлар тартиблаш имтиёзини, ҳуқуқини олган эди.

Акбар Шоҳ бузуқ эътиқодли одам эди. Бутун динларни бир хил даражада тутарди. Ҳатто, ҳар хил динларга мансуб олимларни тўплаб, бу динларнинг бирикмасидан ташкил топган, бутун инсонларга хитоб қиладиган умумий бир дин қуришга ҳам журъат қилади. **«Дини илоҳий»** деб атаган бу динни 990 [м.1582] йилда эълон қилди. Ўша тарихдан ўлимигача бўлган давр ичида бутун Ҳиндистон ҳудудларида ва айниқса саройда, ислом олимларига эътибор озайди ва Акбар Шоҳнинг динига хайрихоҳлик билдирувчилар кўкларга кўтарилди. Мана шундай қалтис ва нозик бир вақтда инглизлар Ҳиндистонга кириб олди. Биринчи Шоҳи Олам Муҳаммад Баҳодир Шоҳ бин Оламгир замонида Калкуттада ер сотиб олишди[76]. Буларни муҳофаза

[76] Биринчи Шоҳи олам бин Оламгир 1124 [м. 1712] да вафот этди.

баҳонасида аскар келтиришди. 1126 [м.1714] йилда Султон Фаррух Сир Шоҳни даволаганлари учун, бутун Ҳиндистонда ер сотиб олишлари учун изн берилди. 1174 [м.1760] йилда тахтга ўтирган Шоҳи Олами Соний Бенгал вилоятини инглиз компаниясига ижарага берди. Бундан фойдаланган инглизлар ҳокимиятларини Бенгалдан Ўрта Ҳиндистон ва Ражпутанягача (Рожистон) кенгайтирдилар. Ҳиндистоннинг ҳар ерида, фитна ва низо чиқардилар. 1218 [м.1803] йилда инглизлар Шоҳи Олами Сонийни ҳокимиятлари остига олдилар. Деҳлидан эълон қилинган фармонларни шоҳ номидан чиқардилар. Бир муддат сўнгра, Бобурийлар тарихида биринчи марта Шоҳи Олами Соний билан бир инглиз бош ҳокимининг рутба ва даражалари тенг савияга келтирилди. Мусулмон Ҳинд ҳукумдорларининг исмлари тангалардан олиб ташланди. 1253 [м.1837] йилда иккинчи Баҳодир Шоҳ ҳукумдор бўлди. У инглизларнинг қилган зулмларига чидай олмасдан, 1274 [м.1857] йилда инглизларга қарши аскарлари ва халқнинг турткиси билан катта бир қўзғолон бошлатди. Шу тариқа ўз номидан пул босдиришга ва хутба ўқитишга эришган бўлса ҳам, бунга қарши инглизларнинг жавоби ва зулми ҳам жуда шиддатли бўлди. Инглиз аскарлари Деҳли шаҳрига киргач, уйларни, дўконларни босиб, молларини, пулларини таладилар. Ёш, қари, хотин эркак демасдан бутун мусулмонларни, ҳатто болаларини ҳам қиличдан ўтказдилар. Шу даража зулм ўтказилдики, шаҳарда ичимлик суви ҳам топилмайдиган танқисга айланди.

[ТАНБЕҲ: Одам алайҳиссаломдан бугунгача ҳамма вақт, ҳамма жойда ёмон ва қабиҳ кимсалар яхшиларга ҳужум қилиб тинчлик бермаган. Аллоҳу таоло ҳамма нарсани сабаблар билан яратмоқда. Ёмонларнинг жазоларини яна ёмон кимсалар воситасида бермоқда. Зулм, исканжа қилганларга жазоларини дунёда ҳам бермоқда. Ёмонлар ёнида яхшилар ҳам азобга дучор бўлмоқда. Булар, урушда ва бахтсиз ҳодисаларда ўлган мусулмонларнинг барчаси шаҳиддир. Дунёда қийноқларга дучор бўлган яхши, айбсиз мусулмонларга охиратда мўл неъматлар берилади. Охиратда ҳар қандай неъматга эришиш учун иймонли бўлишнинг шарт эканлиги дин китобларида ёзилган. Бу китоблар дунёнинг ҳар ерида кўплаб топилади. Мана шу китобларни ўқиб кўриб, ишонмаганларга кофир дейилади. Исломиятни умуман эшитмаган кимса кофир бўлмайди. Эшитганида **«Ло илоҳа иллаллоҳ Муҳаммадун расулуллоҳ»** деган ва бунга ишонган инсон мусулмон бўлади. Ушбу калиманинг маъноси: **«Бутун ҳамма нарсани яратган бир Аллоҳ бор ва Муҳаммад алайҳиссалом Унинг расулидир».** Мусулмон бўлган киши, Унинг охирги пайғамбарига тобе бўлади. Дунёнинг кўп жойларида кофирлар ва золимлар айбсиз мусулмонларни, аёлларни, болаларни қатл қилганлар. Ўлдирилган мусулмонлар шаҳид бўлади. Булар ўлдирилаётганда қийноқ азобларини сезмайдилар. Ўлим онида қабрда бериладиган жаннат неъматларини кўриб севинадилар. Шаҳидлар ўлаётганда асло ўлим азобини сезмайдилар. Аксинча севинадилар. Жаннат неъматларига эришадилар. Ҳадиси шарифда: **«Мусулмонларнинг қабри жаннат боғларидан бир боғдир»** деб марҳамат қилинди.]

Иккинчи Баҳодир шоҳнинг қўмондонларидан Бахтхон, Султонни қўшин билан биргаликда чекинишга рози қилган бўлса ҳам, инглизларга яхши кўринишни хоҳлаган Мирзо Илоҳий Бахш исмли бошқа бир қўмондон, Баҳодир Шоҳга қўшиндан ажралиб чиқиб ёлғиз таслим бўлса, инглизларни шоҳнинг бегуноҳ эканлигига, мажбуран қўзғолончи бошига айлантирилганига ишонтиришга ва шу йўл билан кечирилиши мумкин эканлигини айтиб тузоққа етаклади. Шундай қилиб Баҳодир Шоҳ орқага чекинган қўшиннинг асосий қисмидан ажралиб қолдириб Деҳли ичидаги Қальаи Муаллодан 10 км масофадаги Ҳумоюн шоҳнинг мақбарасига яширинди.

Аҳлоқсизлиги ва ифлослиги билан донг таратган ва ўша пайтларда инглиз армиясида айғоқчи офицер бўлган машҳур папа Хадсон (Hudson), буни Ражаб Али деган бир

сотқиндан эшитиб, вазиятни армия қўмондони генерал Уилсонга етказади ва шоҳни қўлга тушириш учун ёрдам сўрайди. Уилсон беришга пул ва аскари йўқлигини айтгач, Хадсон бу ишни бир неча киши билан ўз гарданига олишни таклиф этиб, Султоннинг таслим бўлиши учун жонига ва оиласига қасд қилинмаслиги ҳақида кафолат берилишини талаб қилади. Уилсон бу таклифни аввал рад этган бўлса ҳам, кейинроқ қабул қилди. Кейин 90 одами билан Ҳумоюн Шоҳнинг мақбарасига борган Хадсон Султонга ўғиллари ва хотинига тегмасликларига доир кафолат беради. Бу попга ишонган Боҳодир Шоҳ таслим бўлади. Ва кофилликка қарамай шу заҳотиёқ кишанланиб зиндонга ташланади. Хадсон кейинчалик султоннинг икки ўғли билан бир неварасини ҳам қўлга туширишга уринади. Лекин, Султоннинг икки ўғли ва неварасининг муҳофизлари кўп бўлгани учун тутолмайди. Сўнгра аввалги ҳийласини такроран синаб кўриш учун Генерал Уилсондан уларга ҳам қасд қилинмаслигига доир кафолат олишни режалаштиради. Бу режага биноан Султоннинг икки ўғлига ва неварасига ҳар хил воситалар билан хабар юбориб, жонларига ҳеч қандай зарар келмаслиги ҳақида кафолат беради. Булар ҳам попнинг найрангларига ишониб таслим бўлишади. Хадсон, инглиз сиёсати ва ҳийласи билан тузоғига илинтирган султоннинг икки ўғли ва неварасини қўлга олиши биланоқ занжирбанд қилдиради.

Шоҳнинг икки ўғли ва бир неварасини қўлини боғлаб Деҳлига келтираркан йўлда, Хадсон ёш шаҳзодаларни кийимларини ечиб, шахсан ўз қўли билан кўкракларига ўқ узиб шаҳид қилади ва қонларидан ичади. Бу ёш шаҳидларнинг жасадларини, халқни қўрқитиш ниятида қалъа дарвозасига остиради. Бир кун ўтгач бошларини кесиб, Инглиз бош ҳокими Хенри Бернардга (Henri Bernard) юборади. Кейин шаҳидларнинг гўштидан шўрва қайнатиб зиндонга оч-наҳор ётган шоҳга ва хонимига юборади. Жуда оч бўлганлари

туфайли "овқат"ни тезда оғизларига олган ота-она, ниманинг гўшти эканлигини билмаганликлари учун чайнай олмайдилар ва ютолмайдилар. Қайт қилишиб, товоқдаги шўрвани ҳам тўкиб ташлашади. Ўшанда Хадсон деган олчоқ роҳиб: «Нега емадингиз? Жуда мазали шўрва бўлганди. Ўғилларингизни гўштидан тайёрлагандим»- дейди ишшайиб.

Хижрий 1275 [м. 1858] йилда тахтдан мажбурий равишда туширилган иккинчи Баҳодир Шоҳ, кўзғолон кўтариш ва Европаликларнинг ўлдирилишига сабаб бўлиш жиноятларидан айбланиб муҳокама қилинади. 29 мартда умр бўйи қамоқ жазосига маҳкум қилиниб Ҳинд-и Чинга [Ҳиндихитой] [Ронгона] сургунга юборилади: 1279 [м.1862] йили ноябрь ойида, ватанидан узоқ бир ўлкада, Гургоний [Бобурий] Ислом Империясининг охирги султони Баҳодир Шоҳ зиндонда ҳаётдан кўз юмди. Аллома Фадли Ҳақ ҳам 1278 [м.1861] йилда Андаман оролларидаги бир зиндонда инглизлар тарафидан шаҳид қилинди.

Инглизлар 1294 [м.1877] йилда Усмоний-Россия ҳарби пайтида Ҳиндистонни Англия қироллигига тобе давлат деб эълон қилди. Машҳур Шотландия масон ложасига аъзо бўлган Мидҳат пошонинг Усмонли давлатини жангга олиб кириши, исломиятга қилган хиёнату зарарларининг энг каттаси бўлди. Ўша пайтда Усмонли султонларидан Султон Абдулазиз хоннинг шаҳид қилиниши ҳам, инглизларнинг фойдасига яради.

Инглизлар, ўзлари етиштирган одамларини Усмоний давлатининг энг муҳим жойларига ўтказиб қўйишганди. Бу давлат одамларининг фақатгина исми Усмонли, фикри-зикри эса ғирт инглиз эди. Буларнинг энг машҳурларидан бўлган Мустафо Рашид пошо охирги садраъзамлигида [бош вазир], олти кунлик садри аъзам бўлган пайти, 28.10.1857да инглизларнинг Ҳиндистон мусулмонларига қилган катта Деҳли қатлиомини табриклаган эди. Ундан аввал ҳам Ҳиндистондаги инглиз зулмига қарши кўтарилган

мусулмонларни бостириш мақсадида Англиядан жўнатилган ёрдамнинг Мисрдан ўтиши учун Усмонийлардан рухсат сўралган эди. Бу изн ҳам, халифанинг қаршиликларига қарамай, яна ичимиздаги сотқин масонлар воситасида берилган.

Ҳиндистонда инглизлар асло янги мактаб очмаганлари каби Ислом шариатининг асоси ва энг очиқ васфи бўлган бутун мадраса ва бошланғич мактабларни ҳам тақиқладилар, халққа йўлбошчилик қилишга яроқли бўлган бутун олимларни ва дин пешволарини шаҳид қилдилар. Ҳатто, талабалари билан бирга қатл қилдилар. Бу ерда 1391 [м.1971] йилда Ҳиндистонни ва Покистонни зиёрат қилган бир аҳбобимизнинг айтиб берган кичик бир хотирасини нақл қилишни уйғун ва лозим деб топдик:

Ҳиндистонда Сарҳанд шаҳридаги Имоми Раббонийнинг ва бошқа авлиёнинг "қаддасаллоҳу сирруҳ" қабри шарифларини зиёрат қилгач Панипут шаҳрига, у ердан Деҳлига бордим. Панипутнинг энг катта жоме масжидида Жума намозини ўқигач, жоме имоми бизни меҳмондорчиликка уйига даъват қилди. Йўлда қалин бир занжир билан қулфланган жуда катта бир дарвозани кўрдим. Устидаги битикларини ўқиганимда бунинг бир субён [бошланғич] мактаби бўлганини англадим ва имом афандидан бу эшикнинг нима учун қулфли турганини сўрадим. Имом афанди: «1367 [м.1947] йилда инглизлар одатдагидай ҳиндуларни бизга қарши қайраб Панипутдаги бутун мусулмонларни хотин-эркак, қари-ёш демасдан қатл қилдирдилар. Бу мактаб, ўша кундан бери қулфлидир. Бу занжир билан қулф бизга инглиз зулмини хотирлатади. Бизлар бу ерга кейинроқ муҳожир сифатида келиб жойлашдик»- деди.

Инглизлар хўжайин бўлган бутун Ислом мамлакатларида қилганларидек бу ерда ҳам Ислом олимларини, Ислом китобларини, Ислом мактабларини нобуд ва вайрон қилдилар. Қип қизил дин жоҳили бўлган, яъни диндан бехабар ёш

наслларни етиштирдилар. 1834 йилда Калькуттага келган машҳур инглиз Лорд Макколи (Macauley) форсча ва арабча ҳар турли китобнинг нашрини ва тарқатилишини, ҳатто босмага бериб қўйилганларини ҳам тўхтатишни, тақиқлашни амр қилди ва бу инглизлар тарафидан катта хурсандчилик билан кутиб олиниб, қўллаб қувватланди. Бу зулмларни айниқса мусулмонлар зичроқ бўлган жойларда, жумладан Бенгалда талабчанлик билан татбиқ қилишди.

Инглизлар Ҳиндистонда мадрасаларни беркитаркан саккизи қизларга махсус, юз олтмиш беш коллеж очдилар. Бу коллежларда етиштирган талабаларни, боболарининг динларига ва аждодларига душман қилиб, манқуртлаштирган эди. Ҳиндистонда зулм ва ваҳшийлик тимсолига айланган инглиз армиясининг учдан икки қисмини ўша манқуртлашган ва ўз миллатига душман қилинган христианлаштирилган ёхуд пул билан сотиб олинган маҳаллий аҳолининг ташкил қилиши энг аянчлиси эди.

1249 [м.1833] йил чиққан қонунлар, миссионерлик фаолиятларининг ривожланишига катта йўл очган ва натижада протестантларнинг диний ташкилоти Ҳиндистонда қувватланганди. Миссионерлик фаолиятлари ёйилмасдан ва Ҳиндистон бутунлай инглиз ҳокимиятига ўтмасдан аввал, инглизлар мусулмонларнинг иймонларига ҳурмат кўрсатар, байрамларида замбаракдан тўп оттириб қувончларига шерик бўлар, жоме-масжидларнинг таъмирига кўмаклашар ҳатто жомеъ, хонақоҳ, мақбара ва мадрасаларга оид ислом вақфларида вазифа олиб ишлашарди. 1833 ва 1838 йилларда Англиядан келган буйруқлар инглизларнинг бундай фаолиятларина тақиқлади. Инглизлар аввалига дўст кўриниб, ёрдам қилиб, мусулмонларни ва ислом динини яхши кўришларини, доимо қўллаб-қувватлашларини ҳар мамлакатга намойиш қилиб, дунё мусулмонларини алдаб ишонтириш ва бунга муваффақ бўлгандан кейингина Исломиятнинг асосларини, мўтабар китоб, мактаб ва

олимларини аста-секин ва айёрлик билан йўқотиш тактикасини ишлатишганди. Бу тактика – Инглизларнинг Ислом динига қилган ҳужумларида доимо қўлланиб келган ўзгармас сиёсати эканлигини юқоридаги фаолиятлари ҳам очиқча кўрсатиб турибди. Улар мана шу икки юзламачи сиёсатлари билан мусулмонларга асло кечирилмайдиган душманлик қилишиб, исломиятнинг илдизини қуритишмоқда. Кейинчалик инглизчани расмий тил сифатида қабул қилдириш ва христианлаштирилган маҳаллий ёшлар етиштириш ишлари авж олди. Бу мақсад билан тамоман миссионерларнинг контролида бўлган мактаблар очилди. Ҳатто, инглиз бош вакили Лорд Палмерстон (Palmerston) ва жуда кўп инглиз Лордлари «Ҳиндистон халқи ҳам христианлик неъматларидан баҳраманд бўлсин деб, Аллоҳ Ҳиндистонни Инглизларга ато этди» - деган сафсатани ҳам айтишди.

Лорд Макколи Ҳиндистонда қон ва ранг жиҳатидан Ҳиндли, лекин завқ, тушунча, иймон, ахлоқ ва онг жиҳатидан инглиз бўлган бир жамият етиштирилиши учун тинмай куч сарфлади ва бошқалар тарафидан ҳам доимо қўллаб турилди. Шундай қилиб миссионерлар тарафидан очилган мактабларда инглиз тили ва адабиёти ва христианлик ўргатилишига кўпроқ аҳамият берилди. Фан илмларига [математика, физика, химия, ва ҳоказо] ҳеч аҳамият берилмади. Натижада инглиз тили ва адабиётидан бошқа илм номига ҳеч нарса билмайдиган христианлаштирилган кимсалар етишди. Булар ходим сифатида ҳар хил ташкилотларга жойлаштирилди.

Мусулмон бўлиб диндан чиққан кимса муртад бўлгани учун ва ҳиндлиларда диндан қайтганлар динсиз қабул қилингани сабаб христианлаштирилган маҳаллий ёшлар кофир саналиб оилаларининг меросидан улуш ололмасдилар. Миссионерлар бунга моне бўлиш мақсадида 1832 йилда Бенгал учун, 1850 йилда эса, умумий Ҳиндистон миқёсида бир қонун чиқариб, христиан бўлган маҳаллий муртад ва

динсизларнинг меросдан улуш олишларини таъминлашди. Шунинг учун ҳиндлилар, Ҳиндистондаги инглиз мактабларига **«Шайтоний Дафтар»** дейишади. [Ҳиндистонда ва Усмонийларда расмий идора ва ташкилотларга «Дафтар» дейилади.] 1344 [м.1925] йилда Ҳиндистонни зиёрат қилган Француз муҳаррир Марсель Перно (Marcelle Perneau) нашр қилган китобида айтадики: «Ҳиндистоннинг биринчи шаҳри бўлган Калькуттадаги қашшоқлик ёнида Париж ва Лондоннинг атрофидаги ботқоқ ва исқирт маҳаллалар ҳеч гап эмас. У ердаги кулбаларда инсон ва ҳайвонлар аралашиб кетган, ёш болалар йиғлар, хасталар эса инграшади. Уларнинг ёнида спирт ва наша олавериб бетоб йиқилган инсонларнинг, ўликдай ерларда сочилиб ётганини кўрасиз. Шунчалик оч, қашшоқ, заиф ва бетоб халойиқни кўриб туриб беихтиёр буларнинг қайси ишни ишлашга ҳоллари етаркан деган саволга жавоб топишга уринасиз.

Ризқини ёлғиз фабрикалардан ахтарувчи бу инсонларга, ўша фабрикалар даромадининг қанча қисмини раво кўраркан? Муҳтожлик, машаққат, юқумли касалликлар, шароб ва наша, заиф, ночор аҳолини қирарди, йўқ қиларди. Дунёнинг ҳеч бир жойида инсон ҳаётига бўлган бепарволик бу ердагидек ҳаёсизча ва ваҳший эмас. Бу ерда, фалон иш оғир ва соғликка зарарли деган тушунчанинг ўзи йўқ. Ишчи ўлармиш нима зарари бор? Эртага жойига дарҳол бошқаси ўтади. Инглизларни бу ерда қизиқтириб турган ягона нарса, ишлаб чиқаришни орттириш ва кўпроқ пул топиш эди.»

АҚШ собиқ ташқи ишлар вазири Уильям Женнингс Брайан (Williams Jennings Bryan), Инглиз ҳукуматининг Руслардан ҳам ўтакетган золим ва тубанроқ эканлигини далиллар билан изоҳ қилган ва **«Ҳиндистонда инглиз ҳокимияти»** китобининг охирида: «Ҳиндистон аҳолисидан ҳаётда қолганларга роҳат ва саодат бахш этганини даъво қилаётган инглизлар миллионлаган ҳиндлининг ёстиғини қуритган эди. Маҳкамалар ва инзибот қувватларини қуриб

бердик деб ҳар жойда мақтанадиган инглиз миллати расмий талон-тарож билан Ҳиндистонни то иликларигача сўриб олди. Сўриб олди сўзи бироз оғирроқдир балки, лекин инглиз идорасининг пасткашлигини бошқа сўзлар билан изоҳлаш мумкин эмас.

Христианликни даъво қилувчи инглиз қавмининг виждони, қуллик занжири тагида инграётган Ҳинд мусулмонларининг дод-фарёдларини эшитишни ҳам хоҳламайди».

Мистер Ходберг Кйомбт (Hodberk Keombt) **«Ҳиндлининг ҳаёти»** китобида қуйидагиларни келтирган: «Хўжайинлари [инглизлар] ҳиндлига зулм қилар, у эса бор-буди тугагунча, ўлгунча меҳнат қилишга, унга хизмат қилишга давом этарди». Бу сўзлар, инсофли христианларнинг инглиз ваҳшатини тасвирлаган ёзувларидан атиги бир нечасигина холос.

Инглизларнинг бошқа мустамлакаларида қул қилинган ҳиндли мусулмон ишчиларининг вазияти ундан ҳам баттарди. 1834 йилда инглиз саноатчилари, Африка аҳолиси ўрнига ҳинд ишчиларини қўллана бошладилар. Ҳиндистондан Жанубий Африка мустамлакаларига мингларча мусулмон ташиб кетиларди. **Кули** деб аталадиган бу ишчиларнинг вазияти, қулларнинг вазиятидан ҳам ёмон эди. Булар **«Indentured Labour»** (шартномалик иш) дейиладиган бир усул бўйича олиб кетиларди. Бунга кўра, **кули** беш йил муддат билан шартномага ўтирар эди. Бу муддат давомида кули, ишини тарк қилолмайди, уйлана олмайди, кеча кундуз қамчи остида ишлаш мажбуриятидадир. Бунинг устига йиллик, солиқ сифатида уч дона инглиз олтини тўлашга мажбур эди. [Булар **«Labour in India»**, **«Post-Lecturer in the University of New-York»**нинг хабарлари орқали бутун дунёга эълон қилинмоқда.]

Машҳур Ганди Англияда таҳсил кўриб, Ҳиндистонга қайтганди. У христианлаштирилган бир ҳиндлининг, ҳатто Порбандар шаҳрининг бош попининг ўғли эди. 1311 [м.1893] йилда Ҳиндистондаги бир инглиз ширкати уни Жанубий Африкага юборади. У ердаги ҳиндлиларнинг нечоғлик оғир шартлар остида ишлаётганини, қанчалик хунук муомала кўраётганларини ўз кўзи билан кўргач, инглизларга қарши курашиш пайига тушади. Ганди инглизлар тарафидан етиштирилган, ҳатто христианлаштирилган бир кимсанинг ўғли бўлганига қарамай, инглиз зулмига, ваҳшийлигига чидай олмади. Илк маротаба номи ўша жойда тилларга тушиб таниқли бўлиб қолган эди.

Инглизларнинг бутун ислом оламида ишлатган сиёсатларининг асли-асоси уч қисмдир. Яъни: «Парчала, ҳоким бўл ва динларни йўқ қил». Улар бу сиёсат талаб қиладиган ҳар қандай хунрезликдан ҳам қайтишмади. Ҳиндистонда ҳам биринчи ишлари, ўзларига хизмат қиладиган кимсаларни излаб топиш бўлди. Ўшалардан фойдаланиб фитна оловини аста секин ёқдилар. Бу ишда мусулмонларнинг ҳокимияти остида истиқомат қилаётган ҳиндулардан фойдаланишди. Мусулмонларнинг адолати остида яшаётган ҳиндуларга Ҳиндистоннинг ҳақиқий эгалари ҳиндулар эканлигини, мусулмонлар ҳар йили ҳинду тангриларини [сигир] қурбон қилишаётганини, бунга чек қўйиш кераклигини яхшилаб угитладилар. Ҳиндуларни ўз сафларига олишиб, улардан ёлланма аскарлар ташкил қилдилар. Шундай қилиб, бир томонда қиролича Элизабет фармонига биноан армия қуриш иши ташкил қилинаркан, иккинчи томонда уч ёвуз куч, яъни ҳинду жаҳолати, инглизларнинг ислом душманлиги ва пул ҳирси ҳам бирлаштирилган бўлди. Мусулмон раҳбарлар билан ҳинду михрожаларининг оралари очилиб низолар чиқарилди. Мусулмонлар орасидаги заиф эътиқодли кимсалар сотиб олинди.

Ўзи бир неча марта қирол ноиби ва Ҳиндистон ташкилоти аъзоси бўлган машҳур инглиз Сэр Джон Стречи (John Strachey) мусулмон-ҳинду душманлиги ҳақида бундай дейди: «Ҳоким бўлиш ва низо чиқариш учун қандай

қабиҳлик бўлишидан қатъи назар, қилинадиган ҳамма нарса ҳукуматимиз сиёсатига мосдир. Ҳиндистондаги сиёсатимизнинг энг катта ёрдамчиси, у ерда иккита бир-бирига душман халқнинг ёнма-ён яшаётганлигидир». Ўша душманликка мой сепиб алангалантирган инглизлар 1164 [м.1750] йилдан 1287 [м.1870] йилгача, давомли ҳиндуларни қўллашди ва шу билан бирга йирик мусулмон қатлиомларини содир қилишди.

1858 йилда бошланган мусулмон-ҳинду тўқнашувлари кенгайиб давом этди. Инглизлар ҳиндуларни мусулмонларнинг устига ҳужум қилдирар, ундан кейин ўзлари бир четда ҳузур қилиб томоша қилишарди. Худди ўша жирканч ишларига, орадан бир ярим аср ўтгач, яъни 1990 йилда сербларни Боснияда мусулмонлар устига ҳужум қилдирганларида гувоҳ бўлдик. Кўчаларда мусулмон болаларининг, қизларнинг қонлари дарё бўлиб ётганда, инглизлар лаззатланиб қаҳ-қаҳа билан томоша қилдилар. Ҳиндистонда ҳеч бир йил ўтмадики, сигир қурбон қилиш сабаби билан қонли воқеалар содир бўлмаган бўлсин. Ҳар йили албатта бирон қонли тўқнашув бўлар ва юзларча, мингларча мусулмоннинг ёстиғини қуритган фитналар содир бўларди. Бу фитнани ўт олдириш учун, мусулмонлар орасида бир тарафдан сигир сўйишнинг 7 дона қўй сўйишдан ҳам бир неча марта афзал эканлиги фикрини ёйдилар. Иккинчи тарафдан эса, ҳиндулар орасида сигир тангриларини ўлимдан қутқариб қолишнинг аҳамияти-ю улкан савоби ҳақида тинмай ташвиқот юргаздилар. Бу фитналари, улар Ҳиндистонни ташлаб чиқиб кетганларидан кейин ҳам давом этганди. Бунга мисол сифатида бош вакил Мусаддиқ замонида Эронда нашр қилинган **“Иттилоат”** журналида чоп этилган бир ҳодисани келтирамиз:

«Бир қурбон байрами куни саллали, соқолли, чопон кийган икки мусулмон, қурбонлик учун бир сигир олдилар. Ҳинду маҳалласидан ўтиб кетаётганларида бир ҳинду олдиларига чиқиб, сигирни нима қилмоқчи эканлигини сўрайди. Мусулмонлар қурбон қилишларини айтадилар. Ҳинду: «Эй аҳоли! Югуринг, тангримизни қурбон қилишмоқчи»- деб бақиради. Мусулмонлар ҳам: «Эй мусулмонлар, ёрдам беринг, қурбонимизни қўлимиздан олишмоқчи» - деб фарёд қилади. Ҳиндулар билан мусулмонлар тўпланишади. Таёқлар ва пичоқлар билан бир-бирларига ҳужум қилишади натижада юзларча мусулмон қатл қилинади. Лекин, сигирни ҳинду маҳалласидан олиб ўтган ҳалиги икки кишининг, инглиз элчихонасига кириб яширинганлиги кузатилади. Бу ҳол кўрсатадики, бу фитнани чиқарганлар инглизлардир. Буларни ёзган муҳаррир ёзувининг давомида, «Биз сизларнинг бир қурбон байрамини мусулмонларга қандай заҳар қилганингизни яхши биламиз» демоқда». Инглизлар мана шундай ҳисобсиз фитна ва зулмлар билан мусулмонларни йўқ қилишга киришдилар.

Кейинроқ ҳиндуларнинг ўзлари инглизларга қарши аста-секин бош кўтаришга чоғланаётганини кўриб, 1287 [м.1870] йилдан кейин энди мусулмонларни ҳиндуларга қарши қўллай бошладилар.

Натижада қилич билан жиҳод қилишнинг фарз эмаслигини даъво қилувчи, Исломият ҳаром этган нарсаларга ҳалол дегувчи, дин ва иймонни ўзгартириш учун тер тўкувчи мусулмон лақабли Аҳли суннат душманлари етишди. Сэр Саййид Аҳмад, Ғулом Аҳмад Қодиёний, Абдуллоҳ Ғазнавий, Исмоил Деҳлавий, Назир Ҳусайн Деҳлавий, Сиддиқ Ҳасан хон Пехуполий, Рашид Аҳмад Кенкуҳий, Воҳид-уззамон Ҳайдарободий, Ашраф Али Тахонавий ва шоҳ Абдулазизнинг невараси Муҳаммад Исҳоқ шулар жумласидандир. Инглизлар мана шу мазҳабсизларни қўллаб-қувватлаб, янги-янги бузуқ оқим ва фирқаларнинг вужудига келишини таъминладилар. Мусулмон халқни ўша фирқаларга эргаштириш учун тинмай меҳнат қилдилар.

Бу фирқаларнинг энг машҳури, 1296 [м.1879] йилда қурилган “**Қодиёнийлик”** бўлиб, қурувчиси бўлган Ғулом Аҳмад фарз бўлган жиҳоднинг тўп-замбарак ва қилич орқали

эмас, насиҳат орқали бўлишини айтиб, динда янги бир сўқмоқ очди. Инглиз жосуси бўлган Хемфер ҳам наждлик Муҳаммадга айнан шу фикрни айтиб адаштирган эди.

Ғулом Аҳмад Исмоилий фирқасидан чиққан бир зиндиқ бўлиб, 1326 [м.1908] йилда ўлди. Ғулом Аҳмад инглизларга жуда катта пул эвазига сотилган эди. Аввалига ўзини "Мужаддидман" деб таништириб юрди, кейин "Маҳдий" эканлигини айтди. Ниҳоят "Пайғамбар" бўлганини ҳам даъво қилиб, янги бир дин келтирганини эълон қилди. Алдаган кимсаларини "умматим" деб атади. Қуръони каримда ўзини жуда кўп оятлар тасдиқлаб турганини ва бутун Пайғамбарларнинг мўъжизаларидан ҳам кўп мўъжизаси борлигини даъво қилди. Ўзига ишонмаганларга кофир деди. Унинг фикрлари Панжоб ва Бомбейда жоҳил халқ орасида ёйилди. Бугун ҳам, Европада ва Америкада **"Аҳмадийя"** исми билан қодиёнийликнинг ёйилганлиги кузатилмоқда.

Сунний мусулмонлар кофирларга қарши қурол билан жиҳоднинг фарз эканлигини ва инглизларга хизматнинг куфр бўлишини таъкидлашарди. Бу хусусда ваъз қилаётган, насиҳат бераётган мусулмонларга шиддатли жазолар берилди, кўпчилиги қатл қилинди. Аҳли суннат китоблари тўпланиб йўқотилди.

Сотиб ололмаганларини ва ўз амалларига хизмат қилдиролмаган ислом олимларини, мусулмонлардан узоқлаштиришарди. Агар улар ўлим жазосига хукм қилиниб қатл этилса, халқ орасида шаҳид ва миллий қаҳрамонга айланиб кетишларидан чўчиб, Андаман оролидаги донғи чиққан зиндонларда муаббад, яъни умр бўйи қамоқ жазосига маҳкум қилинарди. Буюк иҳтилолни баҳона қилиб, Ҳиндистоннинг ҳар тарафидан тўплаган ислом олимларини ўша зиндонларга юборишган эди. [Биринчи жаҳон урушидан кейин Истанбулни ишғол қилган пайтларида ҳам, Усмонли давлати генералларини ва олимларини Мальта оролига сургун қилгандилар.]

Исломиятга қилаётган душманликларини мусулмонлардан яшириш учун Ҳиндистоннинг "дор-ул-ҳарб" [кофир юрти] эмас, "дор-ул-ислом" [мусулмон юрти] эканлигига доир фатволар олишди. Бу фатволарни ҳар ерга эълон қилиб ёйишди.

Ўзлари тарафидан етиштирилган "олим" ниқобли мунофиқлар эса, Усмонли подшоҳларининг халифа эмаслигини, халифалик фақат Қурайшликларга хос эканлигини, Усмонли султонлари ўша халифаликни тортиб олгани учун, уларга итоат қилинмаслик керак, – деган фикрни ёйдилар.

[**«Халифа Қурайш қабиласидан** [уларнинг авлодларидан] **бўлиши керак»** ҳадиси шарифи, халифа бўлишга лойиқ, халифалик шартларига молик бўлган номзодлар орасида Қурайшдан [масалан Саййид] ҳам бир одам бўлса, ўшани сайлаш афзалдир, демакдир. Бу бўлмаса, албатта бошқаси сайланади.Халифалик сайловидан ўтолмасдан ёки сайланган халифани қабул қилмасдан куч ишлатиб қуввват билан, шиддат билан, ҳукуматни қўлга киритган ҳукмдорга ҳам итоат қилинади. Ер юзида, бир дона халифа бўлади. Бутун мусулмонларнинг шунга итоат қилишлари лозимдир.]

Инглизлар диний таълимни тўхтатиб, ўрнига исломиятни ичкаридан қулатиш учун Алигархда ислом билимларини ўзларича ўргатиш мақсадида бир мадраса ва Алигарх Ислом университетини очдилар. Бу ерда дин жоҳили ва ислом душмани, "диндорлар"ни етиштирдилар. Булар исломиятга катта зарар етказди. Бу ерда таҳсил кўрганлардан чертиб танлаганларини Англияга юбориб, Исломни ичидан бузадиган малака берилгач, келтириб мусулмонларга бошчи қилиб тайинланарди. Айюб хон ўша зараркунандалардан бўлиб, М. Жиннаҳнинг ўрнига Покистон давлат бошлиғи бўлиб тайинланганди.

Инглизлар ташқаридан қараганда, иккинчи жаҳон урушидан ғолиб чиққандек кўринсалар ҳам, ҳақиқатда

мағлуб бўлганди. Чунки, “Устида қуёш ботмайдиган ўлка”- деб кўкларга кўтарган Инглиз давлатлари “осмонига қуёш чиқмайдиган ўлка” ҳолига келганди. Бойиси, мустамлакаларининг аксаридан айрилиб қолиб, худди пати юлинган товуқдек гандираклаб қолганди.

Улар Покистонга жумҳур райис қилиб тайинлаган Али Жиннох аслан шия ва инглиз тарафдори эди. 1367 [м.1948] йилда у ўлгандан кейин ўрнига ўтирган Айюб хон эса масон бўлиб, тўнтариш орқали идорани қўлга киритганди. Бу кофирнинг ўрнига келган генерал Яхё хон ҳам ашаддий қизил бош эди. У 1392 [м.1972] йилнинг бошида Покистон-Ҳинд урушида мағлуб бўлиб, шарқий Покистонни бой бергач, ҳибсга олинди. Яхё хондан сўнгра ҳукуматни Зулфиқор Али Бутто бошқарди. Бу ҳам таҳсилини Англияда олган, инглиз жосуси бўлиб етиштирилган эди. 1974 йилда муҳолифларининг ўлдирилишига бевосита бошчилик қилиб буйруқ бергани учун, ўзи ҳам ўлимга ҳукм қилинди.

Зулфиқор Али Буттони қулатиб ўрнига ўтирган Зиё-ул-Ҳақ ислом душманларининг мусулмонлар учун нималар ўйлаб қўйишганини, мусулмонларни ва исломиятни таг-томири билан қуритишмоқчи эканлигини тушуниб, уларнинг орзу қилган нарсаларини бажо келтирмади. Ватанининг фанда ва техникада, саънатда ривожланиши учун тер тўкди. Шахс, оила, жамият ва миллат рохати ва саодатининг ягона манбаи Исломият эканлигини яхши тушунгани учун қонунларнинг шариатга мос бўлишини истади. Бу истагини Покистон миллатидан сўради. Ўтказилган референдумда Покистон аҳолиси тўпякун мусбат овоз берди.

Вазиятдан талвасага тушган давлат қадамасидаги баъзи «инглиз маҳсулоти» шахслар Зиё-ул-Ҳақни бутун аппарати билан бирга бир суиқасдда шаҳид қилдилар. Шундан кейин бош вазир бўлган Али Буттоннинг қизи Беназир, давлат ва миллат ва исломиятга қарши қилган жиноятлари сабабли қамоққа олинган барча хоинларга эркинлик берди.

Буларни давлат зинапояларининг ҳал қилувчи мансабларига жойлаштирди. Шу тариқа Покистонда ғалаёнлар, иғфо ва низолар бошланди. Инглизларнинг орзуси ушалди.

Инглизлар биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари охирида, бир неча ўлкаларда тузиб берган хоин режаларини бажо келтирувчи ва инглиз манфаатларини ҳимоя қилувчи кимсаларни керакли мансабларга ўтқазишган эди. Бу мамлакатларнинг ўз миллий гимнлари, байроқлари, давлат бошлиқлари бўлган-у лекин дин эркинлигига асло муяссар бўла олмагандилар.

Охирги уч асрда Турк ва Ислом олами қаерда бир хиёнатга дуч келган бўлса, бунинг тагида мутлақо Англия бор.

Инглизлар етовидаги ғарбли душманлар Усмонли давлатини йиқитишди. Усмонли империяси худудларида 23 дона катта кичик давлатлар қуришди. Мақсади мусулмонларнинг қувватли ва катта давлат қуришларига ғов бўлиш эди.

Ислом ўлкалари деб аталувчи мамлакатлар орасида давомли бир-бирига душманлик ўтини ва жангларни авж олдириб туришди. Масалан аксарият сунний мусулмонлардан ташкил топган Сурияда 9% бўлган нусайрийларни ҳоким табақа қилиб кўтардилар. 1982 йилда Хама ва Хумус шаҳарларига ҳарбий кучлари билан ҳужум қилиб, икки шаҳар ер билан яксон этилиб, қуролсиз, мудофаасиз сунний мусулмонлар бомбаланди.

Ҳақиқий Аҳли-суннат олимлари ўлдирилди, ислом китоблари, ҳатто Қуръони каримлар ҳам йўқ қилинди. Бу ислом олимларининг ўрнига, ўзлари тарафидан етиштирилган дин жоҳиллари мазҳабсиз кимсаларни келтирдилар. Булардан:

Жамолиддин Афғоний 1254 [м.1838] йилда Афғонистонда туғилди. Фалсафа китобларини ўқиди. Афғонистонга қарши руслар фойдасига жосуслик қилди. Мисрга келди. Масон ва масон ложаси раиси бўлди. Мисрли Адиб Исҳоқ **“Ад-дурар”** китобида бунинг Қоҳира масон

ложаси раиси бўлганини ёзган. 1960 йилда Францияда босилган, **“Les franзо – masons”** китобининг 127-чи саҳифасида: «Мисрда қурилган масон ложаларининг бошига Жамолиддин Афғоний ва ундан сўнгра Муҳаммад Абдуҳ келтирилди. Булар масонликнинг мусулмонлар орасида ёйилишига кўп ёрдам бердилар»- дейилган.

Султон Абдулмажид ва Султон Абдулазиз хон замонларида беш марта садри аъзам (яъни, бош вазир) бўлган Али пошо инглиз ложасига мансуб масон эди. У Афғонийни Истанбулга чақиртириб, вазифа берди. Ўша пайтда Истанбул Дорул-фунуни, яъни университети ректори бўлган ва кофир бўлганига фатво берилган масон Ҳасан Таҳсин тарафидан Афғонийга бир неча конференциялар бердирилди. Ҳасан Таҳсиннинг ўзи ҳам инглиз масон ложасига мансуб садри аъзам Мустафо Рашид пошо тарафидан етиштирилган эди. Афғоний бузуқ фикрларини ҳар тарафга ёйишга киришди. Замонининг шайхулисломи Ҳасан Фаҳми афанди Жамолиддинни шарманда қилди. Жоҳиллигини ва зиндиқлигини фош қилди. Шундан кейин Али пошо буни Истанбулдан чиқаришга мажбур бўлди. Мисрга бориб иҳтилол ва динда реформа фикрларини тарғиб қилишга киришди. Уерда **«Арабий Пошо»** ҳодисасини планлаганлар билан биргаликда инглизларга қарши бўлиб кўриниб асл ниятини яширди. Миср муфтийси Муҳаммад Абдуҳ билан дўст бўлди. Динда реформа фикрларини унга ҳам юқтирди. Парижда ва Лондонда масонларнинг ёрдами билан мажмуа [журнал] чиқарди. 1304 [м.1886] йилда Эронга борди, у ерда ҳам жим туролмагач, занжир билан боғланиб, Усмонли чегарасига ташлаб кетилди. Бағдодга, Лондонга борди. Эронга қарши мақолалар ёзди. Яна қайта Истанбулга келиб, бу ерда Эрондаги Баҳоийлар билан тил бириктириб, динни сиёсий амалларига ўйинчоқ қилди.

Жамолиддин Афғонийнинг дин одами пардаси остида исломни ичкаридан емириш тарғиботларига алданганлар ичида энг машҳури **Муҳаммад Абдуҳ**дир. Абдуҳ 1265

[м.1849] йилда Мисрда таваллуд ва 1323 [м.1905] йилда ўша ерда вафот этди. Бир муддат Бейрутда бўлди. У ердан Парижга кетди. У ерда Жамолиддин Афғонийнинг масонлар тарафидан чизиб берилган фаолиятларига иштирок этди. “**Ал-урват-ул Вусқо”** журналини чиқардилар. Бейрутга ва Мисрга келиб Париждаги масон ложасининг қарорларини татбиқ қилишга киришди. Инглизларнинг ёрдами билан Қоҳира муфтийси бўлди. Аҳли суннатга ҳужум қила бошлади. Дастлабки иши Жоми-ул-Азҳар мадрасаси дарс программаларини бузиш ва ёшларга энг керакли бўлган бебаҳо фанларнинг ўқитилишига тўсқинлик қилиш бўлди. Мадрасанинг университет қисмидаги дарслар бекор қилинди. Лицей ва ўрта қисмдаги китоблар, юқори синфда ўқитилди. Бир тарафдан илмни бекор қилдирди, бошқа тарафдан ислом олимларини ёмонлаб, бу олимлар илм-фанга ғов бўлишган деган туҳматлар уйдириб, илм-фан дарсларини Исломга мен киритаман! – деб даъво қилди. **“Исломият ва Насроният”** китобида: «Бутун динлар бир. Фақат ташқи кўринишлари бошқа»– деб, яҳудий, христиан ва мусулмонларнинг бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари кераклигини таъкидлаган. Лондонда бир попга ёзган мактубида: «Исломият ва христианлик каби икки буюк диннинг кун келиб, қўл ушлашиб дўст динларга айланишини сабрсизлик билан кутмоқдаман. Ўшанда Таврот, Инжил ва Қуръон бир-бирларини қўлловчи ва тасдиқловчи китоблар сифатида ҳар жойда ўқилади ва барча миллатлар тарафидан ҳурмат қилинади»– деган Абдуҳ, мусулмонларнинг Таврот ва Инжил ўқийдиган замони келишини интиқлик билан кутаётганлигини яширмаган.

Жомиъул-Азҳарнинг мудири **Шалтут** билан бирга ёзган Қуръони карим тафсирида банк фоизининг шариатга мос эканлигига фатво берган. Кейинчалик мусулмонларнинг жиддий эътирозлари натижасида бу фатвосидан воз кечган бўлиб кўринди.

Бейрутдаги масон ложасининг бошлиғи Ҳанна Абу Рашид 1381 [м.1961] йилда нашр қилган **“Доира-тул-маъориф-ул-масония”** китобининг 197-чи саҳифасида: «Жамолиддин Афғоний Мисрда масон ложаси раиси эди. Олимлардан ва давлат одамларидан уч юзга яқин аъзоси бор эди. Ундан кейин, имом устод Муҳаммад Абдуҳ раис бўлди. Абдуҳ буюк бир масон эди. Унинг масонлик руҳини араб мамлакатларига ёйишдек улкан хизматини ҳеч ким инкор қила олмайди.» деб ёзган.

Инглизлар тарафидан Ҳиндистонда Ислом олими деб танитилган кофирлар ичида энг донғи чиққани Сэр Саййид Аҳмад Хондир. 1234 [м.1818] йилда Деҳлида туғилган бу сотқиннинг отаси Акбар шоҳ замонида Ҳиндистонга келиб жойлашганлардан эди. У 1837 йилда Деҳлида инглизлар маҳкамасида судья бўлган амакисининг ёнида котиб бўлиб ишлай бошлади. 1841 йилда ҳоким, яъни судья, 1855 йилда эса, юксак ҳоким бўлди.

Ҳиндистонда инглиз маҳсулоти «олимчалиш»лардан яна биттаси Ҳамидуллоҳдир. 1326 [м.1908] йилда аҳолисининг аксарияти Исмоилий фирқасига мансуб бўлган Ҳайдарободда туғилди ва ўша фирқада ашаддий Аҳли суннат душмани бўлиб етишди. Париждаги CNRS илмий текширув аъзосидир. Муҳаммад алайҳиссаломни, фақатгина мусулмонларга Пайғамбар бўлиб келган деган фикрни ёйиш учун хизмат қилди.

Инглизларнинг Исломиятни йўқотиш учун олиб борган бутун урушларида ватанига, динига хизмат қилмоқчи бўлган мусулмонларни алдаш мақсадида қўлланган энг таъсирли қуроли, исломиятни асрга мослаштириш, замонавийлаштириш ва Исломни аслига қайтариш каби баландпарвоз ташвиқотлар баҳонасида, аҳоли орасига динсизликни сингдириш эди. Буюк ислом олими, шайх-ул-ислом Мустафо Сабрий афанди буни жуда яхши тушунганлардан бири эди. Шунинг учун: «Мазҳабсизлик - динсизлик сари қурилган бир кўприкдир» деган машҳур гапи

билан, ислом душманларининг орзуларини, ғояларининг нимадан иборат эканлигини жуда яхши тушунтириб кетгандилар.

Инглизлар ва ислом душманлари, тасаввуф даргоҳларини ва йўлларини фасод қилиш учун тинмай меҳнат қилишди. Исломиятнинг учинчи қисми бўлган **Ихлос**ни йўқотишга уринишди. Тасаввуф буюклари асло сиёсатга аралашмас ва ҳеч кимдан ҳеч бир манфаат кутмасдилар. Тасаввуф улуғларининг кўпчилиги буюк олим ва мужтаҳид эди. Чунки тасаввуф Муҳаммад алайҳиссаломнинг йўлида, изида юриш деганидир. Яъни ҳар сўзида, ҳар ишида, ҳар хусусда шариатга амал қилиш демакдир. Лекин, кўп йиллардан бери жоҳиллар, фосиқлар, ҳатто кўпгина жосуслар ҳам, жирканч мақсадларига эришиш учун тасаввуф улуғларининг исмларидан тузоқ сифатида фойдаланиб, керакли марказ ва даргоҳлар қуриб олди, шу тариқа шариатнинг, диннинг бузилишига, йиқилишига сабаб бўлдилар. Зикр деб, Аллоҳу таолони хотирлашга айтилади. У ҳам қалб билан бўлади. Зикр натижасида қалб тозаланади. Яъни, қалбдан махлуқот севгиси, дунё севгиси чиқиб, Аллоҳ севгиси жойлашади. Бир гуруҳ кимсанинг хотин - эркак, бир ерда тўпланиб Аллоҳнинг исмини хотирлаяпмиз деб қий-чув қилишига зикр дейилмайди. Охирги асрларда дин улуғларининг, Асҳоби кироминг йўли унутилди. Мазҳабсиз ва тасаввуф душмани бўлган Аҳмад ибни Таймийя «Ислом олими» деб эълон қилинди. Яна шу йили **«Ваҳҳобийлик»** фирқаси қурилди. Инглизларнинг ёрдами билан Ваҳҳобий китоблари бутун дунёдаги **«Робита-тул-оламил исломий»** деган ваҳҳобий ташкилоти марказлари воситасида ҳар мамлакатга ёйилди. Инглизлар дунёнинг ҳар жойида қурган баланд биноларига «Ибни Таймийя мадрасаси» лавҳаларини осишди. Ибн Таймийянинг китобларидаги бузуқ фикрлар билан инглиз жосуси Хемфернинг ёлғон ва туҳматлари қоришмасига **«Ваҳҳобийлик»** дейилди. Ҳақиқий мусулмон бўлган

Аҳли суннат олимлари Ибн Таймийянинг китобларининг бузуқлигини исботловчи жуда кўп китоб ёздилар. Бу китоблардан бири Сомали олимларидан шайх Абдурраҳмон Абдуллоҳ бин Муҳаммад Херрийнинг **“Ал-мақолатус-сунния фий кашфи залолат-и Аҳмад Ибни Таймийя”** китобидир. Ўзи Сомалида Херер шаҳрида 1339 [м.1920] йилда таваллуд топган. Китоби 1414 [м.1994] йилда Бейрутда чоп этилган. Бу китобда Ибн Таймийяни рад этган олимлар ва уларнинг қийматли китоблари ҳақида кенг маълумот берилган. Инглизлар тарафидан қурилган Ваҳҳобийлик, мазҳабсизлик, дин реформаторлиги, салафиячилик, Қодиёний, Мавдудий ва Таблиғи жамоат деган бузуқ йўлларнинг ҳаммасида тасаввуф душманлиги мавжуд.

Ислом душманлари, айниқса инглизлар, ҳар турли воситалар қўлланиб, мусулмонларни илмда ва фанда орқада қолдиришди. Мусулмонларнинг тижорат ва санъатларининг ривожланишига тўсқинлик қилишди. Ислом ўлкаларидаги чиройли ахлоқни хароб қилиш, Ислом маданиятини йиқитиш, ёшларнинг ислом илмларини ўрганишларига моне бўлиш учун ароқхўрлик, фуҳш, маишат, қимор, тўп ўйинлари каби иллатларни ёйишди. Рум, армани ва бошқа ғайри муслим хотинлардан ахлоқни бузуш учун енгилтак ва жосус сифатида фойдаланишди. Мусулмон ўлкаларда модалар уйи, рақс курси, маникен ва артист етиштириш каби дабдабали ҳийлалар орқали ёш мусулмон қизларни тузоқларига илинтириб, ор-номусларидан жудо қилишди. Бу хусусда мусулмон ота-оналар зиммасига катта вазифалар тушмоқда. Фарзандларини бу кофирларнинг қўлларига туширмаслик учун жуда огоҳ бўлишлари керак.

Усмонли давлати охирги йилларида Европага ўқитиш учун талабалар ва давлат одамларини юборди. Бу талабалар ва давлат одамларидан баъзилари тузоқларга тушиб, масон қилинди. Фан ва техника толибларига илм ўрнига исломиятни ва Усмонли империясини йиқитиш техникалари ўргатилди.

Булар ичида императорликка ва мусулмонларга энг кўп зарар етказган кимса Мустафо Рашид пошо бўлди. Лондонда бўлган вақтларида ашаддий ва маккор ислом душмани қилиб етиштирилди. Мустафо Рашид пошо Шотландия масонлари билан ҳамкорлик қилди. Халифа Султон Муҳаммад хон масон Рашид пошонинг ҳиёнатларини сезиб, ўлим жазосига ҳукм қилган бўлса ҳам, буни ижро эттиришга умри вафо қилмади. Султоннинг вафотидан кейин Истанбулга қайтган Рашид пошо ва ҳамтовоқлари, исломиятга ва мусулмонларга жуда катта зарарлар етказдилар.

1255 [м.1839] йилда подшоҳ тахтига ўтирган Абдулмажид хон ҳали ўн саккиз ёшда эди. Ёш ва тажрибасиз эди. Атрофидаги олимлардан унга йўл-йўриқ кўрсатувчиси ҳам бўлмади. Бу аҳвол Усмонли тарихида қўрқинчли бир бурилиш нуқтаси бўлган ва катта ислом давлатида **«Йўқ бўлиш даври»**ни бошлаб берганди. Соф, тоза қалбли подшоҳ ваҳший ва айёр Ислом душмани бўлган инглизларнинг ширин сўзларига алданиб, Шотландия масонлари етиштирган жоҳилларни муҳим мансабларга келтирди. Подшоҳ буларнинг давлатни ва исломиятни ичкаридан йиқитиш учун қилган сиёсатларини тезда англаб етолмади. Ёнида унга тушунтирадиган бирон олим ҳам бўлмади. Исломиятни йиқитиш учун Англияда қурилган **“Шотландия масон ташкилоти”** нинг маккор аъзоси бўлмиш Лорд Родинг Истанбулга инглиз элчиси қилиб юборилди. Мустафо Рашид пошонинг садри аъзам [бош вазир] қилиб тайинланиши учун Лорд Родинг султонга қайта-қайта мурожаат қилиб: «Бу зиёли, маданиятли ва муваффақиятли давлат арбобингизни садри аъзам қилсангиз, Англия императорлиги ва Давлати олийяи Усмония орасидаги барча келишмовчиликлар барҳам топади. Давлатингиз иқтисодий, ижтимоий ва ҳарбий соҳаларда тараққий этади»-деб халифани ишонтирди.

1262 [м.1846] йилда садри аъзам бўлган масон Рашид пошо, иш бошига келар-келмас, 1253 йилда Хорижия нозири,

яъни ташқи ишлар вазири бўлиб ишлаган вақтларида Лорд Родинг билан ҳамкорликда тайёрлаган ва 1255 йилда эълон қилган **«Танзимот»** қонунига таяниб, катта вилоятларда масон ложалари очди. Шу тариқа жосуслик ва хиёнат булоқлари қайнай бошлади. Ёшлар дин жоҳили бўлиб етиштирилди. Лондондан олинган планлар бўйича бир ёндан идорий, қишлоқ хўжалик, ҳарбий реформаларни амалга оширишди. Бу билан халқнинг ва раҳбарларнинг кўзларини бўяди. Бошқа томондан эса, жамиятнинг ислом ахлоқини, аждодсевгисини, миллийбирлигинипарчалашгакиришишди. Тайёрлаган одамларини иш бошига келтирдилар. Ўша йилларда Оврупада физика, химия соҳасида йирик қадамлар ташланар эди. Янги янги кашфиёт ва тараққиёт фаолиятлари авж оларди. Улкан фабрикалар, техник университетлар, замонавий ҳарб воситалари қурилар эди. Европа кўрган "маданиятли" арбобларнинг "сай ҳаракатлари" билан Усмонли давлатида эса, буларнинг ҳеч бири ишланмади. Ҳатто, аксинча мадрасалардан Фотиҳ [1451-1481] давридан бери ўқитилаётган фан, ҳисоб, ҳандаса, астрономия дарслари олиб ташланди. Дин одамларига фаннинг нима кераги бор деб, олимларнинг етишишларига тўсиқ бўлдилар. Кейинги насл ислом душманлари ҳам: "дин одамлари фандан бехабар, муллалар жоҳил ва қолоқ" деб мусулмон фарзандларини исломиятдан совута бошладилар. Исломиятга ва мусулмонларга зарарли бўлган, исломиятнинг ўрганилишига ғов бўлган нарсаларга "мунавварлик, замонавийлик" деб от қўйиб олдилар. Чиқарган ҳар қонунлари мусулмонларнинг ва давлатнинг зарарига ишларди. Ватаннинг асл соҳиби бўлган мусулмон турклар иккинчи табақа ватандош ҳолига келтирилди.

Аскарга бормаган мусулмонларга ўша даврда кўпчилик тўлай олмайдиган даражада катта пул жазоси берилаётганда ғайри муслимлардан арзимаган пул олинди. Бу ватаннинг авлодлари, инглизлар қўзғаган жангларда тинмай шаҳид

бўлаётган бир паллада Рашид пошо ва у етиштирган масонларнинг ўйинлари натижасида мамлакатнинг саноати ва тижорати ғайри муслимларнинг ва масонларнинг қўлига ўтиб улгирди.

Инглизлар, Рус чори биринчи Николайнинг Қуддусда католикларга қарши ортодоксларни [православ] қўзғолонга чорлаганини баҳона қилиб, русларнинг Оқ [Ўрта ер] денгизга тушишини истамаган Франция императори учинчи Бонапартни ҳам Турк-Рус Қрим урушига тортишди. Инглизларнинг ўз манфаатлари учун қилган бу ҳамкорликлари турк миллатига масон Рашид пошонинг дипломатик ғалабалари деб танитилди. Душманларнинг бу моҳирона усталикдаги рекламалари ва сохта дўстликлари билан беркитишга уринган кўпорувчилик ҳаракатларини ҳаммадан олдин тушунган султон, кўп вақт саройида ҳўнграб - ҳўнграб йиғлади. Мамлакатини, миллатини кемираётган душманларга қарши қўйиш учун тадбирлар ахтарар ва Аллоҳу таолога ёлворарди. Шу сабабла масон Рашид пошони бир нчеа марта садри аъзамликдан узоқлаштирган бўлса ҳам, ўзига "енгилмас", "буюк" деган лақаблар қўйиб олган бу айёр одам рақибларини қулатиб, такрор иш бошига келарди. Афсуски, султон қайғу ва ғам-аламдан туберкулёзга чалиниб ёшлик вақтида оламдан ўтди. Кейинчалик бўшаган давлат мансабларига ўтириш учун талашганлар, университет домлалари, суд бошлиқлари мансабига тайинланганларнинг ҳаммаси масон Рашид пошонинг шогирдларидан эди. Шундай қилиб ўша мансабпарастлар **«Қаҳт-и рижол»** даврининг бошланишига сабаб бўлишди. Ва ўша даврдан эътиборан усмонлиларга **"Хаста одам"** дейила бошлади.

Иқтисод профессорларидан Умар Оқсу, 22 январь 1989 йилда Туркия газетасида нашр қилинган мақоласида: «Бизда европа савиясига етиш ҳаракатининг бошланғичи деб 1839 йили Танзимот фармони кўрсатилади. Биз ғарбдан олишимиз керак бўлган нарсанинг технология эканлигини, маданият

эса, миллий бўлиши кераклигини била олмабмиз. Европача савияда яшаш ҳаракати деганда, биз христианча яшаш деган нотўғри йўлни тушунган эканмиз. Мустафо Рашид пошонинг инглизлар билан қилган тижорат шартномаси аслида саноатимизнинг ривожланишига энг катта зарба урган экан» - деб ёзганди.

Усмонли императорлигида Шотландия масонларининг ҳокимияти давом этди. Подшоҳлар суиқасдлар натижасида шаҳид қилинди. Ватаннинг ва миллатнинг фойдасига бўладиган ҳар бир ишга қарши чиқилди. Исёнлар, инқилоблар бир-бирини таъқиб этди. Бу ватан хоинларига қарши энг катта жангни уюштирган мард - жаннатмакон Султон Абдулҳамид хони соний бўлди. Шунинг учун масонлар тарафидан «Қизил Султон» деб эълон қилинди. Султон Абдулҳамид императорликни иқтисодий жиҳатдан ривожлантирди, жуда кўп мактаблар ва университетлар очди, мамлакатни ободонлаштирди. Венадан бошқа Оврупада ўхшаши топилмайдиган замонавий тиббиёт факультети очтирди. 1293 [м.1876] йилда Сиёсий илмлар факультети очилди. 1297 йилда Ҳуқуқ факультети ва Молиявий ишлар назорати - «Сайиштой»ни қурди. 1301 йилда Юксак муҳандис мактаби ва ётоқли Қизлар лицейи қурилди. Европага таҳсил учун кетган талабаларнинг масонлар тарафидан алданишларига тўсиқ бўлиш учун, Европали профессорлар ва фан одамларини жуда катта маош бериб Истанбулга келтирди. Бу университетларда дарс берилди. Қиз талабаларининг ҳам, ўша муаллимлардан фан дарсларини ўқишини таъминлади. Ватанига, миллатига, динига боғлиқ илм ва фан одамлари етиштирилди. Теркос кўлининг сувини қувурлар билан Истанбулга келтирди. Бурсада ипакчилик мактабини, Истанбулда Халқали Зироат ва Байтар [отшунослик] мактабини очтирди. Ҳамидия қоғоз фабрикаси, Қозикўй ҳавогази фабрикаси ва Бейрут портини қурдирди. Усмонли суғурта ширкатини фаолиятга туширди.

Эрегли, Зўнғулдоқ кўмир конларини таъсис қилди. Ақли ожизлар касалхонаси ва Шишли ноҳиясида Ҳамидия Атфол [болалар] касалхонаси ва Дор-ул-ожизани қурдирди. Усмонли қўшинини янгилаб, қувватли армия ҳолига келтирди. Ўз замонасида дунёнинг энг катта қуруқлик армиясини ташкил қилди. Эски кемаларни ҳаличга [қўлтиқ] тортиб, Европада янги ишланган илғор технологияли крувазорлар, зирҳли кемалар билан денгиз флотини қувватлантирди. “Истанбул - Эски шаҳар - Анқара” ва “Эски шаҳар - Адана - Бағдод” ва “Адана - Шом - Мадина” йўналишларида темир йўлларини ишга туширди. Усмонли давлатида дунёнинг энг катта ва энг узун темир йўли тармоғи қурилди. Жаннатмаконнинг бу асарлари бугун ҳам халққа хизмат қиляпти. Бугун поезд билан саёҳат қилганлар, бошдан оёқ мамлакатдаги барча темир йўл вокзалларининг Абдулҳамид хон тарафидан иншо қилинганини ифтиҳор билан кўришяпти.

Яҳудийлар инглизларнинг ҳимояси ва ташвиқи билан Фаластин ҳудудида бир яҳудий давлати барпо қилиш ниятида эди. Бу таҳликани, сионистларнинг фаолиятларини ва орзуларини ҳам жуда яхши билган Абдулҳамид хон Фаластин тупроғидан бир қарич ҳам яҳудийларга сотмасликни амр қилди. Дунё сионизм ташкилотининг раиси Теодор Херзл ва Ҳоҳом [раввин] Моше Леви султон Абдулҳамидни зиёрат қилиб, яҳудийлар учун ер сотишини сўрадилар. Султоннинг жавоби: «Дунёнинг бутун давлатлари пойимга юз сурсалар ва бутун ҳазиналарини оёқларим тагига сочсалар ҳам, сизга бир қарич ер бермайман. Аждодларимнинг қонлари билан олинган ва бу кунга қадар муҳофаза қилинган бу ватан пул билан сотилмайди», бўлган эди.

Яҳудийлар, Усмонли ичидаги сотқин **Иттиҳод ва тараққий** партияси билан ҳамкорлик қилишди. Бутун ёвуз кучларни султонга қарши бирлаштирдилар. Ниҳоят халифа 1327 [м.1909] йилда тахтдан туширилиб, бутун мусулмонларни етим қолдирдилар. Иттиҳод ва тараққий фирқасининг йўл

бошчилари дин душманларини ва масонларни давлатнинг энг юксак мансабларига келтирдилар. Ҳатто, шайхул ислом мартабасига ўтқазиб қўйилган Ҳайруллоҳ ва Мусо Козим ҳам масон эди. Бу билан чекланмаган сотқинлар мамлакатни қонга белади. Ўша инглиз малайи раҳбарлар дастидан аланга олган Болқон, Чаноққалъа, Рус ва Фаластин урушларида хоинча, олчоқча тайёрланган инглиз планлари билан Абдулҳамид хон тарафидан етиштирилган ер юзининг энг катта қуруқлик армияси йўқ қилинди. Юзмингларча ватан фарзанди шаҳид қилинди. Инглизларнинг ҳийлалари билан давлатнинг шоҳсупаларини эгаллаб олган масонлар, ватан бирликка ва мудофаага зор бўлиб турган бир паллада миллатни бошсиз ва эгасиз ташлаб қочдилар. [Мидҳат пошо, Талъат пошо ва Анвар пошо деган уч можаропарастнинг таржимаи ҳолига қаранг. Улар] Хоин эканликларини ўша қилмишлари билан ҳам исботлаб кетишди.

Усмонли императорлиги худудларида очилган миссионер мактаб ва черковларида алданган ғайри муслим ватандошлар, Усмонлиларга қарши қўзғолонга ташвиқ қилинди. Мактабларга муаллим ва черковларга поп сифатида Европадан юборилаётган қора чопонли жосуслар, журналистлар, ҳар борган жойларига пул, қурол ва фитна элтдилар. Катта исёнлар рўй берди. Тарих саҳифаларига инсониятнинг юзқораси ва ваҳшийлиги бўлиб қайд қилинган Армани, Булғор ва Юнон зулмлари содир этилди. Юнонларни Измирга келтириб жангга солганлар ҳам инглизлар эди. Аллоҳу Таоло Турк миллатига марҳамат қилиб, буюк бир истиқлол мужодаласи натижасида бугунги гўзал ватанимиз сақлаб қолинди.

Усмонли давлати парчалангандан сўнг, ер-юзи давлатлари бир-бирини талон қилишга ўтди. Усмонли императорлиги ҳақиқий маънода бир ҳакам ва мувозанат унсури эди. Усмонли Давлати Олийяси мусулмонлар учун ҳомий, кофирларнинг ўзаро қирпичоқ бўлмаслиги учун моне

эди. Султон Абдулҳамид хондан сўнгра ҳеч бир мамлакатда рохат ва ҳузур қолмади. Европа давлатларида биринчи жаҳон уруши, сўнгра иккинчи жаҳон уруши, ундан кейин эса коммунизм истилоси ва зулми туфайли хунрезлик ва қатлиомнинг кети узилмади.

Инглизлар билан тил бириктириб, Усмоний давлатига қарши кўрнамаклик қилган халқ ва элатлар Истанбулга тобе бўлган даврларидаги ҳаловатининг бир парчасига ҳам эришолмадилар. Кейинчалик қилмишларига пушаймон бўлдилар. Ҳатто, ғишт қолипдан кўчгач, хутбаларини яна қайта Усмонли халифаси номидан ўқита бошладилар, аммо на чора. Кўп ўтмай фаластинда инглизлар тарафидан Исроил давлати қурилди. Ана ўшандагина Усмоний давлатининг қадри яққол сезилди. Исроил чангалида инграётган фаластинликларнинг қандай оғир зулм ва ваҳшатларга дуч келишаётганини жаҳон матбуоти эълон қилиб турибди. 1990 йили Миср хорижия нозири яъни ташқи ишлар вазири бўлган Аҳмад Абдулмажид ҳам «Миср энг рохат ва ҳузурли даврини Усмонлилар замонида яшаган эди» - деган эди.

Христиан Европа ва Американинг манфаати бор бўлган бир қарич тупроқни миссионерларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Миссионерлар христианликни ёйиш, ҳошо Худо деб эътиқод қилишаётган Исо алайҳиссаломга хизмат қилиш ва хайрия жамиятлари, севги, сулҳ элтиш баҳоналари ортига яширинган манфаатпараст ҳузур бузувчилардир. Асосий вазифалари, борган ўлкаларини христиан давлатларига қарам қилишдир. Миссионерлар борадиган мамлакатнинг тилини, урф-одатларини чуқур ўзлаштирадилар. Борган давлатнинг сиёсий, ҳарбий, жўғрофий, иқтисодий ва диний аҳволини ўрганиб, христиан давлатига яширин маълумотлар юбориб турадилар. Ҳар қадам босган жойларида ўзларига дўст бўладиган кимсаларни топиб, сотиб олишади. Бу кимсалар ўша ўлканинг вакили бўлишига қарамай ё христианлаштирилган бир ахмоқ ёхуд сотиб олинган сотқин бўлишади.

Бўлажак маҳаллий миссионерлар вазифа топшириладиган, буйруқбозлик қиладиган давлатдан келган миссионер тарафидан етиштирилади.

Масон Рашид пошо тайёрлаган **“Гулхона Фармони”**дан кейин, Усмонли давлатидаги миссионерлик фаолиятлари авж олди. Анатолия [Туркия]нинг энг чиройли гўшаларига коллежлар очилди. Фармондан йигирма бир йил сўнгра Харпут шаҳрида 1276 [м.1859] йили **Фирот коллежи** очилди. Бу бинонинг қурилишига жуда катта маблағ сарфланди. Бу вақтга келиб миссионерлар Харпут водийсида 62 марказ қуришганди. 21 черков тикланган. Олтмиш олти армани қишлоғининг 62 сида миссионер ташкилоти фаолиятга кўчган ва ҳар уч қишлоқ бошига бир черков қурилган эди. Еттидан етмишгача бутун арманилар мусулмонларга ва Усмонлиларга қарши душман қилинган, миссионер аёллар ҳам армани хотин-қизларини бу хусусда етиштириш учун катта ғайрат кўрсатишганди. Машҳур миссионер аёл Мария А. Уест кейинроқ нашр қилган **“Romance of Mission”** китобида «Арманларнинг руҳига кириб, ҳаётларида инқилоб содир қилдик.» деб ёзган эди. Бу инқилоб иши арманлар яшаган ҳар бир қишлоқда мияларга қуйилди. Ғозий Антеп шаҳрида **Антеп Коллежи** ва Мерзифонда **Анадолу коллежи,** Истанбулда эса **Роберт коллежи** ўша бузғунчи «илм» ўчоқларининг асосийларидандир. Масалан Мерзифон коллежида биронта ҳам турк талаба йўқ эди. 135 талабадан 108и арман, қолган 27си эса рум [грек] эди. Булар лайлий [ётоқли] бўлиб Анадолунинг ҳар еридан йиғилган талабалар эди. Мудири худди бошқа коллежларда бўлганидек бир роҳибдан сайланар эди. Ўша вақтда Анадолу [Туркия] қайнай бошлади. Армани қўмитачилар мусулмонларни инсофсизча қатл қилар, мусулмон қишлоқларини ёқар, ватаннинг қўриқчиси ва эгаси бўлган Усмонийга қўлдан келганча зарар бериш йўлига ўтдилар. Ўша арманларнинг таъқиби натижасида, 1311 [м.1893] йили уюштирилган

қатлиомларида қўмитачилар коллежларни қароргоҳ тутиб, барча жиноий режаларни ўша жойларда тузишгани ва барча фаолиятларининг тайёргарлиги коллежларда ўтказилганлиги аниқланди. Бу қонхўрликнинг муаллиф ва йўлбошчилари Кайаян ва Тумаян деган коллеж муаллимлари бўлгани фош қилинди. Бунинг эвазига миссионерлар бутун дунёни оёққа турғазиб, ўша икки хоин арманни қутқариш учун Америкада ва Англияда жуда катта намойишлар тартибладилар. Шу туфайли Англия билан Усмоний давлатининг муносабатлари совуди. Ишнинг қизиғи шундаки, 1893 йилда инглиз миссионерлари томонидан уюштирилган бу намойишларда Мерзифон Анадолу коллежининг мудири ҳам ўшалар билан бирга Лондонда эди. Анадолу, яъни Туркияда содир қилинган мусулмон қатлиомлари христиан китобларида аксига алмаштирилиб ёзилди. Ўша тухматлардан бири Бейрутда нашр қилинган **“Ал-Мунжид”** арабий луғат китобининг Маръош деган сўзида келтирилган.

Ғозий Антеб шаҳрининг собиқ дафтардори, яъни дафтари ҳоқоний маъмури бўлган Айюб Сабрий афандининг **“Асорат хотиралари”** деган 1978 йили Истанбулда нашр қилинган китобида асорат хотираларидан бирини келтириб қуйидагича ёзган: «Инглиз учун, бирон мусулмонга зулм етказиш ва ҳақорат қилиш миллий бурч саналади. Ўша бурчларини адо этиш мақсадида йигирма мингдан зиёд мусулмон асирни 1919 йили Мисрнинг Аббосия касалхонасида кўзларини ўйиб, оёқ-қўлларини чопиб ташлашган эди. Асирларни онадан туққандек қилиб ечинтириб инглиз мингбошисининг олдидан ўтказишарди. Асирлар орасидан Абдуллоҳ домла, ҳеч бўлмаса адаб жойларимни беркитишга рухсат беринг деб ялинди. Изн бермадилар. Масхара қилдилар. Яфа шаҳар ҳокими Умар Байтар афанди ва Акка шаҳрининг миллат вакили [депутати] ва тўртинчи горнизон муфаттиши Асад Шокир афанди ва кўпгина олим ва шарифлар ва Наблус шаҳри идора мажлиси аъзосидан Сайфуддин афанди ҳам

орамизда эди. Эски даврлардаги ваҳшатлар ва Инквизиция зулмлари, бизнинг инглизлардан тортган исканжа ва азиятларимиз олдида ҳеч гап бўлолмайди. Дунёда ҳеч бир миллат таназзул қилмаган пасткашлик, зиллат ва зулмни инглизлар бизга раво кўришди.»

1893 йили миссионерлар арманларга 3 миллион Инжил ва 4 миллион христианликка оид бошқа китоблардан тарқатишган. Ушбу рақамга кўра бешикдаги чақалоқни қўшиб ҳисоблаганда ҳар бир арманга 7 донадан китоб берилган. Фақатгина америкалик миссионерлар йилига китоб учун 285.000 доллар сарфлашарди.

Миссионерларнинг шунча маблағни динларига бўлган садоқатлари туфайли сарфлашаётгандир деб билиш анқовликдир. Чунки миссионерлар учун дин - тижоратдир. Бунча пулни Анадолуга, Исломни емириш, Усмонлини йиқитиш учун сарфлаган миссионерлар, турклар арманларни қатл қилишмоқда, уларга ёрдам берайлик деб, жар солиб христиан халқлардан харажатларининг юзларча мислини йиғиб олишарди.

Худди ўша йилларда коллежларда, черковларда миссионерларнинг алдов ва ташвиқоти ва инглиз армиясининг беқиёс кўмаги билан Усмонли фуқароси бўлган румлар [греклар] Афинада ва Янгишаҳар кентида исён кўтаришиб, юзмингларча мусулмонни аёл, бола-чақа демасдан ваҳшиёна қатл этдилар. Бу исён Аҳмад пошонинг амридаги қўшинлар билан 1313 [м.1895] йили сўндирилди. Бу ғалаба нафақат юнонлилар, балки уларни шишириб, ҳайт-ҳайтлаб турган инглиз кофири устидан қозонилган эди.

Англия давлатини бошқарадиган уч асосий орган Қирол, Парламент ва Черков, яъни Вест министрдир. 918 [м.1512] йилгача парламент ва қирол саройи, Вест министрликнинг, яъни Черковнинг ичида эди. 1512 йилдаги катта ёнғиндан кейин қирол Бэкингэм Саройига кўчиб, парламент билан черков бир маконда қолган эди. Англияда черков билан давлат,

бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, Қирол ва қироличаларга тож кийдириш маросими черковларда ва бош роҳибнинг буйруғи билан амалга ошади.

Инглиз марказий статистикаси бюроси томонидан нашр қилинган «Жамият тамойиллари» номли ропортда ёзилишича, ҳар юз инглиз чақалоғидан йигирма уч донаси ғайри машруъ алоқалар, яъни ноқонуний, ўйнашлик оқибатида дунёга келар экан. 7 май 1990 тарихли Истанбул газеталарининг бирида Англия полиция ташкилоти Скотланд Ярд томонидан нашр қилинган статистикага асосланиб тарқатган хабарида, Лондонда осойишталик ва жон кафиллиги йўқолгани, айниқса аёллар учун жудаям хавфли бир шаҳар ҳолига келгани билдирилган. Инглиз полициясининг ҳисоботига кўра, охирги ўн икки ойда айниқса номусга тегиш ва ўғрилик билан бирга бутун жиноятларда ўсиш кузатилган.

Бутун дунёда ва бутун динларда оила, қонуний равишда аёл киши билан эркак кишининг муштарак турмуши бўлиб белгиланган. Лекин икки эркак кишининг ливота қилишини, турмуш қуришини ҳам Англия конституцияси қонунлаштирган ва бу турмушни ҳимоя қилмоқда.

12 ноябрь 1987 тарихли бир Истанбул газетасида "Инглиз армиясидаги шов-шув" сарлавҳали хабарда қиролича иккинчи Элизабетнинг қўриқчи гвардиясига янги олинган йигитларнинг номусига тажовуз қилингани ва аёвсиз исканжа қилингани ёзилган.

28 декабрь 1990 тарихли Туркия газетасида нашр қилинган бир тадқиқот натижаси мақолада Англия черковларида ҳам Лутий [бачабоз]лар сони 15% ни ташкил қилиши, Лордлар ва Авом палатасида эса бу рақамнинг ўсгани ҳақида маълумот берилган. Ахлоқсизлик Англия идорий кабинасигача кириб бориб, ўтган йилларда оламшумул таъсир уйғотган "Профюмо ишкали" каби ҳодисалар рўй бермоқда. Европада Лутий [бачабозлик] ташкилотини қонуний равишда очган биринчи давлат – Англиядир. Ўша пасткаш иш қилинаётган жойларда

ҳам инглизлар Исломга ҳақорат қилишни канда қилишмаган. Лондоннинг орқа кўчаларида фуҳш, ливота ва ҳар турли ифлослик ишланадиган маконлар, исломиятда муборак саналган яшил рангга бўялиб, ўша исқирт жойларнинг эшигига "Макка" деган лавҳалар осиб қўйилган.

Инглиз **Guardian** газетаси берган хабарда, бугунгача инглиз суд органларига 200 минг қиз бола, балоғат ёшига етар-етмас ўз оталари тарафидан номуслари топталганини шикоят қилиб давлатдан паноҳ сўраб мурожаат қилгани ёзилган. BBC канали эса ўз хабарида, суд органларига мурожаат қилишдан тортинган қизболаларнинг сони 5 миллион деб тахмин қилинаётгани тўғрисида маълумот берган.

Англия, ер тақсими бўйича ҳам, дунёнинг энг адолатсиз структурасига эга. Инглиз деҳқонининг, ер реформалари учун Лордлар билан бўлган омонсиз мужодалалари тарихларда баён қилинган. Бугунги кунда ҳам Англия ер ресурсининг 80% и имтиёзли табақа ҳисобланган бир ҳовуч зодагонларнинг қўлида эканлиги айни ҳақиқат.

31 май 1992 якшанба сонли Туркия газетасида айтиладики: «Англияда иқтисодий таҳрибот сабабли юзага келган ишсизлик ва қашшоқлик, ўз жонига қасд қилишдек қилмишнинг сонини тобора орттирмоқда. Инглиз тиббиёт мажмуаси "British medical"даги Оксфорд касалхонасининг икки доктори ўтказган тадқиқоти натижасида ҳар йил юз минг инглизнинг ўз жонига қасд қилишга уриниши, булардан 4500нинг ўлиши аниқланди. Буларнинг 62 фоизини ёш қизлар ташкил этади. Истребитель учоқлари, бомба ва бошқа қуроллари билан ҳар йили юз мингларча мусулмонни шаҳид қилаётган, ўз ватандошларидан юз мингларчасини интиҳорга [ўз жонига қасд қилишга] етаклаётган инглизлардай хоин, золим, ваҳший бир давлат ҳечам бўлмаган.

Ирландия эса, Англиянинг бошига битган бало бўлди. Инглизларнинг ўзлари қазиган хиёнат чоҳига ўзлари

ўмбалоқ ошадиган кунни иншооллоҳ ҳаммамиз бирга томоша қиламиз.

Китобимизнинг иккинчи қисмини, муборак исмлари билан баракатланиш мақсадида, инглизлар борасида афродини жомиъ, ағёрига мониъ тарифни келтирган Саййид Абдулҳаким Арвосийнинг "раҳматуллоҳи алайҳ" қуйидаги жумлалари билан якунлаймиз:

«Исломнинг энг ашаддий душманлари инглизлардир. Агар исломиятни бир дарахтга қиёс қиладиган бўлсак, бошқа кофирлар фурсат топса, бу дарахтни тубидан кесиб ташлашнинг пайида бўлишади. Мусулмонлар ҳам уни кўргач, уларга очиқча душман бўлишади. Лекин, ўша дарахт бир куни яна янги новда чиқариши мумкин. Инглиз эса унақа эмас. У ўша дарахтга хизмат қилади. Мусулмонлар эса уларга меҳр қўйишади. Лекин, бир кеча ҳеч кимга билдирмасдан дарахтнинг илдизига заҳар қуяди. Дарахт шундай қурийдики, бошқатдан асло кўкармайди. Инглиз кофири эса «Эй воҳ, эй воҳ қандай қайғу! Қанчалик ғамга ботдим»- деган тазиялари билан мусулмонларни алдайди. Бу ерда инглизнинг заҳар қуйиши демак, ҳақиқатда мол-дунё, мансаб ва хотинбозлик каби нафсоний-шаҳвоний орзулари эвазига сотиб олинган маҳаллий мунофиқларнинг, насли пастларнинг қўли билан Ислом олимларини ёмонлаш, Ислом китобларини, илмларини ер юзидан йўқотишидир».

Учинчи қисм

ХУЛОСАТ-УЛ-КАЛОМ РИСОЛАСИ

Юсуф Набҳоний “раҳматуллоҳи алайҳ”[77] ушбу рисоласида буюрадиларки: Аллоҳу таологa ҳамд бўлсин! У хоҳлаган қулини эҳсони бирла ҳидоятга қовуштирмоқда, тилаганини залолатда қолдирмоқда. [Залолатдан қутилишни ва саодати абадийяга эришишни истаганларнинг дуоларини адолати бирла қабул қилмоқда.] Пайғамбарларнинг ва танланганларнинг энг устуни бўлган сарваримиз Муҳаммад алайҳиссаломга салот ва саломлар бўлсин. Унинг ер юзида осмондаги юлдузлар каби порлаган аҳли байтига ва асҳобининг барчасига хайрли дуолар бўлсин!

Бу рисоланинг саҳифалари оз, лекин ичидаги илмлар кўпдир. Илм ва ақл соҳиблари буни инсоф билан ўқисалар, сўзсиз қабул қиладилар. Аллоҳу таолонинг ҳидоятига ва тўғри йўлига эришганлар ҳам, дарҳол ишонадилар. Бу рисола Аллоҳу таолонинг мусулмонларга эҳсон қилган **Сироти мустақим**ини, душманларига раво кўрган **Залолат йўли**дан ажратиб турувчи фарқларни баён қилади. Бу рисолага **“Хулосат-ул-калом фи таржиҳ-и дин-ил-ислом”,** яъни “Ислом динини қабул қилишга сабаб бўлувчи сўзлар хулосаси” исмини бердим.

Эй, ўзини абадий азобдан қутқариш ва ҳисобсиз неъматларга қовушиш истагида бўлган инсон! Жуда муҳим ва жуда улуғ бўлган бу ҳақиқатни тушуниш ва абадиян жаҳаннам азобидан қутилиш сабабини билиб олиш мақсадида агар туни куни ҳар дақиқада, ҳар жойда тинмай фикрласанг, тинмай изласанг, одамлардан маслаҳат сўраб,

[77] Юсуф Набҳоний, 1350 [м.1932] йилда Бейрутда вафот этди.

инсон тоқати дош бера оладиган даражада интилсанг ҳам, бу ҳаракатларингнинг барчаси ушбу улуғ ҳақиқатни қўлга киритиш борасида арзимас бир уриниш бўлиб қолаверади. Ҳатто катта ҳазинани топиш йўлида бор кучингни сарфлаб, атиги бир қум заррасидек изланган бўласан. Сен ўқиётган бу қисқагина ёзув ҳам, ушбу улуғ ҳақиқатни ёрита олмайди. Лекин шундай бўлса ҳам, бу ёзувимиз ақл эгаларига бирон ишорат, бирон белги бўлар деган мақсадда қаламга олинди. Ақлли кимса биргина ишоратдан ҳам мақсадни тушуна олади. Буни тафаккур эта олиш, фаҳмлай билиш учун калаванинг учи вазифасини ўтайдиган бир неча сўз ёзмоқчиман:

Азалдан ҳар бир инсон ўзи одатланган нарсаларига кўнгил қўяди. Булардан айрилиб қолишни асло истамайди. Туғилгач, сут эмишга одатланади ва бундан жудо бўлишни истамайди. Улғайгач, уйига, маҳалласига, шаҳрига ўрганиб қолади. Булардан айрилиш ҳам жуда қийин кечади. Сўнгра дўконига, санъатига, шуғулланаётган фан ишларига ва бола чақасига, тилига, динига ўрганиб, шунчалик меҳр қўядики, булардан воз кечиш, жудо бўлиш унга фалокатдек туюлади. Шу тариқа ҳар хил жамоатлар, қавмлар (гуруҳ), миллатлар ҳосил бўлади. У ҳолда, бир халқнинг ўз динига бўлган меҳр-муҳаббати, зинҳор ўша диннинг энг ҳаққоний дин эканлигини тушуниб етганлигидан ҳосил бўлган эмас. Оқил инсон ўз динини ва бошқа динларни таққослаши ва динлар ичида ҳақ бўлганини қабул қилиб шунга интилиши керак. Чунки, ботил динга боғланмоқ инсонни абадий фалокатларга, доимий азобларга судрайди. Эй инсон, ғафлат уйқусидан уйғон! «Ҳақ диннинг қайси дин эканлигини қандай биламан. Мен ўрганиб қолган дин ҳақ эканлигига ишонаман ва мен бу динни севаман» - дейдиган бўлсанг, шуни билгинки «Дин - Аллоҳнинг Пайғамбарлар воситасида юборган амрлари ва тақиқларига итоат қилишдан иборатдир». Бу амрлар инсонларнинг Раббига бўлган ва бир-бирларига бўлган вазифаларидир.

Мавжуд динлар орасида Аллоҳнинг сифатларини, ибодат шаклларини ва махлуқларнинг ўзаро муносабатларини энг мукаммал ва энг фойдали тарзда қайси бири билдирган? Ақл, яхшини ёмондан ажратадиган қувват. Ёмон нарсани тарк этиш, яхшисини эса, тадқиқ қилиб [изланиб] ўзлаштириш керак. Динни тадқиқ қилиш деб, диннинг вужудга келишини [бошланғичини], пайғамбарларини, асҳобини, умматини ва дин улуғларини ўрганишга айтилади. Агар булар маъқул келса, ўша динни танла! Нафсингга эмас, ақлингга бўйсун! Нафсинг оиладан, дўст-биродардан, бузуқ, ёмон дин одамларидан уят бўлишини ва улардан зарар етишини баҳона қилиб сени чалғитмоқчи бўлади. Лекин бу зарарлар, абадий азоб ёнида заррача аҳамиятга эга эмас. Буни яхши англаган кимса албатта **дини Ислом**ни танлайди. Пайғамбарларнинг энг охиргиси бўлган Муҳаммад алайҳиссаломга ишонади. Зотан исломият, бутун пайғамбарларга иймон келтиришни амр этмоқда. Бу билан бирга уларнинг динларининг ҳақ бўлганлигини, лекин ҳар расулнинг келиши аввалги диннинг ҳукмларини бекор қилганидек Муҳаммад алайҳиссаломнинг келиши ҳам бутун динларни бекор қилганлигини Ислом дини хабар бермоқда. Инсонга тобе бўлган динининг ботил эканлигини тушуниб етиб, бу динни тарк этиб, Муҳаммад алайҳиссаломга иймон этиши нафсига жуда оғир келади. Чунки нафс, Аллоҳу таолога ва Муҳаммад алайҳиссаломга ва унинг шариатига душман қилиб яратилган. Нафснинг бу душманлигига **Ҳамийят-ул-жоҳилийя** дейилади. Ботил диндаги оналар, оталар, муаллимлар ва ёмон дўстлар [уларнинг радиолари, телеканаллари ва ҳукумат одамлари] нафснинг бу душманлигини авж олдириб туради. Шунинг учун «болага ўргатиш тошга ўйиб ёзиш кабидир» дейилган. Нафснинг бу душманлигини йўқотиш учун кўп ҳаракат қилиш, ўз нафсингга қарши жиҳод қилиш ва нафсни ақл билан ишонтириш лозим. Қуйидаги ёзувларни диққат билан ўқиш сенга ўша жиҳодингда катта наф келтиради:

Бир динга тобе бўлишдан мақсад, абадий саодатга эришиш ва чексиз фалокатлардан қутулиш учундир. Йўқса, зинҳор ота-онадан “мерос” қолган дин билан овуниш учун эмас. Пайғамбар деганда ҳам, пайғамбарлик сифатларига эга бўлган ва Аллоҳнинг буйруқларини қулларига таблиғ қилган инсонларгина тушунилади. Мана шундай пайғамбарга тобе бўлиш ва Унинг динига кириш керак. Васаний деган кимсалар, яъни ҳайкалларга, бутларга сиғинувчилар ва даҳрий деб аталувчи тангрисизлар [атеистлар ва масонлар, коммунистлар] ҳайвон кабидирлар. Насроният ва яҳудият динлари ҳам, қуйидаги сабабларга кўра ботил, яъни ҳаққонийлигини йўқотган:

1. Ислом динида Аллоҳу таолонинг камол сифатлари бор. Нуқсон сифатлари йўқ. Ибодатларни бажо келтириш ниҳоятда қулайдир. Инсонларнинг ўзаро муомалалари адолатга бўйсунади. Бошқа динларнинг ибодатлари ва бир-бирлари билан муомала қоидалари замон ўтиши билан ўзгариб, ақлга уйғун ҳоллари қолмаган.
2. Агар Муҳаммад, Исо ва Мусо алайҳимуссаломнинг ҳаётлари тарихлардан чуқурроқ ўрганилса, бу уч Пайғамбар ичида Муҳаммад алайҳиссаломнинг энг нажиб, энг асил, энг фойдали, ниҳоятда олим, энг ақлли (доно), энг устун, дунё ва охират билимларида энг ориф бўлганлиги яққол кўзга ташланади. Ҳолбуки ўзлари уммий эдилар. Яъни ҳеч китоб ўқимаган, кимсадан бир нима ўрганмаганди.
3. Муҳаммад алайҳиссаломнинг мўжизалари бошқаларнинг мўжизалари йиғиндисидан ҳам бениҳоя кўп ва жуда ҳисобсиз эди. Бошқаларнинг мўжизалари ўтган ва битган, лекин Муҳаммад алайҳиссаломнинг мўжизаларидан бир қисми, айниқса Қуръони карим мўжизаси қиёматга қадар давом этмоқда. Умматидан авлиёсининг кароматлари ҳам, ҳамма вақт ва ҳар жойда кўрилмоқда.

Бу уч динни бизларгача олиб келган хабарлар орасида Муҳаммад алайҳиссаломни ва Унинг динини билдирувчи Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифлар наригиларга нисбатан

кўпроқ ва саҳиҳроқ бўлиб, барча китобларга туширилиб дунёнинг ҳар тарафига ёйилган. Муҳаммад алайҳиссалом қирқ ёшларида ўзига Пайғамбар бўлганлиги билдирилди. Олтмиш уч ёшида вафот этдилар. Пайғамбарлиги йигирма уч йил давом этди. Бутун араб ярим ороли итоат этиб, дини ҳар тарафга ёйилиб англашилгач, даъвати шарқдаги ва ғарбдаги халқларга етиб бориб, Асҳоби юз эллик минг бўлгандан сўнгра вафот этдилар. Видолашув ҳажини юз йигирма минг Саҳобий билан адо этдилар ва саксон кун ўтгач вафот этдилар. **«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон тамомладим ва сизлар учун Исломни дин сифатида танлаб, бундан рози бўлдим»** маолидаги Моида сурасининг учинчи ояти каримаси ўша ҳаж мавсумида нозил бўлди. Ўша Саҳобаларнинг барчаси содиқ ва амин эди. Кўпи динда етук олим ва ҳаммаси авлиё эди. Улар Расулуллоҳнинг динини ва мўжизаларини ер юзига ёйдилар. Чунки, жиҳод мақсадида турли мамлакатларга ёйилдилар. Борган ерларида инсонларга, дин илмларини ва мўжизаларни етказдилар. Улар ҳам бошқаларга билдирдилар. Шу тариқа ҳар асрнинг олимлари, келаси табақадаги жуда кўп олимларга ўргатиб кетишди ва булар ҳам ушбу илмларни ва уларнинг билдирганларини мингларча китобларга ёзиб қолдирдилар. Ўрганган ҳадиси шарифларини саҳиҳ, ҳасан каби бир неча қисмларга айирдилар. Ёлғончиларнинг [ва яҳудийларнинг], ҳадис дея уйдирган сўзларини китобларига олмадилар. Бу хусусда жуда диққатли ва эҳтиёткорлик билан қалам тебратдилар. Буларнинг ғайратлари билан ислом дини жуда соғлом асослар устига қурилди ва ҳеч ўзгармасдан ёйилди. Бошқа динларнинг ҳеч бири бунчалик сиҳҳатли нақл қилина олмади.

Севгили Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг мўжизалари ва ҳақ пайғамбар бўлганлигининг васиқалари [ҳужжатлари], диннинг асосий ва зарурий лозим бўлган билимлари, Аллоҳу таолонинг борлиги, бирлиги ва камол

сифатлари ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги, содиқ, амин ва бутун пайғамбарлар ичра энг устуни эканлиги, инсонларнинг ўлимдан кейин қайта тирилишлари, ҳисобга тортилишлари, сирот кўприги, жаннат неъматлари, жаҳаннам азоблари, ҳар куни беш вақт намоз ўқишнинг фарз бўлгани, пешин, аср ва хуфтон намозларининг фарзлари тўрт ракаат, бомдод намози икки ракаат ва шом намози фарзининг эса уч ракаат бўлганлиги ва самода Рамазон ойининг ҳилоли кўрилган пайтда рўзага бошланиши, Шаввол ойининг ҳилоли кўринганда фитр байрамини нишонлаш, умрида бир марта ҳажга боришнинг фарз бўлгани, [хотин-қизларнинг бошлари, сочлари очиқ кўчага чиқишлари ва ливота] зинонинг ҳаром экани, шаробнинг [ва ичилганда маст қилувчи спиртли ичимликларнинг томчиси ҳам] ичилиши ва жунуб кимсанинг ва ҳайз ҳолидаги аёлларнинг намоз ўқишлари ва таҳоратсиз намоз ўқишнинг ҳаром қилингани каби зарурий дин билимлари олим ва жоҳил, бутун мусулмонларга тўғрича ҳеч қандай ўзгартиришсиз етказилди. Бу билимларнинг ҳаммаси ҳеч ўзгармаган ҳолда бизларгача улаштирилди. Буни инсоф соҳиби бўлган насроний ва яҳудийлар ҳам билади. Муҳаммад алайҳиссаломнинг замонаси бошқа расулларга нисбатан давримизга яқинроқ бўлиши ва ислом динини бизларгача етказган олимларнинг жуда кўп бўлиши, исломиятга хурофотлар, бўҳтонлар аралашиб кетишига монеъ бўлди. Христиан ва яхудий динлари бу икки неъматга молик [эга] эмас. Исо алайҳиссаломнинг биъсати [келиши] билан Муҳаммад алайҳиссаломнинг биъсати орасида [тарихчиларга кўра] олти юз йил қадар замон фарқи бор. Чунки, Исо алайҳиссаломнинг мавлуди (туғилиши, таваллуди) билан Муҳаммад алайҳиссаломнинг Макка шаҳридан Мадинага ҳижрати орасида 621 йил фарқ бор [дейдилар. Ҳолбуки ислом олимларига кўра, бу фарқ минг йил]. Икки расул орасидаги ўша узоқ давр мобайнида дунёнинг ҳар тарафи жаҳолат ботқоғига ботган бўлиб, саҳиҳ хабарларни янглишларидан ажратиш бениҳоя мушкил эди.

Исо алайҳиссаломнинг даъват замони узоқ давом этмади. Уч йилдай қисқа муддат ўтгач, Аллоҳу таоло уни ўттиз уч ёшида самога кўтарди. Ўша қисқа вақт ичида ҳам, кофирлар қаршисида заиф ва мағлуб ҳолда эди. Пайғамбарлик вазифасини бемалол бажо келтира олмади. Бунга яҳудийлар ва Рим хукумати ҳам тўсқинлик қиларди. Ҳаворий деб аталадиган ёрдамчилари ҳам оз эди. Унга иймон келтирган ҳаворийлари атиги ўн иккита овчидан иборат бўлиб, барчаси заиф кимсалар эди. Исо алайҳиссалом самога чиқарилгандан кейин хабарлар, ривоятлар тўпланиб, Инжил китоблари ёзилиб, жоҳиллар орасида қўлма-қўл юрди. Ҳар бир тилга таржима қилиш жараёнида ҳисобсиз ўзгартиришларга учраган бу инжилларда бир-бирларига ва ақлга зид бўлган кўпгина маълумотлар бор эди. Ҳатто бу фарқли инжиллар ҳанузгача бир-бирининг айбини очиб, обрўсини ер билан бир қилмоқда. Бу аянчли аҳвол бир Инжилнинг ҳар-хил нусхаларида ҳам мавжуд. Бу зиддиятлар, фарқлар, ва ихтилофлар натижасида, муайян йилларда папалар тўпланишиб, инжилларга тузатиш киритишга мажбур қўйга тушдилар. Бир қанча иловалар ва қайчилашга дучор қилинган инжилларга диндан бўлмаган кўпгина сафсаталарни ҳам аралаштириб юборган папалар, инсонларни ўша китобларга ишонишга мажбурлашди. Инжил деб аталувчи бир бирига зид китоблардаги ёзувларнинг кўпчилиги Исо алайҳиссаломнинг ва ҳаворийларнинг сўзлари эмас эди. Шунинг учун бир неча фирқаларга айрилдилар. Ҳар асрда янги христиан оқимлари пайдо бўлди. Кейин келганларнинг кўпчилиги аввалгиларидан айрилди. Шунга қарамай, бу фирқаларнинг барчаси қўлларидаги инжилларнинг Исо алайҳиссалом келтирган илоҳий китоб эмаслигини юракдан билишарди.

Мусо алайҳиссаломнинг дини ва мўжизаларини англатувчи яҳудий китоблари ҳам худди шу аҳволда эди. Унинг устига бундаги замон фарқи нисбатан жуда катта эди. Мусо алайҳиссалом бир ривоятда, Муҳаммад

алайҳиссаломнинг ҳижратидан 2348 йил аввал вафот этган. Орадаги жоҳилият асрларида Мусавий динининг саҳиҳ нақл қилиниши имконсиз бўлди. Аҳён-аҳёнда ҳокимият бошига келган Бухтун-насарга ўхшаган золимлар ҳам, яҳудий дин одамларини битта қўймай қирди. Бир қисмини эса, Байтул-муқаддасдан Бобил шаҳрига асир қилиб юборди. Ҳатто, Қуддусда Таврот ўқийдиган кимса қолмаган замонлар бўлди. Дониёл алайҳиссалом Тавротни ёддан ўқир ва ёздирарди. Шу тариқа ўзгаришдан қутқарган бўлса ҳам, кейинчалик унинг ёздирганлари ҳам ўзгартирилди. Китоб саҳифаларига Аллоҳу таологa ва Пайғамбарларига ярашмайдиган чиркин бўҳтонлар, бегона ёзувлар аралаштирилди.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг замонидан сўнг, Унинг уммати даврида ҳеч қандай жоҳиллик ёйилмаганини ҳар бир миллат билади. Аксинча, мусулмонлар орасида илм юксалган, улуғ ислом давлатлари қурилиб, илмни, фанни, адолатни, инсон ҳақларини ҳар тарафга ёйгандилар. Агар ақли, инсофи бўлган бир кимса бу уч динни тадқиқ этса, таққосласа, албатта исломиятга тан бериб, бўйин эгади. Чунки асл мақсад - ҳақ бўлган динни топишдир. Ёлғон гапириш ва туҳмат қилиш исломиятда ҳаром. Ояти каримала ва ҳадиси шарифлар ҳар иккаласини ҳам шиддат билан ман қилган. Ҳар қандай бир шахсга туҳмат қилишнинг ўзи катта гуноҳ бўлгандан кейин Расулуллоҳга туҳмат қилишнинг нақадар катта гуноҳ ва ҳаром бўлишини изоҳ қилишга хожат қолмайди. Худди шунинг учун ҳам, Муҳаммад алайҳиссаломни ва мўжизаларини ёритган ислом китобларида зиғирча ёлғон, носаҳиҳ маълумот ва заррача хато бўлиши қатъиян мумкин эмас. Ақлли, инсофли кимсанинг ўжарликни қўйиб, охири фалокат билан тугайдиган бўлмағур динни тарк этиши ва ҳақ, саодат йўли бўлган порлоқ динга тобе бўлиши лозим. Дунё ҳаёти шунчалик қисқадирки, ҳар бир куни сувдай оқиб ўтиб ҳаёлга айланмоқда. Ҳар инсоннинг оқибати ўлимдир. Ўлимдан сўнграси эса, ё доимий азоб, ёки абадий

неъматлардан иборатдир. Ўша мангу азоб ва неъмат вақти, бутун одамзотга катта тезликда, суръат билан яқинлашиб келмоқда.

Эй инсон! Ўзингга озгина раҳм қил! Ақлингни ёпиб турган ғафлат пардасини олиб ташла! Ботилнинг ботил эканлигини кўр, англа ва ундан қутилишга интил! Ҳақнинг ҳақ эканлигини ҳам кўр, тушун ва унга тобе бўл, чамбарчас боғлан! Берадиган қароринг бениҳоя улуғ ва жуда муҳимдир. Вақт эса, жуда оз. Муҳаққақ ўласан! Ўлган вақтингни ўйла! Бошингга келадиганларга ҳозирлан! Ҳаққа тобе бўлмагунча абадий азобдан қутила олмайсан! Кейинги пушаймонлик фойда бермайди. Сўнгги нафасда ҳамма нарса бурнинг тагига келтириб кўрсатилгандан кейин, ҳақни тасдиқ этишинг қабул қилинмайди. У дамда фақатгина мусулмоннинг гуноҳларига қилган тавбасигина қабул бўлади. Ўша кун, Аллоҳу таоло: «Эй, бандам! Сенга ақл нурини бергандим. У билан мени англашни, Менга ва Пайғамбарим Муҳаммад алайҳиссаломга ва У олиб келган Ислом динига иймон келтиришни амр қилгандим. Бу Пайғамбарнинг келишини Тавротда ва Инжилда хабар бергандим. Исмини ва динини ҳар мамлакатга ёйгандим. Эшитмадим дейишга ҳаққинг йўқ! Кеча-кундуз, дунё моли учун, дунё завқлари учун тер тўкдинг. Охиратда бошингга келадиганларни ҳеч ўйламадинг. Ғафлат босиб юрганда мана ниҳоят ўлим чангалига тушдинг»- деса, нима деб жавоб берасан?

Эй инсон! Бошингга келадиганларни фикр қил! Умринг тугамасида ақлингни бошингга йиғ! Атрофингда кўрган, гаплашган, севган, қўрққан кимсаларинг ҳаммаси, бирин-кетин ўлдилар. Худди хаёлдек келиб кетдилар. Яхшилаб ўйлан! Абадий оташда ёнишдек даҳшатли азобга розимисан?! Бу қандай улуғ азоб! Чексиз неъматлар ичида мангу умр кечиш эса, қандай улуғ неъмат! Булардан бирини танлаш ҳуқуқи ҳозир сенинг қўлингда. Овора бўлма, ҳар бир инсоннинг оқибати мана шу икки манзилдан бири бўлади. Учинчи манзил йўқ! Бундан қочиб қутилиш имконсиздир.

Буни фикр қилмаслик ва тадбир олмаслик, қип-қизил жоҳиллик ва телбаликдир. Аллоҳу таоло ҳаммамизни ақлга тобе бўлганлардан айласин! Омин.

“Қавл-ус-сабт фи радди ало даовил-протестанет” китобидан иқтибос: Аллома Раҳматуллоҳ афанди[78] **“Изҳор-ул-ҳақ”** китобида марҳамат қилиб айтадиларки: Исломият келмасидан аввал ҳеч бир ерда ҳақиқий Таврот ва ҳақиқий Инжил йўқ эди. Замонамизда мавжуд бўлганлари ҳам, тўғри билан ёлғоннинг аралашмасидан таркиб топган хабарларни ихтиво қилувчи тарих китобларидир. Қуръони каримда билдирилган Таврот ва Инжил ҳозирги мавжуд бўлган Таврот ва Инжил номли китоблардан мутлақо бошқа. Булардаги маълумотлар ичида Қуръони каримнинг тасдиқ этганларигина тўғри, рад этганлари нотўғридир. Қуръони каримда билдирилмаганлари ҳақида, тўғри ёки хато демаймиз. Мавжуд тўрт Инжилнинг Аллоҳ каломи эканини далиллайдиган ҳеч бир ҳужжат ва асос йўқ. Ҳиндистонда суҳбатлашган Инглиз попи ҳам, буни эътироф қилган ва мелодий 313 йилгача дунёда майдонга келган катта зиддиятларда, урушларда бу ҳужжатлар ғойиб бўлди, деганди. Horn, Инжил тафсирининг иккинчи жилдида ва тарихчи Mocheim[79] 1332 [м.1913] йилда нашрдан чиққан тарихининг биринчи жилди, 65-чи саҳифасида ва Lardis Инжил тафсирининг бешинчи жилди, 124-чи саҳифасида, Инжилларда қўшимчалар, ўзгартиришлар қилинганлиги ҳақида маълумот берган. Cirum[80]: «Инжилни [Китоб-и

[78] Раҳматуллоҳ Ҳиндий, 1306 [м. 1889] да Маккада вафот этди.

[79] Mocheim Johann Lorenz Von, немис протестант попи ва тарихчи 1694 йилда Лубекда туғилди. 1174 [м. 1755] йили Гоффинденда ўлди. Энг машҳур асари **“Муқаддас Инжил тарихи”** китобидир.

[80] Cirum, Jerome Saint, уч йил Истанбулда бўлди. 382 йилда Римга бориб папанинг секретари бўлди. Китоб-и Муқаддасни [Инжилни] лотинчага таржима қилди. 30 сентябрда эсга олиниб шарафига маракаси [пасха] нишонланади. Қилган инжил таржимаси черковларнинг расмий китоби деб тан олинди.

муқаддас] таржима қилаётганимда нусхаларининг бир-бирига ўхшамаслигига, зиддиятларига гувоҳ бўлдим»-деган. Adam Clarke[81] тафсирининг биринчи жилдида: «Инжил лотинчага таржима қилинаётганда жуда кўп ўзгаришларга учради. Бир-бирига зид иловалар қилинди.»-деб ёзган. Католик Ward[82] 1841 йил нашрли китобининг ўн саккизинчи саҳифасида: «Шарқдаги мулҳидлар [диндан қайтганлар], Инжилнинг кўпгина жойини ўзгартирдилар. Протестант папалари [роҳиблари], қирол биринчи Жеймсга тақдим қилган рапортларида, «дуо китобимиздаги Забурлар ибронийча нусхаларига ўхшамаяпти. Қўшимча, чиқарма ва табдил, ҳаммаси бўлиб икки юзга яқин ўзгариш бор», – деб ёзган. Протестант поплари, инжилни янада ўзгартирдилар. Раҳматуллоҳ афандидан иқтибос шу ерда тамом бўлди. "**Изҳор-ул-ҳақ"** китобида шунга ўхшаш яна анчагина мисоллар келтирилган. Иззаддин Муҳаммадийнинг "**Ал-фосилу байнал-ҳақ вал-ботил"** ва Абдуллоҳ Таржимоннинг "**Туҳфа-тул-ариб"** китобларида ҳам, Инжиллардаги зиддиятлар ҳақида мисоллар берилган.

Бутун жаҳон папалари шуни яхши биладики, Исо алайҳиссалом ҳеч нарса ёзмаган ва ёзма бирор нарса ҳам қолдирмаган. Бирон кимсага ҳам ёздирмаган. Шариатини ёзма ҳолда билдирмаган. Самога чиқарилгандан сўнгра, Исавийлар орасида айриliқлар бошланди. Бирлашиб дин илмларини бир қолипга солмадилар. Кейинчалик элликдан зиёда **Инжил** ёзилди. Булар орасида тўрттаси танланди. Исо алайҳиссаломдан саккиз ёки ўн икки йил сўнгра Фаластинда сурёний лисонида [тилида] **"Матта"** Инжили ёзилди. Бу Инжилнинг асл нусхаси йўқолган бўлиб, юноний таржимаси деган нусхаси мавжуддир. **"Маркус"** Инжили ўттиз йил

[81] Adam Clarke, 1179-1249 [м.1760-1832] Ирландиялик Инжил воизи. Машҳур асари **"Китоб-и Муқаддас тафсири"**дир.
[82] Ward William George, 1228-1300 [м.1812-1882] машҳур католик инглиз попи. Энг машҳур асари **"Христиан черковининг идеали"**дир.

ўтгач Римда ёзилди. **"Лука"** Инжили, йигирма саккиз йилдан кейин Искандарияда юнонийда ёзилди. **"Юханна"** Инжили ўттиз саккиз ёхуд олтмиш беш йилдан сўнгра, Эфсус шаҳрида ёзилди. Ҳаммасида ривоятлар, ҳикоятлар ва Исо алайҳиссаломдан кейин содир бўлган баъзи воқеалар ёзилган. Лука ва Маркус ҳаворийлардан эмасди. Булар бошқалардан эшитганларини ёздилар ва ёзган китобларига Инжил демади, балки тарих китоби дедилар. Уларнинг тарих деган асарларини кейинчалик таржима қилганлар эса Инжил дейишди.

Ушбу **«Қавл-ус-сабт"** китоби – бир протестант попининг арабий тилда Мисрда ёзиб чоп эттирган "**Ақовил-ул-Қуръонийя**" китобига жавоб тариқасида, Саййид Абдулқодир Искандароний тарафидан 1341 [м.1923] йилда ёзилган бўлиб, 1990 йилда "Ҳақиқат Китобуйи" тарафидан, арабий "**Ас-сирот-ул-мустақим"** ва "**Хулосат-ул-Калом"** китоблари билан бир китоб ҳолида чоп этилди.

Туркча "**Изоҳ-ул-маром**" китобида бундай дейилади: Асл Инжил ибронний тилида эди ва яҳудийлар Исо алайҳиссаломни ўлдириш мақсадида қилган тинтув чоғида, бу нусхани топиб олиб, йўқ этдилар. Исо алайҳиссаломнинг даъват муддати бўлган уч йилда бошқа нусхаси ҳали ёзилмаганди. Христианлар асл Инжилни инкор этадилар. Улар Инжил деб атаётган тўрт китобда, ақалли бир дона ибодат тури ҳам мавжуд эмас. Фақатгина Исо алайҳиссаломнинг яҳудийлар билан бўлган мунозашалари ёзилган. Ҳолбуки дин китоби – ибодатларни билдирувчи китоб демакдир. Шояд таврот бўйича ибодат қиляпмиз деган баҳонани олға сурсалар, явм-и сабтга [шанба кунига] аҳамият бериш, суннат бўлиш, ҳар тонг ва оқшом тик туриб дуо қилиш, маълум кунларда рўза тутиш, хотинни талоқ қилиш ҳақларига молик бўлиш ва чўчқа эти емаслик каби, Тавротнинг муҳим амрларини нечун бажармайдилар? Буларни тарк қилишлари ҳақида инжилларида биронта буйруқ ҳам йўқ. Ҳолбуки, Қуръони

каримда ҳар бир ибодат, чиройли ахлоқ, ҳуқуқ, тижорат, деҳқончилик ва фан билимларига ташвиқ масалалари батафсил билдирилган, жисмоний ва руҳоний бўлган ҳар мушкилот ҳал қилинган.

Шоирлар, адиблар, кофирлар бир минг тўрт юз йилдан бери қанча ҳаракат қилишган бўлса ҳам, Қуръони каримнинг бир оятининг ўхшашини сўзлай олмадилар. Калималари арабий бўлиб ҳар ерда ўқилгани ҳолда, биргина оятнинг ўхшаши ҳам одамзод тарафидан айтила олмаётгани, Қуръоннинг мўжиза эканлигига ёрқин далилдир. Муҳаммад алайҳиссаломнинг бошқа мўжизалари битиб, фақат исмлари қолган, Қуръони карим эса, ҳар замон ва ҳар ерда қуёш каби порламоқда. Ҳар дардга илож ва дармон бўлмоқда. Аллоҳу таоло бутун қулларини бахтиёр қилиш учун уни Ҳабиби акрамига эҳсон ва нозил қилган. Сўнгсиз лутфи-карами ва марҳамати билан бузилиш ва ўзгаришлардан ҳифз ва ҳимоя қилди. Бошқа кутуби самовия учун бундай ваъда қисмат қилинмаганди. [Аллоҳу таоло Қуръони каримни севгили Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга, Жаброил исмли малак билан, парча-парча ҳолида йигирма уч йил давомида юборди. Биринчи халифа Абу Бакр “родиёллоҳу таоло анҳ” Аллоҳу таолонинг юборган бу оятларини бир орага жам қилиб ёздирди. Шу тариқа **“Мусҳаф”** деган буюк бир китоб майдонга келди. Ўттиз уч минг Саҳобий бу Мусҳафни, Муҳаммад алайҳиссалом билдирган барча оят ва сураларнинг айниси эканлигини иттифоқ билан тасдиқладилар. **“Риёд-ун-носиҳийн”** 375-чи саҳифасида: «Қуръони каримда 6236 оят бор» – дейилган. Баъзи узун оятлар кичик оят қилиб (бўлиниб) алоҳида саналгач, оят ҳисоби кўпаяди. Шу ҳолда оят ҳисоби 6366 бўлган Мусҳафлар ҳам мавжуд. Муҳаммад алайҳиссалом, Қуръони каримнинг ҳаммасини Асҳобига изоҳ этди, очиқлади. Ислом олимлари, Асҳоби киромдан эшитганларини ёздилар. Мингларча тафсир

китоблари майдонга келди ва ҳар мамлакатга ёйилди. Ҳозир дунёнинг ҳар бурчагидаги Қуръони каримлар, бир-бирининг айнисидир. Ораларида бир ҳарф, ҳатто бир нуқта ҳам фарқ қилмайди.]

Жами пайғамбарларнинг шариатлари, ўз замонларининг эҳтиёжларига жавоб берадиган моҳиятда бўлганидан бир-биридан фарқли эди. Лекин, барчасида иймон келтириладиган хусуслар бирдай эди. Ҳаммаси Аллоҳу таолонинг бир эканини, ўлгандан кейин такрор тирилиш борлигини билдирдилар. Тасниянинг тўртинчи фаслининг ўттиз тўққизинчи оятида: «Ерларнинг ва кўкларнинг соҳиби бирдир, бошқаси йўқдир», олтинчи фаслда: «Эй Исроил тингла! Аллоҳимиз, Раббимиз бирдир» ва “Сифр-ул-мулук-и солис”да, Сулаймон алайҳиссалом Байт-ул-муқаддасни (Қуддусдаги Масжиди ақсони) барпо қилганида, пештоқига «Эй, Исроилнинг Аллоҳи! Ерда ва осмонларда Сен каби Раб йўқдир. Сен ерларга ва кўкларга сиғмассан. Қаердаки бу қурган уйга». дегани ёзилган. “Сифр-ул-мулук-ил-аввал”да **«Самуил 1»**нинг ўн бешинчи фасли, 29-чи оятида, **Самуил** пайғамбарнинг: «Исроилнинг азизи, яъни илоҳи ва маъбуди ёлғон сўзламайди ва надомат қилмайди. Чунки У инсон эмас». дегани ёзилган. **Ашъиё** пайғамбарга иснод қилинган китобнинг қирқ бешинчи бобида: «Мен Раббларингман! Мендан ғайри илоҳ йўқ. Нурни ва зулматни яратган, хайрни ва шаррни ҳалқ этган менман» - деган Аллоҳга тааллуқли эканлигини айтишимиз мумкин бўлган жумлалар бор. Матта инжилининг ўн тўққизинчи бобида, «Бир кимса унга дедики, эй яхши муаллим! Қандай яхшилик қилсам, абадий ҳаётга ноил бўламан! Унга жавоб тарзида, Менга нечун яхши деяпсан? Бирдан бошқа яхши йўқ. У Аллоҳдир. Абадий ҳаётга эришишни истасанг, Унинг насиҳатларини бажо келтир!»- дегани ёзилган. Маркуснинг ўн иккинчи бобида: «Котиблардан бири “Биринчи амр недир?”- деб сўради. Исо алайҳиссалом унга жавобан, “Амрларнинг

биринчиси, Раббимиз бирдир. Бутун қалбинг-ла, бутун тоқатинг-ла Раббингни сев!" деди»- ояти мавжуд. Муҳаммад алайҳиссалом ҳам асҳобига худди шундай буюрганлар.

Муҳаммад алайҳиссаломни такзиб этган [ишонмаган] кимса, ҳеч бир пайғамбарга ишонмаган бўлади. **"Аконим-и салоса"** деган "**Таслис"**га [уч тангрига] ишониш, бутун пайғамбарларни рад этиш билан бирдир. Таслис - уч худолик ақидаси, Исо алайҳиссаломнинг самога кўтарилганидан кўп замонлардан кейин вужудга келди. Ундан олдин **Насоро** ҳам **Тавҳид** [бир худо] ақидасида эди ва Таврот аҳкомини ижро этарди. Бутпарастлардан кўпи ва Юнон файласуфлари Насроний динига ўтгач, эски эътиқодларидаги уч худоликни ҳам насронийликка олиб кирдилар. Насоро динига уч худолик ақидасини илк бор аралаштирган одам, мелоднинг икки юзинчи йилида Себлиюш исмли роҳиб бўлгани ва бу сабабдан кўп қон тўкилгани, французча "**Қуррат-ун-нуфус"** китобида ва арабча таржимасида узундан узун ёзилган. Ўша пайтда бир неча олим тавҳидни ёқлаб, Исо алайҳиссаломнинг инсон ва пайғамбар эканлигини билдиришди. Уч юзинчи йилларда Искандарияда, Арюс тавҳидни эълон қилиб, таслис-уч худоликнинг фосид ва ботил эканлигини ёйди. 325 йилда буюк Константиннинг Изникда [Никея] тўплатган папалар мажлисида тавҳид - бир худолик ақидаси рад, Арюс эса афороз қилинди, яъни кофирга чиқарилиб, қораланди. Христианлар таслис-уч худонинг учинчиси деб атаётган **«Руҳ-ул-Қудс»**нинг нима эканлигини ўзлари ҳам билишмайди. Исо алайҳиссалом онаси **Марям-и азро**нинг қорнида Руҳ-ул-қудсдан майдонга келган, деб айтадилар. Исломиятда Руҳ-ул Қудснинг, Жаброил исмидаги фаришта эканлиги билдирилган. "Изоҳ-ул-маром"дан иқтибос тугади[83].

---

[83] **"Изоҳ-ул-маром"** китобини манастирлик Абдуллоҳ Абдий бин Дастон Мустафо бек ёзган. Ўзи 1303 [м.1885] йилда вафот этди "раҳматуллоҳи алайҳ". Китоб 1288 [м.1871] йилда Истанбул Эдирнақопи хорижида, Мустафо пошо даргоҳи шайхи Яҳё афанди матбаасида чоп этилган.

Шамсиддин Сомий бек 1316 [м.1898] тарихли "**Қомус-ул-аълом"** китобида қуйидаги маълумотни келтирган: Ислом динининг Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломдир. Отаси Абдуллоҳ, бобоси Абдулмутталиб бин Ҳошим бин Абд-и Маноф бин Қусай бин Килобдир. Тарихчиларга кўра, милоднинг 571-чи йилида Апрель ойининг йигирмасига тафовуқ этган Рабиул-аввал ойининг ўн иккиси душанба (ўтар) кечаси тонгга яқин, Макка шаҳрида дунёга келдилар. Онаси Ваҳабнинг қизи Омина, Оминанинг отаси ҳам Абд-и Маноф бин Зуҳра бин Килобдир. Килоб Пайғамбаримизнинг отаси бўлган Абдуллоҳнинг бобосидир. Абдуллоҳ тижорат учун Шомга бориб, қайтишда Мадина атрофида **Дор-ун-нобиға**да вафот этди. Йигирма беш ёшда эди. Ўғлини кўра олмади. Бола беш йил сут онаси Ҳалиманинг қабиласида қолди. Бу Баний Саъд қабиласи Арабистоннинг энг фасиҳ (чиройли) ва энг гўзал гапирувчи қабиласи эди. Шунинг учун Муҳаммад алайҳиссалом жуда чиройли гапирардилар. Олти ёшларида Омина, ўғлини Мадинадаги тоғаларига элтиб, ўша ерда вафот этди. Дояси Умми Айман уни Маккага олиб келиб, Абдулмутталибга таслим этди (топширди). Саккиз ёшида Абдулмутталиб ҳам вафот этиб, амакиси Зубайр Яманга олиб кетди. Йигирма беш ёшида, Ҳадижа "родияллоҳу анҳа"нинг карвони билан тижорат учун, Шомга бордилар. Ақли, одоби, гўзал ахлоқи ва меҳнатсеварлиги билан машҳур бўлдилар. Икки ой ўтгач, Ҳадижа билан издивож (никоҳ) қилдилар. Қирқ ёшларида Жаброил исмли малак келиб, Пайғамбар бўлганини маълум қилди. Энг аввал Ҳадижа, сўнгра Абу Бакр, ҳали ёш бола бўлган Али ва Зайд бин Хориса иймон келтирди. Қирқ уч ёшларида барчани динга даъват этиши амр қилинди. Мушриклар азоб, жафо қилдилар. Эллик уч ёшларида, Аллоҳу таолонинг изни билан Мадинаи мунавварага ҳижрат этдилар. Милодий 622-чи йили сентябрь ойининг йигирманчи ва Рабиул-аввалнинг

саккизи, душанба куни Мадинанинг Қубо қишлоғига келдилар. Ҳазрати Умар халифалигида, ўша йилги Муҳаррам ойининг биринчи куни **Ҳижрий қамарий** йил боши деб қабул қилинди, бу июль ойининг ўн олтиси, жума куни эди. Сентябрнинг йигирманчи куни эса, **Ҳижрий шамсий** йил боши бўлди. 623-чи милодий йил боши, ҳижрий шамсий ва қамарий йилларнинг биринчисида бўлди. Кофирларга қарши ғазо (жанг) ва жиҳод амр этилгач, ҳижратнинг иккинчи йилида **Бадр жанги** бўлди. 950 кофирдан 50 киши қатл ва 44и асир олинди. Учинчи йилида **Уҳуд жанги** бўлди. Кофирлар уч минг, мусулмонлар 700 киши эди. 75 Саҳобий шаҳид бўлди. Ўша йили хотинларнинг ҳижобга киришларини амр этувчи оятлар нозил бўлди. Тўртинчи йилида **Ҳандақ жанги**, бешинчи йилида **Баний Мусталақ жанги** бўлди. Олтинчи йилда **Ҳайбар жанги** ва Ҳудайбияда **Байъат-ул-ридвон** битими имзоланди. Еттинчи йилда Бизанс [византия] ҳукмдори Қайсерга ва Эрон шоҳи Кисрога Исломга даъват қилувчи мактублари юборилди. Саккизинчи йилда Ҳераклиюснинг Рум қўшини билан **Мута жанги** бўлди ва **Макка фатҳ** қилинди ва **Ҳунайн жанги** бўлиб ўтди. Тўққизинчи йилда **Табук жанги**га боришди. Ўнинчи йилида **Видо ҳажи**ни адо этдилар. Ўн биринчи йилда ўн уч кун хуммо хасталигига чалиниб, Рабиул-аввал ойининг ўн иккиси, душанба куни, масжидига туташ бўлган уйида, 63 ёшида вафот этдилар.

Расулуллоҳ «саллаллоҳу алайҳи ва саллам» доимо кулар юзли, ширин сўзли (мулойим) эди. Муборак юзида нур порларди. Кўрганлар ошиқ бўлмай қолмасди. Юмшоқлиги, сабрлиги, гўзал ахлоқи, мингларча китобларда ёзилган, Ҳадижадан “родияллоҳу анҳа” икки ўғли ва тўрт қиз авлодлари туғилди. Мисрлик Мариядан ҳам бир ўғиллари бўлди. Фотимадан бошқа фарзандлари, ўзлари ҳаётлик чоғидаёқ вафот этдилар. **“Қомус-ул-аълом”**нинг ёзуви шу ерда тамом бўлди.

Имом-и Ғазолий **“Кимё-и саодат”** китобида: «Аллоҳу таоло қулларига пайғамбарлар юборди. Бу буюк инсонлар воситасида қулларига саодатга ва фалокатга сабаб бўлувчи нарсаларни билдирди. Пайғамбарларнинг энг юксаги, энг устуни ва охиргиси **Муҳаммад** алайҳиссаломдир. У зот бутун инсонларга, бутун миллатларга Пайғамбардир. Дунёнинг ҳар бир минтақасида, ҳар бир кишининг Ўша юксак Пайғамбарга ишониши ва Унга тобе бўлиши лозимдир»- деб билдирганлар.

Сўнгги сўз
(Хотима)

Хулоса, **Дин** деб – Аллоҳу таоло рози бўлган ишларни ва қилиниши лозим бўлган ибодатларни, дунё ва охиратда саодатга эришишни ўргатиш мақсадида Аллоҳу таоло тарафидан Пайғамбарларига юборилган ҳукмларга айтилади. Инсонларнинг нуқсон ақллари билан шубҳали ва ҳаёлий сўзларига дин дейилмайди. Ақл диннинг амр ва тақиқларини англашга ва буларга эргашишга хизмат қилади холос. Лекин, амр ва тақиқлардаги сирларни ва буларнинг ҳақиқатларини тушуна олмайди. Булар устида ҳукм юрита олмайди. Ушбу ҳикматлар, Аллоҳу таолонинг пайғамбарларга билдириши орқали ва авлиёнинг қалбларига илҳом ва тажаллий (намоён) қилиши орқали ўрганилади. У ҳам, фақат Аллоҳу таоло тарафидан эҳсон қилинади.

Ҳозирги замонда дунё ва охират саодатига эришиш ва Аллоҳу таолонинг ризосини қозониш учун, мусулмон бўлиш шарт. Мусулмон бўлмаган бадбахтга **Кофир** дейилади. **Мусулмон бўлиш** учун **Иймон келтириш** [ишониш] ва **Ибодат қилиш** лозимдир. Ибодат - барча сўз ва ишларини Муҳаммад алайҳиссаломнинг шариатига мослаштириш демакдир. Ибодатларни ҳеч қандай манфаат кутмасдан, фақат Аллоҳу таолонинг амри бўлгани учун, бажо келтириш лозим. **Аҳкоми исломия** Қуръони каримда ва ҳадиси шарифда билдирилган **Аҳком** [ҳукмлар, яъни амр ва тақиқлар] бўлиб, фиқҳ, яъни **илми ҳол** китобларидан ўрганилади. Аҳкоми исломияни, яъни ҳар бир мусулмоннинг бажариши ва тийилиши амр қилинган ҳукмларни ўрганиш эркакларга ҳам, аёлларга ҳам **фарзи айн**. Булар инсонларни руҳий ва бадaний хасталиклардан муҳофаза этувчи даволардир.

Тиббиёт, саноат, тижорат ва ҳуқуқ билимларини ўрганиш учун, лицейларда ва университетларда, йилларча кўз нури тўкилганидек, **Илми ҳол** китобларини ва араб тилини ўрганиш учун ҳам, йилларча ҳаракат қилиш лозим. Буларни ўрганмаганлар, инглиз жосусларининг ва уларга алданган ва сотилган дин пешвоси шаклидаги мунофиқларнинг ва золим, хоин бўлган давлат одамларининг ёлғон сўзларига ва туҳматларига алданишиб, дунё ва охиратдаги фалокатларга, азобларга дучор бўлишади.

Калимаи шаҳодатни айтиш ва ишонишга **иймон** дейилади. Айтиб ва маъносини билиб ишонган кимсага **Мўмин** дейилади. **Калимаи шаҳодат**: «Ашҳаду ан ло илоҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ»дир. Маъноси: «Аллоҳдан бошқа илоҳ [маъбуд] йўқ ва Муҳаммад алайҳиссалом Унинг қули ва бутун инсонларга юборилган расулидир». Ундан кейин асло пайғамбар келмайди, деганидир. “**Мароқил-фалоҳ”** китобининг Таҳтовий хошиясида, қазо намозлари сўнгида «Аллоҳу таолонинг ёлғиз бор эканлигига ишониш, кифоя қилмайди. Шериги бор деган кофирлар ҳам, Аллоҳнинг бор эканлигига ишонмоқда, Мўмин бўлиш учун ҳам бор эканига, ҳамда [бир, тирик (хаёт), қодир, олим, ирода соҳиби каби] сифатларининг борлигига, жамики борлиқни кўришига, эшитишига ва Ундан бошқа яратувчининг йўқлигига ҳам ишониш шартдир.»- деб ёзилган. Муҳаммад алайҳиссаломнинг Расул - Пайғамбар эканлигига ишониш дегани, ҳар бир сўзининг, Аллоҳу таоло тарафидан Унга билдирилганлигига ишониш демакдир. Аллоҳу таоло **Исломият**ни, яъни иймон ва амал билгиларини Қуръони карим воситасида Ул зоти шарифга билдирди. Бажо келтириш керак бўлган амрларга **Фарз**, тақиқларга эса **Ҳаром** дейилади. Иккаласига бирликда **Шариат** дейилади. Ҳар бир инсон мусулмон бўлган заҳоти, дарҳол инсонлар орасида ёйилган ислом билимларини ўрганиш унга фарз бўлади. Буларни ўрганишга аҳамият бермаса, ўрганишни

нима кераги бор- деса, иймони кетиб, **кофир** бўлади. Кофир ҳолида ўлган кимсанинг охиратда ҳеч қачон кечирилмаслиги ва жаҳаннамда абадий, мангу ёниши, ояти карималарда ва ҳадиси шарифларда очиқча билдирилган. Имоми Раббоний қаламига мансуб "**Мактуботи Раббоний"**нинг туркча таржимаси **"Мьјdeci Mektыblar"** китобимиздаги 266-мактубда ҳам бу ҳақда батафсил ёзилган. Иймони кетган кимсага **Муртад** дейилади. Қуръони каримга ва ҳадиси шарифларга тўғри эътиқод (ишонганларга) қилганларга **Аҳл-и суннат** дейилади. Аллоҳу таоло бениҳоя марҳаматли бўлгани учун, ҳар бир нарсани очиқча ва батафсил билдирмади. Баъзиларини ёпиқ, мужмал ҳолда билдирди. Қуръони каримга ва ҳадиси шарифларга ишониб, баъзи ерларига Аҳли суннат олимларининг билдирганидек маъно бермаганларга **Мазҳабсиз** дейилади. Мазҳабсизлардан фақатгина ёпиқ, мужмал билдирилган иймон илмларига, нотўғри маъно берганларга **Бидъат аҳли** ёки **бузуқ, гумроҳ** мусулмон дейилади. Очиқ билдирилганларига нотўғри маъно берганларга эса **Мулҳид** дейилади. Мулҳид ўзини мусулмон деб билса ҳам, кофирдир. Бидъат соҳиби бўлган кимса кофир бўлмаса ҳам, албатта жаҳаннамда кўп азоб чекади. Аҳли суннат олимларининг ҳақ йўлда эканлигини, устунликларини билдирган китоблар орасида Суданлик фазилатли Муҳаммад Сулаймон афандининг **"Маҳзон-ул-фиқҳ-ил-кубро"** китоби бағоят қийматлидир. Мусулмон бўлмагани ҳолда, мусулмон кўриниб очиқ билдирилган масалаларга, ўз ақлини, фан билимларини баҳона қилиб нотўғри ва номуносиб маънолар бериб, мусулмонларни алдаган ва адаштирган кофирларга **Зиндиқ** дейилади.

Аҳли суннат олимлари Ислом ҳукмларининг ёпиқ, мужмал билдирилган қисмларидан баъзиларини фарқли англадилар. Шу тариқа амалда, яъни шариатга эргашишда тўртта алоҳида мазҳаб майдонга келди. Буларга **Ҳанафий**, **Моликий**, **Шофеъий**, **Ҳанбалий** мазҳаблари дейилади. Бу

тўрт мазҳабнинг иймонлари бир бўлиб, ибодатлари озгина фарқли. Бир-бирларини дин қардоши деб биладилар. Ҳар бир мусулмон булардан хоҳлаган мазҳабини танлаб, шуни тақлид қилиш ҳуқуқига эга ва ҳар ишини ўша танлаган мазҳабига кўра қилади. Мусулмонларнинг тўрт мазҳабга айрилишлари, Аллоҳу таолонинг раҳмати ва буюк бир марҳамати, эҳсонидир. Бир мусулмон ўз мазҳабига кўра ибодат қиларкан, бир машаққат юзага келса, заҳмат чекса, бошқа бир мазҳабни тақлид қилиб, ўша ишни қулай ва осонликча адо этиши мумкин. Бошқа мазҳабни тақлид қила олиш учун лозим бўлган шартлар **"Саодат-и Абадийя"** номли китобимизда бафуржа ёзилган.

Ибодатларнинг энг муҳими намоз. Намозхон кимсанинг мусулмон эканлиги равшан. Намоз ўқимайдиган кимсанинг мусулмонлиги эса, шубҳали. Бир кимса намозга аҳамият бериб узрсиз, дангасалик туфайли тарк этса, Моликий, Шофеъий ва Ҳанбалий мазҳабларида маҳкама томонидан жазоси қатлдир. Ҳанафийда эса, намозга бошлагунга қадар ҳибсга олинади ва дарҳол қазосини ўқиши амр қилинади. **"Дурр-ул-мунтақо"**да, **"Ибни Обидийн"**да ва Ҳақиқат Китобуйи нашр қилган **"Китоб-ус-салот"**да айтиладики: «Беш вақт навмозни, узрсиз тарк қилиш, вақтида ўқимаслик, бир-биридан фарқли икки катта гуноҳ ҳисобланади. Тарк этгани учун қазосини ўқиши, вақтида ўқимагани учун эса, ҳаж ёки тавба қилиш лозимдир». Қазосини ўқимаган кимсанинг тавбаси зотан қабул бўлмайди. Ҳар куни беш вақт фарз намозидан аввал ва кейин ўқиладиган **равотиб суннатлар** ўрнига ҳам қазо ўқиб, катта гуноҳдан қутилиш даркор. Фарз қарзи бўла туриб ўқилган ҳеч бир суннат ва нофила намозларнинг саҳиҳ бўлса ҳам, қабул бўлмаслиги, яъни Аллоҳу таолонинг ваъда қилган савобларига, фойдаларига қовуша олмаслиги, мўтабар китобларда ёзилган. Бу васиқалар **"Саодат-и Абадийя"** китобимизда мавжуд. Намозни узр билан фавт қилиш (кечиктириш) **гунох**

бўлмаса ҳам, адо қила олмаган фарзларни тезроқ қазо қилиб ўқиш тўртала мазҳабда ҳам лозим. Бироқ, Ҳанафийда нафақа топиш, тирикчилиги учун кетадиган меҳнат вақти қадар ва равотиб суннатлар билан ҳадиси шарифда билдирилган нофила намозларни ўқишга кетадиган вақт қадар кечиктириш жоиз бўлади, яъни қазоларни бу сабаблар билан кечиктириш мумкин. Узр билан фавт этилган [Қазога қолдирилган] фарз ибодатидан қарзи бўлган кимсанинг, равотиб суннатларни ва нофилаларни ўқиши қолган уч мазҳабда жоиз эмас, ҳаромдир. Узр сабабли фавт этилган намозлар билан, узрсиз тарк этилган намозларни бир-бири билан чалкаштирмаслик керак. Бу икки хил қазо ибодати ҳукмларининг бир хил эмаслиги **“Дурр-ул-Мухтор”** ва **“Ибни Обидийн”**да, **“Дурр-ул-Мунтақо”**да ва **“Мароқил-фалоҳ”**нинг Таҳтовий шарҳида ва **“Жавҳара”** китобларида мазкурдир. [Қишлоқда, йўлда намоз ўқиш учун Қибла жиҳатини билиш шартдир. Бу мақсадда қуёш нури тушадиган бир ерга тик ҳолатда бирон қозиқ қоқилади. Ёхуд бирон ип учига калит, тош каби оғирроқ нарса боғланиб осилади. Туркистон тақвими саҳифасидаги **Қибла соати** устунидаги соат вақти келганда, ҳалиги қозиқ ёхуд ипнинг соясига қаралса, соя қибла томонни кўрсатиб туради. Яъни соянинг қуёш тарафи қибла жиҳати бўлади.]

1996 йил, 13 сентябрь куни Истанбулда чиққан **“Туркия”** газетасида бундай бир маълумот келтирилган:

Ғарблик Ислом душманлари пайти келганда куч ишлатиб, ҳар хил сиёсий ўйинлари ва қуввати билан қўлга киритган Ислом давлатларини, мусулмон миллатларни асрларча эксплуатация қилдилар. Бу ўлкаларнинг нақадар ер ости ва ер усти бойликлари бўлса, барчасини ташиб кетдилар. Шу билан бирга маънавий томондан динларини, тилларини ва урф одатларини ҳам буздилар. Бу Ислом душмани, мустамлакачи давлатларнинг карвонбошиси инглизлар эди.

Инглиз мустамлакаларининг энг аҳамиятлиси Ҳиндистон эди. Инглизларга дунё ҳокимиятини таъминлаган

куч, Ҳиндистоннинг ниҳоятсиз табиий бойликларидир. Фақатгина биринчи жаҳон урушида инглизлар бу ўлкадан бир ярим миллион аскар ва бир миллиард рупи нақд пул олишганди.

Буларнинг катта қисми Усмоний давлатини парчалаш учун сарфланди. Тинчлик замонида эса, Инглизларнинг муаззам саноатини яшнатиб, инглиз экономикасини ва молиясини қувватлантириб турган нарса – яна Ҳиндистон бўлди.

Ҳиндистоннинг бошқа мустамлакаларга қараганда аҳамиятлироқ бўлишининг иккита сабаби бор: биринчиси, инглизларга дунёни талон-тарож қилиш учун энг катта моне бўлиб кўринган Исломиятнинг Ҳиндистонда оммавий дин бўлиши ва бу ерда мусулмонларнинг ҳоким бўлиши. Иккинчиси, Ҳиндистоннинг табиий бойликларидир. Ҳиндистонни қўлга киритиш учун, Ҳиндистон йўли устида бўлган бутун Ислом ўлкаларига босқинчилик, фитна-фасод тухумларини экиб, биродарни-биродарига қотил қилиб ва бу юртларга ҳоким бўлиб, бутун табиий бойликларини ва миллий жавҳарларини ҳам ўз юртларига ташиб кетишди.

Усмоний императорлигидаги ҳаракатларни изчиллик билан кузатиб бориш ва ҳар хил сиёсий ўйинлар билан Усмонийларни Руслар билан урушишга мажбурлаб, уруш сабабли Ҳиндистонга ёрдам қўлини чўза олмайдиган ҳолатга келтириб, йўқ қилиб, парчалаш ва ишғол қилиш - Инглиз сиёсатининг асосини ташкил этарди.

Инглизлар Усмоний - Рус жанги давомида, Ҳиндистонни Англия қироллигига қарам давлат деб эълон қилишди. Машҳур масонлардан Мидҳат пошонинг, Усмоний давлатини ҳарбга олиб кириши, Исломиятга етказган зарарлари ичида энг каттаси бўлди. Султон Абдулазиз Хоннинг шаҳид қилиниши ҳам, инглизларнинг ўйини эди.

Инглизлар ўзлари етиштирган одамларини Усмоний давлатининг асоси бўлган катта ишларга жойлаштириб

қўйишганди. Бу давлат одамларининг исми ва кўриниши Усмоний, лекин фикри, зикри соф инглиз эди. Буларнинг энг машҳурларидан, Мустафо Рашид пошо охирги садри аъзамлигида [бош вазир] олти кун садри аъзам бўлиб, 28.10.1857 санасида инглизларнинг Ҳиндистон мусулмонларига қилган Деҳли қатлиоми муносабати билан расмий табрикнома йўллаган эди. Инглизлар аввал ҳам, инглиз зулмига қарши оёқланган Ҳиндистон мусулмонларини янчиш мақсадида, Англиядан келадиган ёрдамнинг Мисрдан ўтиши учун Усмонийлардан изн сўраганди. Бу талаблари ҳам яна масонлар ёрдамида ижро этилди.

Инглизлар Ҳиндистон халқини диндан узоқлаштириш учун, Ислом динининг асоси ва энг очиқ васфи бўлган болалар мактаби ва бутун мадрасаларни ёпиб ташладилар. Халққа раҳбарлик қила оладиган бутун дин одамлари ва олимларини шаҳид қилдилар.

Англия, ҳукмрон бўлган бутун бошқа Ислом мамлакатларида бўлганидек Ҳинд диёрида ҳам, Ислом олимларини, китобларини ва Ислом мактабларини йўқ қилди ва бутунлай саводсиз, дин жоҳили бўлган наслларни етиштирди.

Англия қўл остидаги ўлкаларни, Аҳмад, Маҳмад, Мустафо, Али каби мусулмон исмли шахслар идора қила бошлади. Уларнинг Исломият билан, шунчаки исм ўхшашлигидан бошқа алоқалари йўқ эди. Булар кўргазма ва сохта бўлган ўз парламентларига эга бўлсалар ҳам, аммо ҳеч қачон мустақил бўлмаганлар. Доим инглизларнинг амри билан қадам босдилар.